

ISSN 0235—1277

پاڻچي

6 1991

موساوير آكروم. باخروم. «ناخوت، اچئق قيسماٲ، بۇئ!»



ۛۛۛۛ ???

خاٲقئق سئئ
ۛنۛتمائءئ



КУМУШ КҮНГИ — РОҚЛАР

Тетапоя гўдагингиз юзтубан йиқилди. Тўхтанг! Уни ердан кўтариб олманг. Нозик ва мўрт билакларига таяниб ўзи турсин. Ана шунда кейинги қоқилишлари олдини олган бўласиз. Кўрмаяпсизми, одам шаклланапти! Биламан, юрагингиз зирқираб кетди, биламан, бирингиз — ота, бирингиз — онасиз.

Ўғилчангиз сиз конфет қўйган жойга эмаклаб борди.

Шошманг! Бунга асло қувонманг. Ширинлик тамасида эмаклаган боланинг умуртқаси эгилувчан бўлиб қолади. Бундай умуртқа кейинчалик панд беради. Болангиз амалдорлар қошида пешонаси ер ўпадиган бўлиб қолади.

Биламан, юрагингиз ҳапқирди, биламан, бирингиз — ота, бирингиз — онасиз.

Болангиз бўй чўзиб қолди. Ана, у томда умбалоқ ошаяпти, бўғотлардан сакраб-сакраб чопаяпти.

Ҳовлиқманг! Шаҳодат бармоғингиз билан яниб, пўписа қилманг. Қаранг, у қўрқув нималигини сира билмаяпти. Унинг тиззалари ҳам қалтираётгани йўқ!

Биламан, юрагингиз ҳапқирди, биламан, бирингиз — ота, бирингиз — онасиз.

Бугун болангиз минораи калондек тик тиракнинг учигача чиқди, қўлини қуёшга узатди. Қўрқманг! Уни койишдан ўзингизни тийинг.

Ахир, у илк марта ўзининг бўйидан ўн баравар юксакка кўтарилди.

Биламан, юрагингиз қинидан чиқаёзди, биламан, бирингиз — ота, бирингиз — онасиз.

Мана, ўғлингизнинг овози дўриллаб қолди. У ҳамманинг кўзида қўшни қизга бир даста лола тақдим қилди.

Бас! Ўғлимиз бизни маломатга қўйди, деб ранжиманг! Бу журъат ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Биламан, юрагингизда бир номус туйдингиз, биламан, бирингиз — ота, бирингиз — онасиз.

Мана, ўғлингиз кўпдан кўзлаган манзилига йўл олди. Тоғнинг энг баланд чўққисига тирмашиб чиқди. У ишғол қилган чўққи шундай баландки, тоғ этагида туриб, сизнинг бошингиз айланди: тоғ этагида туриб сизнинг кўзингиз тинди.

Етар! Дод солиб, уни чорламанг. Ана, уқпар булутлар ундан қуйида оғир судралади. Ана, қуёш ҳам унинг пойида — уфққа чўкиб боради.

Биламан, юрагингиз увишиб кетди, биламан, бирингиз — ота, бирингиз — онасиз.

Акс ҳолда бургут эмас, мусича тарбиялаган бўласиз.

Акс ҳолда, ўғлингизнинг юрагида бекиниб ётган қулваччага яна хавфсизроқ бошпана топиб берган бўласиз.

Мен бургут учун овоз бераман, қадах кўтараман, қўшиқ айтаман!

ЁРДАМ БЕРИЛМОҚДА!

«Ёш куч»нинг бундан кейин янада мазмунли, янада чиройли, янада таъсирчан чиқиб обуначилар қўлига вақтида етиб бориши МУШТАРИЙЛАРНИНГ МОДДИЙ МАДАДИГА БОҒЛИҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Ойноманинг беминнат мадакдорлари тобора кўпаймоқда:

**ЖУМҲУРИЯТ
БОЛАЛАР
ЖАМҒАРМАСИ
САХОВАТ
ТАШАББУСИНИ
БОШЛАБ БЕРДИ:
15000 сўм!**

**БЕШАРИҚ
ШАҲРИДАГИ 27, 6,
22, 29, 30, 46-МАКТАБ,
ХҲЖАНД
ШАҲРИДАГИ
2-МАКТАБ,
ХҲЖАНД
ТУМАНИДАГИ
43-МАКТАБ
ЎҚУВЧИЛАРИ,**

Шаҳрихондаги 33-хунар-техника билим юрти талабалари ойнома жамғармасига ёрдам қўлини чўздилар!

**ОҒИР КҮНЛАРДА
ТУҒИЛГАН
БИРОДАРЛИК
АБАДИЙ
БИРОДАРЛИКДИР!..**



А. ЖУМАЕВ фотолавҳаси.

Хабарнингиз борми

Урта Осиёдаги марксизм-ленинизмни тарғиб-ташвиқ қилувчи энг йирик марказлардан саналмиш В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалини ёпишга қарор қилинди. Жумҳурият пойтахтидаги диққатга сазовор бу баҳаво, кенг бинога Ўзбекистон халқлари дўстлиги ва тарихи музейи кўчиб ўтади.

17 ёшли Эдуард Пирков исмли ўспирин (СПТУ ўқувчиси) икки қарич келадиган металл арматура билан Қизил майдонда қабри устига ўрнатилган Сталиннинг бюстига зарб билан туширди. Зарбдан Сталин бурнининг қирраси, мўйловининг бир тарафи учи кетди. «Халқлар отаси»ни бурундан маҳрум қилган ўспиринга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

СССРда 1000 та эркакка 1321 та аёл тўғри келади. Покистонда эса аксинча — эркаклар аёллардан анча кўпроқдир.



Пойтахт ҳавоси 300 дан ортиқ корхоналар туфайли ўта ифлосланганлигига қарамай, Тошкент шаҳар ижроқўми томонидан Отчопар мавзеида янги завод қурилишига фатво берилмаётир.

Хотинларнинг мияси эркакларникидан анча енгилдир. Эркакларнинг энг оғир мияси 2049 граммга тенг. Мияси энг оғир аёл (1565 г) қотил бўлган. Аёлнинг мияси қанча енгил бўлса, эркак киши ўзини шунча хавфсиз сезар экан.

АҚШ Олимпиадасидан сўнг жаҳон спортчилари яшаган кўпгина муҳташам бинолар қамоқхонага айлантирилди. «Жиноятчи ҳам одам», деб ҳисоблайди америкаликлар.

Энг хипча бел аёллар фарангистонлик артистлар Полер (1881—1939) ва Эфель Грэнджер (1905—1982) бўлиб, улар белининг айланаси 33 см (бир ярим қарич)дир.

СССР 1990 йилда 1 миллиард 638 миллион долларга тенг бўлган 234 тонна олтин сотган. Унинг қанчаси Ўзбекистон заминидан қазиб олинганлиги бизга номаълум.

«Ёш куч»га кунига 100-150 та, бир йилда 30 мингга яқин хат келади. Хатларнинг 80 фоизи шикоятлардан иборат. Жумҳурият прокуратураси ойномага оқиб келаётган шикоят мактублар юзасидан маҳсус кенгаш ўтказиши мумкин.

Ўзбекистонда турли касалликка чалинган 14 ёшгача бўлган болаларнинг сони 50 мингга яқиндир. Бу — ўртача бир шаҳар аҳолиси билан тенг.

Туркменистонда ташкил этилган биринчи мустақил нашриёт «Олтин белбоғ» Махтумқулининг шу пайтгача эълон қилинмаган асарларини нашр этди. Нашриёт, шунингдек, СССРдаги мусулмон халқлари шоир ва ёзувчиларининг асарларини қамраб олувчи кўп жилдли «Туркларнинг маънавий мероси» кутубхонасини тузишга киришди.

Калифорнияда Марк Твеннинг «Гекельберри Финнинг саргузаштлари» романидаги йўқолган қўл-ёзма қисми топилди.

Белоруссия аҳолисининг ҳар тўрттадан биттаси урушда ҳалок бўлган, ҳар учтадан биттаси Чернобиль фожиасидан зарар кўрди.

Москов шаҳар советининг депутаты — 55 ёшли Юрий Максимов вафотидан 3 соат бурун метродан чиқаверишда ўлар ҳолатда топилди. Унинг бош мияси шикастланган, қон таркибида ичкилик миқдори кўп эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил топган «Турон» ижодий уюшмаси ўзининг илк ижодий маҳсулоти — «Ўзбегим» («Ор») ҳужжатли бадиий-публицистик фильмини намойиш этди.

«150 миллион киши иштирок этган референдум Горбачев умид қилганидек Кремль ва 15 жумҳурият ўртасидаги ҳокимият учун кураш натижасини белгилаб бериш уёқда турсин, зиддиятли эҳтирослар ва хатарни янада очиқроқ тус олдириб юборди» деб ёзди «Нью-Йорк таймс».

Айрим башоратларга кўра Совет Иттифоқидаги иқтисодий ва ҳоказо аҳвол шу йилнинг иккинчи ярмидан яхшиланиб кетади.

Япониядаги «Касио» компаниясининг Нью-Жерси штатидаги филиалида «Би-Пи-100» деган қўл соати ишлаб чиқилди. Мазкур соатнинг мўъжизакорлиги шундаки, у вақт-соатни кўрсатибгина қолмай, исталган дақиқада қон босимини, юрак уриши суръатини ўлчаб кўрсатади. Бордию, қон босими тўсатдан ошиб кетса ё кескин пасайиб кетса соатда қизил чироқ ёниб эгасини хабардор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ойномаси «Шарқ юлдузи» чиқа бошлаганига 60 йил тўлди!

Телекино кўрувчиларга яхши таниш «Жейн Эйер» фильмига асос бўлган шу номдаги роман муаллифи, машҳур инглиз адибаси Шарлотта Бронте таваллудига 175 йил тўлди! (Эслатма: Жейн Эйер образини севиб қолганларга романини ўқишни маслаҳат берамиз).

Июннинг 29-куни ихтирочилар куни эканини биласизми?.. Ўзбек ихтирочилари қайдасиз?!

Ун бир ёшли инглиз М. Спинк узун макаронни истеъмол қилишни осонлаштирадиган электр санчқи ихтироси учун 175 доллар пул мукофоти олди.

Озарбайжон халқ фронти (ОХФ) томонидан ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда 17 март куни ўтказилган референдумда Жумҳурият марказий комиссияси хабар қилганидек 74 эмас, балки 15 фоиз аҳоли овоз берган.

Бир саволга — бир жавоб

Салом ҳурматли «Ёш куч!» Менинг исмиим Наргиза, кўпинча дугоналарим ҳазиллашиб «Наргис» деб чакиришади. Мен шунда ўз исмиمنى тўғри аташларини, «нар-гис» гул номи эканлигини уларга айтаман. Сизлардан илтимос, нар-гис гули ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангизлар.

Наргиза ХОЛИҚУЛОВА,
Советобод тумани.

Наргис ёки нарцисс — чучмома гулсимонлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Унинг пиёзи озиқ моддасига бой этли пўстлоқдан иборат бўлиб, ташқи томондан бир неча қуруқ, жигарранг, юлқа пардалар билан қопланган. Барглари ингичка, узунчоқ, наштарсимондир. Гуллари одатда сариқ ёки оқ бўлиб, поясига нисбатан симметрик жойлашган. Очиқ жойда ўсган наргис 15 мартдан 15 апрелгача гуллайди. У хушманзара ўсимлик, манзарали гул сифатида экилади.

Наргиснинг Урта денгиз теварагида ўсадиган 30 га яқин тури бор. Мамлакатимизда бу гулнинг фақат бир тури — ингичка барглиси ёввойи ҳолда учрайди. Бир гулли сохта наргис ва кўп гулли таецет айниқса мушҳур. Баъзи турларининг гулларида хушбўй эфир мойи бўлади, пиёзбошида эса бир қанча алколоидлар бор.

Наргис халқ табиоботида ва илмий медицинада кенг қўлланилади. Наргис ёғи асабга фойдалидир. Илдизидан бўғинлар оғриғига қуюқ суртма тайёрланиб ишлатилади. Наргис миядаги тўқималарни очади, бош оғриғини қолдиришда ёрдам беради.

Синглим Наргиза, исмингиз шу гулнинг номидан олинган бўлиб, гўзаллик, нафислик маъносини англатади.

Фотима АШИРОВА
тайёрлади.

САРКОТИБНИНГ



муружаатимизга ун беш кун ичида жавоб бер-маса уларни сафдан чиқаравердик. Айтинг-чи, қайси интизомли комсомол ўз ҳисоб дафтарчасига бефарқ бўлади? Утган йили 1 январда ноҳия рўйхатида 27.500 аъзо қайд этилган бўлса, бу йил шу вақтга келиб 22.575 та аъзоси бор. Орада анча катта фарқ бор. Аммо, рўйхатдагилар ҳақиқий аъзолардир.

Аваз қисқа вақт ичида кўзга кўринарли ишларни қилишга улгурди. Ходимларни қисқартириш таклифи билан ҳам биринчилар қаторида чиқди. Котиб бўлиб сайланганидан кейин у ажойиб таклифни киритди. Нега аъзолик ҳисоб дафтарчаси ноҳияда сақланиши керак? Бу нима — котибларга ишончсизликми? Ҳозир ҳамма ҳисоб дафтарчалари ташкилотларга тарқатилган. Оқибатда ҳисоб секторининг мудир ва уч ходими ўрни қисқартирилди. Аваз бу таклиф билан тўрт йил илгари Тожикистонга тажриба алмашишга борганида чиққанди. Ушанда уни ҳеч ким қўлламади. Ўзи ҳали биринчи котиб бўлмагани учун уни амалга ошириб бўлмади.

Ноҳия комсомоли сардори ёшлар билан ишлашда ходимларидан ташқари фаолларга суянади. Улар ҳам унинг ишончини оқлашади. Масалан, ўтган йили Алгоритм заводининг ишчиси Эркин Каримов комсомолнинг ноябрь ойида ўтган XV конференциясида ноҳия ҳудудидаги корхоналар вилоятлардан таклиф қилинган ишчи учун шаҳар бюджетига 16,5 минг сўм пул тўлаши кераклиги ҳақидаги қарорга

сабатда бўлувчилар таъсирини кучайтириб юборди. Шунда ноҳия ёшлари томонидан комсомол қўмитаси мутасаддилигида «Уралчилар» жамияти тузилди ва улардан ўттиз киши вазиятни ўрганиш учун Россиядаги ҳарбий қисмларга, корхоналарга, қишлоқ ва шаҳарларга юборилди. Уларнинг иши бесамак кетмади. Кузги қақирув баъзи камчиликлар билан бўлса ҳам тўлиқ ўтди.

Ноҳия ёшлари олдидаги яна бир муҳим масала — ишсизликдир. Ҳозирги кунда аҳолининг 607 минги ишсиз. Уларнинг 52 фоизини ёшлар ташкил қилади. Бу кўрсаткич Чилонзор ноҳиясига ҳам тааллуқли. Ёшларни иш билан таъминлаш учун ноҳия комсомол қўмитаси баъзи тадбирларни амалга оширди. Шулардан бири Ёшлар илмий-техника ва ижодий марказларининг ташкил қилиниши бўлди. Бу ташкилотлар 15 минг кишини ишга жалб қилди. Агар ҳамма ноҳиялардаги бундай марказлар фаолияти кенгайтирилса ишсизликка деярли барҳам бериш мумкин бўлар экан. Лекин, комсомолларнинг хурсандчилиги узоққа бормади. Бу марказлар фаолияти ўтган йилнинг декабридан тўхтатиб қўйилди. Натижада истеъмол молларини ишлаб чиқараётган марказлардаги қанча минглаб одамлар яна бошқа иш қидиришга мажбур бўляптилар. Саркотиб Аваз қўл қовуштириб ўтирмади, у жумҳурият миқёсида шу иш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг деярли барига учрашди. Ҳозирча натижа йўқ.

Аввал иқтисод, кейин сиёсат дейди халқимиз. Ноҳия комсомол қўмитасининг ишини ўрганаётиб унинг молиявий аҳолига ҳам назар ташладим. 22 мингдан зиёд комсомоллар билан ишлайдиган саркотиб ва ходимлар — жами 44 кишининг моши, ноҳияда ўтказиладиган барча маросимлар, тадбирлар ва кўзда тутилмаган ҳаражатларга кетадиган чиқим 150 минг сўмни ташкил қилар экан. Аъзолик бадаллари ва Марказий қўмита берадиган 40 минг сўм дотация — мадад билан бу катта чиқимни қоплаб бўлмайди. Ёшлар марказлари келтираётган даромадлар жонга анча ором бераётганди. Энди улар ишламаяпти.

— Узимиз кунимизни кўрадиган кунлар ҳам келаяпти, — дейди Аваз. — Бу тўғрида бизлар

КУНЛАРИ

қатор тадбирларни белгиланганмиз. Шулардан бири ёз ва куз ойларида ташкил қилинадиган савдо-сотик ярмаркаси. Утган йили бизлар шундай савдони ташкил қилиб жумҳурият Давлат қишлоқ хўжалиги саноати қўмитасига катта фойда келтирганмиз. Бу йил сувтекинга ишламоқчи эмасмиз. Кейин ноҳия ҳудудидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашга ҳам умид боғлаямиз.

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида мен жумҳурият комсомолининг янги устави устида ишлаётган ҳамкасбим билан учрашдим. У менга Хабаровск ўлкасидан келган таниши билан бўлиб ўтган суҳбатни гапириб берди. Унинг айтишича у ўлкада ноҳия комсомол қўмиталари тарқатиб юборилаётган, бу ҳол Россияда янгилик эмас экан.

Гапимнинг бошида мен Чилонзор ноҳияси комсомоли қўмитасининг қисқартирилганини айтган эдим. Ноҳия қўмитасини келажакда нималар кутаяпти, олдиндан бир нарса айтиш қийин. Лекин, ҳозирча унинг саркотиб Аваз Каримов ва унинг сафдошлари жонбозлик кўрсатиб ишляптилар. Дарвоқе, ноҳиядаги комсомоллардан ким билан гаплашмай ҳаммаси Авазнинг куйди-пишдилиги, ҳеч бир кунни ташвишсиз ўтмаслигини билганидан унинг номини ҳурмат билан тилга олдилар.

Суннат АЗЛАРОВ.

Тошкент шаҳар Чилонзор ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Аваз Каримовнинг сайланганига бир йил бўлибди. Шунинг учун қўмитанинг шу давр ичидаги фаолияти билан танишдим. Беш-олти йил бурун ноҳия комсомол қўмитасининг бор-йўғи икки хонага жойлашиши ва аппарат ходимларининг учдан бирига қисқартирилиши ақл бовар қилмайдиган воқеа эди. Бугун бу ҳол оддий воқеликка айланди. Ноҳия қўмитасида бевосита комсомол иши билан шуғулланувчи етти ходим ишлар экан (ҳайдовчи, фаррош, қоровул ва машинистка бундан мустасно). Илгариги уч котиб ва тўрт бўлим бошлиғи ўрнида бугун икки котиб, икки бўлим бошлиғи фаолият кўрсатмоқда. Шу йил билан 12.600 сўм тежалди. Эҳтимол бу

СЕРТОБИШВИШ

давр тақозосидир. Лекин, қисқартиришда қўмитадагиларнинг ўзи ташаббус кўрсатишди. Уларнинг ўтган йилда амалга оширган яна бир хайрли иши «дом-дараксизлар», яъни комсомолдан расман кетмаган, лекин ҳисоб дафтарчаси рўйхатида турганлар билан ишлаш бўлди. Бу ишнинг нақадар мушкуллигини яхши билман. Рўйхатда бор бўлса марҳамат қилиб аъзолик бадалини тўлаш керак. Бу устав ва юқори ташкилот молиячиларининг талаби. Агар «дом-дараксизлар»га кирса уларни топиб дафтарчасини яшаётган ёки ишлаётган жойда ҳисобга олиш зарур. Эсимда, саксонинчи йилларнинг бошида «дом-дараксизлар» билан ишлаш кампанияси ўтказилар, ноҳиядаги ҳар бир фаол, озод қилинган ва қилинмаган котиблар бу ишга жалб қилиниб ҳафта давомида бажарилган тадбирлар бўйича штаб ўтказилар, ҳисобот шаҳар қўмитасига етказилар, у ерда ҳам штаб уюштирилиб натижа яна юқори ташкилотга бериларди. Бу ишда қанчалаб одам ҳалак, қанчалаб маблағ ҳавога сарф қилинарди. Гап шундаки, ўша «дом-дараксизлар» ёшлар сафида бўлишни хоҳламас, турғунлик йилларида комсомолдан расман чиқишга чўчирдилар. Урта мактабни, олий ва махсус ўқув юрларини тугатганлар, иш ва яшаш жойларини ўзгартирган шундай «комсомоллар» ҳисоб дафтарчасини олмай изсиз йўқолардилар. Ҳар бир ноҳияда бундайлар минглаб топиларди. Тасаввур қилинг, ҳамма ноҳиялардаги жиноят қидирув органлари жалб этилсам минглаб одамни топиш учун ойлаб ишлаш керак бўлади. Қаёқдан пайдо бўлади ўзи улар? Албатта комсомолга гуруҳлаб қабул қилиш орқасидан. Агар рўйхатдаги бирорта ҳисоб дафтарчаси йўқолса иш ходимни бўшатишгача етиб борарди. Чунки, юқоридаги котиблар комсомолнинг миллионлаб аъзоли сафи бузилишидан чўчирдилар. Чамаси, буям қўшиб ёзиш сиёсатининг бир кўриниши эди.

— «Дом-дараксизлар»нинг сал кам беш мингтасидан қутилдик, — дейди Аваз. — Уставга зид иш тутмадик. Агар «дом-дараксизлар»

қарши ҳамда ётоқхоналарнинг аҳолини яхшилаш ҳақидаги фикр билан чиқиб катта шов-шувга сабаб бўлганди. Ёшлар унинг бу таклифини қўллаб-қувватлабгина қолмай, унинг ўзини Олий кенгашга ноиб этиб сайлашди. У бугун Кенгаш қошидаги Ёшлар билан ишлаш доимий ҳайъати раисининг муовини. Ноҳиянинг яна бир комсомоли Абдумажид Мавлонов шаҳар Советига ноибдир. Абдумажид ҳам шаҳар ижроия қўмитаси қошида ёшлар билан ишлаш бўлимини очиш ҳаракатида юрибди. Авазнинг ўзи ноҳия Халқ депутатлари Советига вакил қилиб сайланган.


Ноҳия ёшлари фақат ҳудудларидаги ишлардамас, жумҳуриятимизга тааллуқли ижтимоий-сиёсий муаммоларга куйди-пишдилик қиладилар. Жумладан, ўтган йили кузги ҳарбийга чақириш жуда мураккаб кечди. Қисмларда қурбонларнинг бўлгани хизматга совуқ муно-



Рассом Муроджон УНГАРОВ.

ДОМЛА МАХСУМОВНИНГ (ёки I-ТошДТИ даги талабалар,

Бу ҳақда Махсумовнинг ўзи нима дейди?



Ҳар доим савол-жавоб ўйинига профессор Абдуҳамид Махсумов раҳбарлик қилади.

Устознинг орзуси

Асли Абдуҳамид Махсумовнинг ўзи туғма ихтирочи эди. Тўғриси, одатда туғма таълант, истеъдод деган гаплар кўпроқ ижодкорларга нисбат бериб айтилади. Лекин бу ўринда ушбу ташбеҳларни олим Махсумовга ҳам бемалол қўлайверсак муболага бўлмас. Ахир у мўъжизакор кимё фанида яратган кашфиётлар, ихтиролар на фақат илм аҳлини, балки бутун жумҳурият зиёлиларининг оғзига тушганига анча бўлди. Бунга сабаб эса... домланинг ўзи 240 дан зиёд ишларига муаллифлик гувоҳномасини олган, бу ишларнинг 100 га яқини саноатимизда, қишлоқ хўжалигида ва ўқув жараёнларида қўлланилиб келади, медицина соҳасида яратган янгиликлари эса амалиётга тадбиқ этилиб одамларнинг дардига малҳам бўлмоқда. Ҳа, домла мўъжизакор кимё илмида қатор мўъжизалар яратди, ўзидаги яратувчанлик санъатини ўзи ўқитаётган, билим ва тарбия бераётган талабаларга ҳам юқтирди. Домланинг кимё фанидан ўқитган биргина лекциясини эшитган талаба бир умр бу фан сирларига асир бўлиб қолиши аниқ. Шунинг учун бўлса керак, Тошкент Давлат тиббиёт илмгоҳидаги кимё тажрибахоналарида профессор Махсумов раҳбарлигида амалга оширилаётган кашфиётларга талабалар ҳам ўз ҳиссаларини қўша бошлашди. Кейин эса бу зийрак, зукко талабалар ўз меҳнатлари натижасида 45 илмий кашфиётга муаллифлик гувоҳномасини олишди. 45 ихтирочи талаба! Булар — Нилуфар Маҳмудова, Зайниддин Низомов, Нилуфар Ибрагимова, Давлат Пўлатқориев, Мингзиёд Юсупов, Елена Саатиева... Рўйхатни давом қилсак ҳам, улар қилган ихтиролар ҳақида қанча гапирсак ҳам оз, бунинг ўзи бошқа бир мавзу. Бундай кашфиётчи-талабалар ҳали ҳеч қайси институтда бу каби кўп чиқмаган. Буларни эслаб тағин ўйга толасан киши: ахир тиббиёт илмгоҳига булар аввало малакали врач бўлиш орзусида келишади, кейин улар домла Махсумовнинг умумий ва биоорганик кимё фанидан ўтилатган дарсларини биринчи курсдаёқ ўтиб бўлишади. Шундай бўлгач, улар ихтиро қилишга қачон улгура қолишар экан?..

«Мен ўзим кашфиётчиман. Ҳамиша ўз соҳамдаги дунё адабиётларини кузатиб бораман. Шунда мен кимё фани соҳасидаги турли янгиликларга дуч келганимда уларни талабалар ҳам билишса-чи, деб ўйлаб қолардим. Ахир кимё фани ҳамиша ҳаёт билан ҳамнафас. Қолаверса, кимёни қанчалик чуқур билсак, бу билимларимиз кундалик ҳаётимизда шунчалик қўл келади... Шу тариқа менда илк бор талабалар орасида «қизиқарли кимёвий викторина, яъни савол-жавоб ўйини» ташкил қилиш фикри туғилди. 1974—75 ўқув йилида эса биринчи марта бу ишни амалга оширдик. Мана, шундан буён ҳар йили «Кимёвий савол-жавоб ўйини» баҳсини ўтказиб келмоқдамиз. Мен ойига 15 минг атрофида турли илмий мақола ва китобчаларни кўраман, 15—20 хил ўз соҳамга

топилаётган янгиликларни, илмий кашфиётларни, айниқса медицинага оид янги дори-дармонларнинг барчасини тез орада бу дарсликларга киритиб бўлмайди. Дарс жараёнида эса ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фанини ўтади, бошқасига вақт тақозо қилмайди. Масалан, фармакологлар фақат дори-дармонлар ҳақида гапиради ва ҳоказо. Илм-фан эса бир жойда турмайди. Мисол учун спид касаллигига қарши қандай янги дорилар топиляпти? Қандай дорилар истеъмолдан чиқиб, улар ўрнига қайси бир фойдалироқ ва кам зарарлироғи ишлатилмоқда? Қайси мевалар таркибида инсон организми учун қандай янги аминокислоталар топилмоқда? Она сутти таркибида Менделеев даврий системасидаги барча элементлар борлиги исботланибди...

Бу каби қизиқ-қизиқ мавзуларга дуч келганимизда албатта кимё бизга ёрдам беради. Талабалар орасида уюштирилаётган викторинада ҳам айти шу мақсад кўзда тутилади, қизиқарли мавзулар орқали уларга кимёнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ўргатилади.

— Талабаларга кимё фанидан дарс бошланганда,



А. КУДРЯШОВ суратлари.


Талабалар бу йилги XIV-викторина қатнашчиларига ўз тилакларини шундай ифодалашган.

яқин илмий журналларни мунтазам кузатиб бораман. Уларда учрайдиган кимёга оид қизиқ-қизиқ фан янгиликларини савол-жавоб ўйинига деб атайин ёзиб оламан, мусобақа пайтида эса ҳар бир саволга бир бола жавоб қилади, лекин аудиторияга йиғилган 150—200 бола ҳам бу жавоб орқали ўша фан янгиликларидан хабар топади.

Болалар бу кимёвий савол-жавоб ўйинини хурсанд қабул қилишди, шунинг учун уни ҳар йили ўтказадиган бўлдик. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг фанга, фан янгиликларига қизиқишини орттирди. Баҳс I-курс талабалари орасида ўтказилса-да, улар ҳатто ўқишни битиришиб ўз қишлоқларига боришганда ҳам бу ерда эшитганларини дўстларига гапириб юрадилар, амалда улардан фойдаланадилар. Хуллас, викторина талабаларнинг келгуси ҳаётларида муносиб из қолдиради. Кимёга қизиқиб қолганлари эса бўш вақт топдим дегунча тажрибахонага келадиган бўлди».

Мубоҳасани ўтказиш тартиби

Тиббиёт илмгоҳларида кимёнинг турли соҳалари фан сифатида ўқитилади, жумладан, умумий кимё, анорганик ҳамда органик кимё, физик кимё... Булардан ташқари стоматология, фармакология фанлари ҳам кимёвий билимларни ўз ичига олади. Лекин кун сайин эмас, ҳатто соат сайин ривожланаётган фан сир-асрорларини,



Савол-жавоб ўйинининг ҳар лаҳзаси унутилмасдир.

ТАЛАБАЛАР ҲАЕТИ САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИЛАРИ

ЕТТИ ИҚЛИМ АЖОЙИБОТЛАРИ

Англияда мактаблар қандай?

Англия мактаблари ягона турга эга эмас, шунингдек, мактаб бинолари ҳам бир хил андозада қурилмаган. Шундай бўлса-да, қани бир инглиз мактабларини кўз олдимишга келтиришга уриниб кўрайлик-чи.

Бу мактаб узун, тўртбурчак ёки ҳатто думалоқ бинодан иборат ҳам бўлиши мумкин. Бироқ албатта 2-3 қаватдан ошмаслиги шарт. Унда одатда 1,5-2 минг ўқувчи таълим олади. Бу бинода албатта кенг йўлак бор, лекин унда одатдаги синф хоналари кўринмайди. Уларнинг ўрнига бир-бирдан ойна деворлар билан ажратилган кўплаб катта ва кичик залларни кўриш мумкин. Бу нарса шу билан боғланганки, юқори синфларда анъанавий дарслар ўрнига ўқувчилар «лойиҳа иши» билан шуғулланишади, яъни ўқитувчи томонидан кичикроқ мавзуларни мустақил равишда ўрганиш учун берилган маълум бир тошпириқни унча катта бўлмаган гуруҳларга бўлиниб ишлаб чиқишади.

Катта мажлислар зали мактабнинг маркази ҳисобланади. Унинг ёнида кенг кутубхона ва битирувчи синф ўқувчиларига мўлжалланган кичик ва шинам хоналар жойлашган. Битирувчи синф ўқувчиларига алоҳида эътибор берилгани ҳолда, қуйи синф ўқувчиларининг шовқин-сурони ҳалқит бермаслиги учун улар ўқийдиган хоналар мактабдан алоҳида ажратиб қўйилган. Бу ерда нафақат лекция ва дам олиш хоналари, баъзи ҳолларда кафе-бар ҳам ишлайди.

Инглиз ўқувчилари ўз мактабларида бир неча спорт заллари ва майдонларидан ташқари ўз чўмилиш ҳовузлари ва унча катта бўлмаган от-спорт комплексларига эга бўлади.

Судланган маймун

1925 йилнинг июлида шов-шувларга сабаб бўлган суд жараёни бутун дунёни ўзига қаратди. Американинг унча катта бўлмаган Дейтон шаҳри суди биносининг олди ғазабланган одамлар билан тўлган эди. Уларнинг энгларида ёзувли боғичлар бўлиб, шиорлар ҳам кўтариб олишганди. Қораловчи сифатида АҚШнинг собиқ давлат секретари, бир неча бор президентликка номзод бўлган У. Брайаннинг ўзи қатнашди.

У кунларнинг ўтганига ярим асрдан ошган бўлса-да, бироқ Дейтон суди ҳалигача унутилгани йўқ. У тарих саҳифаларидан жой олди.

Бунга ҳайратланмаса ҳам бўлади, чунки бутун дунё ҳозир ҳам доҳиёна деб ҳисоблаб келаётган дарвинизм таълимоти судга тортилган эди. Суд ишига муаллим Д. Споснинг маҳаллий мактабда Ч. Дарвиннинг эволюцион таълимотидан дарс берганилиги сабаб бўлди. Шаҳарнинг ва бутун штатнинг отахонлари муаллимнинг бу ишини жиноий деб топдилар. Суд бошланганидан кунни бино олдидаги майдон «Биз маймун эмасмиз ва маймунга айлантиришларига ҳам йўл қўймаймиз!» деган шиорлар кўтарган дарғазаб оломон билан тўлган эди. Суд ҳимоячининг гувоҳ сифатида олимларни чақириш кераклиги ҳақидаги талабни рад қилиб, мактабларда дарвинизмдан дарс беришни ман этилганлигини тасдиқлаган ҳолда Д. Спосни йирик миқдорда жарима тўлашга ҳукм қилди.

Шундай қилиб, дарвинизм деярли 40 йилга Америка мактаб программаларини тарк этди. Бу воқеалар «Судланган маймун» номи билан тарихга кирди.

«Викторинаси ҳақида»


албатта, уларга охириги лекцияда бу фан билан хайрлашиш олдидан кимёвий савол-жавоб ўйини ўтказишимизни айтиб қўямиз,— дейди профессор Абдухамид Махсумов. Дарслар тугашига 2—2,5 ой қолганда уларни баҳсимиз саволлари билан таништирамиз. Талабалар бу саволларга жавобларни турли қомуслардан, кутубхоналардаги қизиқарли китоблардан қидириб топишади, хуллас, бўлажак баҳсга қизғин тайёрланишади. Бу бир ҳисобдан уларни мустақилликка ўргатади, шу йўл билан ўз билимларини оширишларига ҳам кўмаклашади.

Ҳар йили викторина тугагач, талабалардан бу ҳақда уларнинг фикрини сўраймиз. Бир хиллари қуйидагича жавоб қилади: «Утилган дарсдан кўра шу савол-жавоб ўйини фойдалироқдир, чунки викторинадаги гаплар, билимлар биз ўқиётган дарсликларда йўқ. Гоҳида оддий кўринган нарсаларни ҳам биз чуқурроқ билмаслигимизни англаймиз. Масалан, она сути таркибида шунчалик кўп кимёвий элемент борлигидан беҳабар эдик. Қовун таркибида эса фақат глюкоза ва сахарозагина бор холос деб юрардик».

Бундай жавобларни истаганча келтириш мумкин. Бу йилги 1-Тошкент ДТИ да ўтказилган талабалар викторинасида ҳам даволаш куллиётидаги 1, 2, 3 потокларда билим олаётган 480 талаба қатнашди. Ҳар йили ўтказилаётган бу каби баҳсларда кимёга меҳри баланд ҳар қандай курсдаги қизиққан талабалар ҳам қатнашишлари мумкин. Мусобақа шартига кўра викторина саволларига тўғри жавоб қилганларни аниқлаш учун махсус ҳайъат бўлади. Ғолибларни аниқлашда талабаларнинг ўзлари ҳам қатнашади. Мусобақа сўнггида «Хўш, сизнингча ким ғолиб бўлди?» деб доскага ёзиб қўйилади. Кўп овоз олган талаба ғолиб деб топилади.

Бу йилда фаол қатнашган талабаларга комсомол ташкилоти, кафедра, деканат ва ректоратнинг faxрий ёрлиқлари топширилади. Кейин улар ВОИР (Бутуниттифоқ рационализаторлар ва ихтирочилар жамияти) аъзоси бўладилар, талабалар илмий жамиятига қатнашиб фан йўлида янги-янги изланишлар олиб борадилар ва ихтиролар, кашфиётлар қиладилар. Мана, сизга тиббиёт олийгоҳидаги талаба-ихтирочиларнинг қаердан пайдо бўлиш сирлари!

Бу йилги ўтказилган кимёвий савол-жавоб ўйинида 102-группа талабаси Гавҳар Айтбоева, 103-группадан Нодира Алиева, Дилором Холбоева, Олима Иброҳимова, Екатерина Бутова, Татьяна Резник, 111-группадан Наргиза Жўрабекова, Хилола Аҳатова, Манзура Жуманиёзова, 112-группадан Наргиза Матниёзова, 113-группадан Муҳайё Толипова ғолиб деб топилдилар.



Барчасини мен биламан!

Савол-жавоб ўйинидан бир шингил

Муҳтарам ўқувчилар! Энди эътиборингизга савол-жавоблардан баъзиларини ҳавола қиламиз.

1. Она сутининг таркибида қандай микро ва макро элементлар ва органик бирикмалар бор?

Ибн Сино айтганидек:

«Ҳар қандай ширинлик ҳатто асал ҳам, Она сутидек беролмайди таъм».

Демак, она сути таркиби жиҳатидан жуда мураккаб бирикмадир. Унинг таркибида: макроэлементлардан, К, Na, Mg, Ca, S, P учраса, микроэлементлардан: Fe, Cu, Zn, Co, F, Mn лар бўлади. Органик бирикмалардан эса оксиллар — альбумин, глобулин, казеин; аминокислоталардан — метионин, фенилаланин, триптофан, лизин, треонин, валин, лейцин кабилар бор.

2. Стронций элементи тўғрисида янги фикрлар айтилмоқда, бу ҳақда нима биласиз?

Стронций суяк ва қон таркибида учрайди. Турли хилдаги юрак ишимик касалликларда, қон босими ўзгарган пайтда қон таркибидаги стронций миқдори камайиши кузатишмоқда. Унинг организмда етарлича бўлиши касалликнинг олдини олар экан.

3. Қандай дарахт турлари кислородни кўплаб етказиб беради?

Ез ойда энг кўп кислородни дуб дарахти ажратади. 1 гектар дуб ўрмони 800 кг, берёза 700 кг, сосна 500 кг кислород ажратади. Шу сабабли юрак касалликлари билан оғриган беморларга юқоридаги дарахтлар мўл-кўл ўсадиган жойларда сайр қилиш ва даволаниш тавсия этилади. Кислород артериал босимини бир меъёрда туришида муҳим роль ўйнайди.

Адҳам ДАМИНОВ,
«Ёш куч»нинг махсус муҳбири.

Ш. ИБРОҲИМОВ тайёрлаган.

Уйлаганда оқ қалпоқ ҳам бошга ҳалал бермасада!



كۆچمەنلەر ئىچىدە زولۇنلار ئىچىدە ياشاش مەزگىللىك جەريانىدا كىشىلەر ئارىسىدا ئۆزگىرىش ھادىسىسى

Ердамга муҳтожман...

Оилада бир қизман. Онам далада колхозчи бўлиб ишлайдилар. Ота-онам ажрашиб кетган. Мен отамни охириги марта 1-синфдалигимда кўрган эдим. Ушандан бери дадамни кўрмайман. Тўғри, дадам менга нафақа пули жўнатиб турардилар. Лекин мана олти ойки пулни ҳам жўнатмай қўйдилар. Мен катта бўлиб қолдим, ўқишга боришим керак. Дадамни судга чақиртирган эдик, келмадилар. Мен эса энди қандай қилиб ўқишга бораман? Онам оддий колхозчи бўлсалар. Ҳурматли «Еш куч», ёрдам бер.

Сакина САЪДУЛЛАЕВА,
 Фарғона вилояти Бешариқ шаҳри.

Қачон тилга кираркинмиз-а?

Мен дадамнинг энг катта қизиман. Исми Дилором, укамнинг исми Диёрбек. Дадам мени яхши кўриб дилларни ором этувчи, ширинсўз қиз бўлсин дея исми Дилором қўйганлар. Ҳақиқатдан жуда чиройли қизчаману, лекин минг афсусли тилим соқов, қулоғим кар. Укам ҳам худди менинг йўлимдан кетяпти. Дадам қаерда кинначи, қаерда экстрасенс бўлса, ўша заҳоти етказиб олиб борадилар. У ердан 3 марта олиб борсам қизим гапира экан, деб суюниб қайтиб келди. Лекин бу суюниш узоққа чўзилмайди. Дадам билан «ТошМИ»да 20 кун ётдим, 6 ойдан кейин келасизлар дейишди. Борсам, жой йўқ, вақтни ўтказмай ўзларингда даволанинглари дейишди. Узимизга келиб бир ой ётдик, врачлар гапириб кетади дейишди. Хоразмга, Муяссар Шариповага 2 марта бордик, лекин кира олмай қайтиб келдик. Мен ҳали ёш қизчаман. Укам энди 2 ёшга тўлди. Нима қилай? Қаерга боришим, кимдан ёрдам сўрашим керак? Ҳадемай ўртоқларим мактабга боришади. Мен нима қиламан? Наҳотки шундай қолиб кетаверсам. Наҳотки еру-кўкка ишонмайдиган дадам ва олим бир оғиз ширин сўзимизни эшитмаса? Ахир уларнинг ҳам ўзига яраша яхши ниятлари бордир. Ўртоқларининг болалари булбулдай сайраб турса, отамнинг уйда бизларга қараб эзлишини кўриб ҳаётдан тўйиб кетаман. Менга ҳам ёрдам бер, «Еш куч»им. Жавобини интизорлик билан кутиб қолувчилар. Дилором ва Диёрбек, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳри Гагарин кўчаси 10-уй. т. 2.

жиной ишни кўриб чиқиш зиммасига юклатилган терговчи Соттиев қатнашибди. Терговчининг шу иш юзасидан тузган протоколада ёзилишича, воқеа кеч соат 8 дан 10 минут ўтганда содир бўлган.

Дадамни уриб юборган киши оз вақт ичида аниқланган. У Фарғона шаҳрида яшовчи Шумунов Семён (миллати яҳудий, 1957 йилда туғилган) экан. Қотил дадамни уриб қочиб кетгач, 700 метр нарида жойлашган ГАИ постидан 02 ва 03 га телефон қилганда телефонлар ишламаган эмиш. Постда фақат Обидхўжа Саримсоқов деган киши бўлган. Телефон ишламагач Шумунов ўз йўлида давом этганда Саримсоқов серақлик қилиб машина номерини эзиб олган. Тергов ишлари суст олиб борилганлиги ва сирли бир кучнинг ёпиқ қозонни ёпиқлигича қолдириш учун қилган ҳаракатлари қотилнинг жазоланишига тўсқинлик қилмоқда. Ушбу сўзларимни исботлаш учун шундай мисоллар келтирмоқчиман. Авваламбор тергов ишларига бирон маротаба жабранувчи оиламиздан онамни ёки акамни чақиртирмади. Март ойида протокол ёпилди. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар (кимнинг ҳуқуқини?) онамни ҳамон алдаб юришибди. Онам 10 маротаба ички ишлар бошлиғига, 22 маротаба прокурорга, 20 маротаба халқ депутатига ҳам бордилар. «Камбағал дўкондан тухум сотиб олса, ичида сариғи бўлмайди», деганлари шу бўлса керак. Ҳеч кимдан ҳеч қандай нидо чиқмади. Айниқса Жўраев онамни роса сарсон қилмоқда. 21 декабрь куни мурожаат қилиб боришганда «Шумуновнинг отасига ўғлингизни олиб кел» деб буюрдим деган. Онам 3 январь куни ҳам борса «Семён Шумунов келиб кетибди, мен йўқ эканман» деган. Энди келса сизни албатта чақиртираман деб онамни қайтарган. Хуллас яна онам бечора охириги марта мурожаат қилганларида Жўраев «Семён Шумунов Исроил давлатига кўчиб ўтиб кетди» деб айтибди. Агар ҳақиқатдан ҳам у Исроилга кўчиб кетган бўлса унинг жинояти учун ким жавоб беради? Онамнинг бир йиллик умри суд идораларида ўтаётти. Онам у ёқларга қатнасинми ёки биз етимларни ўқитиш ва кийинтириш учун ишласинми?..

Бизнинг дардимиздан ҳам хабар олгин. Ушбу жиноят ишини очишда, яъни ҳақиқатни қарор топтиришда ёрдам бергин, деб ҳурмат ва илтижо билан мухлис қизинг

Дилшопа ҒАЗНАПОВА,
 Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани кичик Тағоб қишлоғи.

Меҳрга ташнаман. Онам мени кўп уришадилар. Нуқул ҳақоратлайдилар. Отам ҳам шундай. Майли, нима бўлган тақдирда ҳам укаларимнинг бахтига соғ бўлсинлар. Аммо мен бошқа чидай олмайман. Хайр, яхшилар! Болаларингга меҳрли бўлинглар.

Г. О., Қашқадарё вилояти.



Асрга тенгдош момолар кўлида янги аср фарзандлари улғаймоқда!

Ўз онасидан, отасидан нолиб ёзган тенгдошларимизни ўқиб ҳайрон қоламиз. Балки қийналганлигидан ёзгандир, лекин барибир ота-она устидан шикоят ёзиш...

Ахир ҳеч бир она ёки ота ўз қизини ёмон бўлсин демас?! Масалан, бизнинг отамиз ҳам кўп ичади, лекин бу билан отамизни ёмон дейишга ҳаққим йўқ! Халқда бир мақол бор: «Отанг тентак бўлса, боғлаб боқ», дейишади. Биз онамизнинг 15 йилдан буён отамиз билан яшаб келётганига қойилмиз. Онамиз 6 фарзандим етим қолмасин, отасиз ўсмасин дедилар. Отамиз ичиб келсалар ҳам яхши гапириб, қарадилар. «Еш куч», бизнинг мактубимизни босиб чиқаришингизни сўраймиз. Токи ҳаётга энгил-елпи қарётган ёшларга сабоқ бўлсин. Эри ичиб келганда ёки гап қочганда аёл озгина паст тушиб «дадажониси» деб ширинсўз бўлса оилалар яна тинч-тоғув бўларди. Ўз отаси-онаси устидан ёзувчи ўқувчилар ҳам камайган бўлармиди?! Биз барибир отамни жуда-жуда яхши кўрамиз.

Салом билан Муҳиддин, Ҳусниддин, Раъно, Феруза, Хулкар ХОЛИҚОВлар. Сирдарё вилояти Илбич ноҳияси.

Оилада катта қизман. Қизману, куним ит куни. Ҳар куни ҳақорат эшитаман. Калтак ейман. Касалманд бўлиб қолдим. Наҳотки ҳаёт фақат калтак ейишу, ҳақорат эшитишдан иборат бўлса?

М. А.

Қотил Исроилга қочганмиш...

«Еш куч!» Мен оддий бир ўқувчингман. Менинг нидоларимни ҳам эшит. Биз етти фарзанд ота-онам бағрида шод-бахтиёр ҳаёт кечираётган эдик. Отам Бувахон Ғазнапов Ўзбекистон ноҳияси Шўрсув посёлкасида жойлашган Қўқон СФЗ ОРга қарашли целлофан пакетлар ишлаб чиқариш цехининг электриги бўлиб ишлар эдилар. Сабаби — тирикчилик, баъзи кунлари ишдан кеч келишар, баъзан дам олиш кунлари ҳам ишлардилар. Негаки, корхонага қарашли дастгоҳлар тез-тез бузилиб турар, уларни эса асосан дадам тузатар эдилар. Уша машъум 1990 йил 19 январь куни ишга кетган дадам ҳаяллаб қолдилар. Пешонамиз шўр экан, ўша куни дадам Работ — Каримдевонова йўлида автомобиль ҳалокатига учраб оламдан ўтибдилар. Жиноят содир этилган жойда дадамнинг экспертиза кўригидан ўтказиш учун машинага ортишибди. Унда тоғамлар, аммамлар, дадамнинг ҳаммасллари ва Ўзбекистон тумани халқ судининг раиси Тиллаев ҳамда бу

МУҲАРРИРИЯТДАН: Ўзбекистон тумани ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг кўли жиноятчини Исроилдан қайтартириш учун калтак қилаётган бўлса, жумҳурият прокуратураси бу ишнинг «тағи»га етиб, адолатни қарор топтирар?! Биз улардан шу хусусда жавоб кутамиз.



Калтакланавериб тўйиб кетдим. Елғиз таянчим онажонимнинг маслаҳатлари билан Душанбе педагогика институтига ўқишга кирдим. Лекин касал бўлавердим. Уйимизда жанжалсиз кун йўқ. «Отаси урган қиз бахтсиз бўлади», дейишади. Наҳот мен умримнинг охиригача фақат азобда яшасам. Аккаларим, опам, ҳамма мени уради. Соғлигим туфайли ўқишни ҳам тўхтатдим. Бундай яшайдан не фойда? Қани энди кимдир келиб, мени олиб кетса. Ердам беринглар.

МУЯССАР,
Сурхондарё вилояти.

Мен «Еш куч»нинг 1-сонига янги ота-она топаман, деган қизчага ёрдам бермоқчиман. У қизни ўзимга ука қилиб оламан, менга унинг адресини берсангиз, илтимос қиламан, ўғиниб сўрайман. Мен уйда энг кичкинасиман, энг кичкина бўлишни хоҳламайман. У қизнинг исми Адолат. «Еш куч», менга ёрдам бер! Уни уйга олиб келсам, онам ҳам, отам ҳам хурсанд бўлишади. Агар у қизча менинг ўзимга ёзмоқчи бўлса, менинг адресим:

Хоразм вилояти Урганч шаҳар
Хива кўчаси 102-уй
Раъно БОЛТАЕВА.

Акам ва отам калтаги остида ўсаяпман. Яшайдан маъно қолмагандек. Лекин ўзини ўлдирганларни ёмон кўраман. Иродасиз, ишончсиз бўлишни тан олмайман. Юрагим эзилиб ҳеч уйимга сўймапман. Болалар уйига кетсам миннат қилишмасмиди.

Р.
Фаргона вилояти
Тошлоқ ноҳияси.

Қишлоғимизда катта байрам бўлиб кетди. Нега десангиз, неча йиллардан бери фарзанд кўрмаган Раънохон опам ва Эржабой акалар ниятларига етдилар. Чақалоқнинг исмини Муяссархон қўйишди. Яхши кунларга муяссар бўлайлик деб.

Шарофат ҲАНИТБОЕВА,
Янгибозор ноҳияси
Куйбишев жамоаси.

Муҳайё исмли қизни севаман. Лекин у... Акам ҳам уни ёқтирардилар. У бизнинг оилани менсимади. Акам уйландилар. Лекин мен учун Муҳайёсиз бу дунё қоронғу. Наҳотки, камбағаллик айб бўлса.

М. Фаргона вилояти
Фаргона ноҳияси
Чимён қишлоғи.

Ҳаётдан тўйдим. Ҳар куни таёқ ейман. Акамнинг калтакларидан безор бўлдим. Наҳотки одам ўз жигарини шу қадар азобласа? Акамнинг осиб уришларига, толнинг шохини сувага ивтиб уришларига чидолмаяпман. Нима қилай? Маслаҳатингизга муҳтожман.

НОДИРА,
Сурхондарё вилояти.

Оиламизда ўғай фарзанддекман. Беш ёшимдан бери бошим калтакдан чиқмайди. Ун ёшимдан хамир қораман. Уйда тинмайман. Отамнинг онаси вафот қилганларидан бери мени ашаддий қийнай бошладилар. Бир марта ҳам янги усти-бош киймаганман. Қон-қариндошлар эскиси билан улғайяпман...

Юлдуз РАШИДОВА,
Сирдарё вилояти Зомин ноҳияси.

Йилким дин килгопچه ظالم تیغین اوشتایتیب

مظلوم جبراعتیغہ انتقام ملحمین قویدیم

علیشیر نوابی



Арасту сабогин олмасдан аввал,
Осиёга қараб тушмасдан йўлга,
Ҳарбий ҳадислардан хали хабарсиз,
Искандар ҳам сиздай ёш бола бўлган.
Муҳаммад СОЛИХ

М. ИСМОИЛОВ суратлари.

Пиёз ўтоқда ишлаб шол бўлиб қолдим. Тўққиз ойдан буён ётибман. Беш йил қайнонамникига сиққан, ётиб қолганимдан кейин бир кеча ҳам сиқмадим. Ҳозир онамнинг уйидаман. Икки фарзандимни эса хўжайиним: «Сен болани қачон тузалсанг, кўрасан», деб кўрсатишмаяпти.

Сайёра ДУСТОВА,
Бухоро вилояти Навоий тумани
«СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиғи.

«Ота-онам севган йигитимга турмушга чиқишимга қарши. Йигитим ўқимишли, одобли. Вилмайман, не сабаб рози бўлишмаяпти. Ота-онамга маслаҳат берсанг эди, «Еш куч».

Фарида ТУРСУНОВА,
Самарқанд вилояти
Советобод ноҳияси.

Журналдаги мақолаларни ўқиб гоҳ севи-наман — гоҳ ич-ичимдан куюнаман. Айниқса, қизларимизнинг ўз ота-оналаридан нолиб ёзганларини ўқиб ҳайрон қоламан. Ҳеч бир ота-она ўз фарзанди, жигаргўшасига шундай ёмон кунларни раво кўрармикан?

Биз онажонимиздан эрта жудо бўлдик. 7 гўдак ҳали 38 га кирмаган онамизнинг ортидан чирқиллаб қолавердик. Дадам Улуғ Ватан уруши 1-группа инвалиди. 1972 йилдан буён дадам бизга ҳам ота, ҳам она бўлдилар. Онамиздан 16 ойлик қолган укам Муқимжон ҳозир Совет Армияси сафида хизматда. Дадам бизни ўқитдилар, уйли-жойли қилдилар. Ҳозир ҳаммамиз оилаликмиз. Ҳаётимиз тинч, фаровон. Биз бир умрга дадажонимиз билан фахрланамиз.

Салом билан Мастура ҚОДИРОВА,
Фаргона вилояти Езёнов тумани
«Шарқ юлдузи» колхозчи.

Отамиз имонсизлик қилди

Биз 8 нафар ўғил-қизни отамиз Назбиддин Душанов 1985 йилнинг январь ойида боқиб ва тарбиялашдан қочиб тўрт тарафи зах, хароба уйга ташлаб кетди. Тақдир экан, онамиз далада ишлаб, қийинчиликларга бардош бериб, бизларни оч-яланғоч қўймай ўстурди. Қарз-ҳавола қилиб томимизнинг устини ёпиб олди. Ҳозир яшаи шароитимиз бир-мунча яхшиланиб қолди. Отам ташлаб кетгандан кейин суд ҳайъати кўп йиллар давомида муҳлат беравериб, 1988 йилнинг август ойидагина никоҳни бекор қилишди. Отамиз шундан сўнг даъво аризаси ёзиб онамиз номига 1986 йили олинган енгил автомашинани Иштихон тумани халқ суди орқали ўзига қарор чиқартириб олиб қўйди. Қолбуки отамнинг биз — 8 нафар ўғил-қизига берадиган алиментги гоҳро 66 сўм, баъзи ойларида 17 сўмгина бўлади, холос. Онамиз ҳозирги пайтда ҳақиқат ахтариб судма-суд чопиб юрибди. Туманимиздаги судлар биздақаларга эътибор беришмайди. Илтимос, бизга ўхшаган бечораларга сизлар ёрдам беринглар. Тўғри, онам машина минишни билмайди. Лекин у бизларни уйли-жойли қилиши керак-ку. Машинанинг пули шунга асқотади. Сизларга ҳурмат билан 8-нафар ўғил-қиз номидан

Норчучук ДУШАНОВА.

МАКТУБЛАР



Қоронғида қолган изларим,
Оғриқларим аллаё-алла.
Оёқлари синган сўзларим,
Кўз ёшларим аллаё-алла.

Ой кўксидан оққан зиёми?
Оҳ, биз уни сўрмай ўтамиз,
Очиқ кўрлар кўрган дунёни,
Кел, яхшиси кўрмай ўтамиз.

Тун — бардошга беланган оғриқ,
Оғриқларим аллаё-алла...

Гулсевар РИЗАЕВА,
ТошДД толибаси.

Чекиб хаёл суради гўё
Оқ пўстинли уйлар бирма-бир!
Симёғочлар унинг хуштаги,
Эринмайин чалгани-чалган.
Мўриларнинг ҳўл бўлиб таги,
Сумалаклар осилиб қолган!

* * *

Неларгадир интиқ, интизор,
Кўзлари тўрт бўлган қиз каби.
Ер васлининг умидида зор,
Енди ҳар тун юлдузнинг қалби.
Узоқ йиллар унга кўз тутди,
Севар эди ахир жон-жондан.
Умид эса қанот бахш этди,
Излаб кетди бошқа осмондан!

* * *

Этакларин елпитиб,
Нозланар майин сабо.
Жийда гулин атрини
Сепиб олган дилрабо!
Кўтаролмас бошини,
Сеҳрланган мажнунтол.
Сой қўйнида ялонғоч
Чўмилади ой беҳол!

Уткир РАҲМАТ,
Самарқанд вилояти.

Кундузги тушда алаҳсираш

Нолаларим етмас худога,
Азоблайди англаб бўлмас сир!
Наҳот энди қайтиб келмайди,
Юрагимни ташлаб кетган шеър!

Аламзада қаламни кўринг,
Тақдирига недир битади.
Ҳув, етимча армондан сўринг,
Яна кимни гўрга тикади!

(Кўр туғилган оқибат шўрлик,
Топмади-я сира ҳам қадр).
Оқ сочларин ёзиб қари тун,
Энди йиғлаб тушмоқда садр!

Нолаларим етмас худога,
Азоблайди англаб бўлмас сир...


Кўршапалак қўшиғи

Тун — бардошга беланган оғриқ,
Оғриқларга алла айтаман.
Косасидан кетган қорачиқ,
Мен кўрликни қабул этганман.



* * *

Оч бўридай увиллар бўрон,
Увиллайди қорга беланиб.
Турқи совуқ кимсадай гирён,
Ташқарида юрар эланиб.
Ҳазар қилган каби балодан,
Эшиклар ҳам очилмас унга.
Оқ сочқилар сочиб ҳар ёндан.
Оппоқ кафан бичади тунга!
Терга ботиб ухлайди дарё,
Оғироёқ каби қир, адир.



ЯНГИЛАНИШНИ КУТАЁТГАН ДАҲРИЙЛИК

«Илмий атеизм» деган фан нега диний эътиқодга бас кела олмади, нима сабабдан эндиликда даҳрийлик илми назардан қолмоқда? Ҳақиқий илмий даҳрийлик ҳам маънавий бойликнинг таркибий қисми. Мақола муаллифи азалий ва ниҳоятда долзарб бўлмиш ушбу мавзуда сўз очади, уни тўлдириш, бойитиш, чуқурлаштириш Сиз журналхонларга ҳавола.

Бугунги кунда динга қизиқиш кучайиб бораётганлигини яшириб бўлмайди. Хўш, нега шундай бўлди? Ахир, «илмий» атеизм динни мана-мана йўқ бўлиб кетадиган, айрим кишиларнинг онгидагина сақланиб қолган эскилик сарқити деб эълон қилган эди-ку.

Жанговор атеизм, даҳрийлик даъволари қаерда қолди? Ҳозирда бу хусусда фикр қилмайдиган киши камдан-кам топилса керак.

Баъзилар динга қизиқишнинг кучайишини диндорларнинг матбуот, радио ва телевиденияда чиқишлари, диний адабиётларнинг кенг кўламда нашр қилина бошлаши, фан ҳозирча жавоб беришга ожиз бўлган, шу сабабли худонинг борлигига исбот деб қабул қилинаётган турли «ғайритабиий» ҳодисалар: ноёб қобилиятли экстрасенслар, учар ликопчалар, «сирли ҳодисалар», «у дунёдан хабарлар» мавзуида босилаётган хабарлар (бу ҳолатларнинг ҳам албатта роли бор) билан боғлашса-да, аслида бу демократия ва ошкораликнинг қонуний ва табиий натижасидир.

Эндиликда, қайта куриш шарофати туфайли динга муносабат ва даҳрийлик тарбиясида кўп

йиллар давомида бузиб келинган қарашларни тиклаш долзарб вазифа бўлиб қолди. Хўш, бу бузилишлар нимадан иборат эди?

Мактаб партасиданоқ ёшларга мадрасаларда диний адабиётларгина ўқитилади, талабалар уларнинг маъносига тушунмай, фақат кўр-кўрона ёдлайдилар деган тасаввур синдириб келинган. Дин—жаҳолат, у илм олишга интилишга, жамият тараққиётига мутлақо зид деб эълон қилинди.

Бизга маълумки, Ўрта Осиёда минг йиллар давомида ислом ҳукмрон мафкура бўлиб келган. Диний адабиётлар, унинг қонун-қоидалари билан илмий адабиёт қоришиб кетган, уларни бир-бирдан ажратиб ташлаб, нодиалектик ўрганиш кўпол хатоликларга олиб келиши мумкин. Шу тарзда фикр қилмай, масалага юқоридаги сингари эски андозалар билан ёндошилса ислом дини ҳукмрон бўлган шароитда жаҳон илми-фани хазинасига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улғубек каби алломаларнинг етишиб чиққанлигини тушунтириб бўлмайди, зеро уларнинг бари мадрасаларда таҳсил кўрганлар ахир.

Мадрасаларда дунёвий фанларнинг ўқити-

лиши хусусида гапирмаслик қулай бўлган. Ваҳоланки, уларда ҳуқуқ, илми нужум, ахлоқ, фалсафа, мантиқ, адабиёт, жуғрофия, тарих, табобат, тариқат илмлари ўргатилган. Ҳозирги кунда мадрасаларда ўқитиладиган 14 предметдан 9 таси, ислом олий ўқув юртларида ўрганиладиган 28 предметдан 22 таси дунёвий фанлардир.

Ахир, Ҳадисда ҳам илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарз дейилган-ку.

Динга юқоридагилар сингари марксизм-ленинизм таълимотига зид услубда ёндошиш атеистик тарбияга хизмат қилиш у ёқда турсин, тескари натижа берди.

Атеизм тўла сиёсатлаштирилиб жиддий танқид учун ёпиқ соҳа бўлиб қолди. Атеистларимиз илмий изланиш масаласига ижодий ёндошиш ўрнига реал ҳаётдан узоқлашиб, «душман» мафкурасига қарши курашувчи «жанговор», «изчил» курашчилар бўлиб майдонга чиқдилар. Синфий манфаатлар кўпол равишда умуминсоний қадриятларга, халқларнинг урф-одатлари, анъаналарига қарама-қарши қўйилди, динни тушунтиришда ишонтириш воситаларидан «хужумкорлик», тор маданий оқартувчилик, ақидапарастлик устун келди. Оқибатда даҳрийлар орасида ижодий фикр қила олмайдиган, етарли тайёргарлиги бўлмаган кишилар ўзларини жуда эркин ҳис қила бошладилар.

Н. С. Хурушчев 80-йиллардаёқ коммунизм тантана қилишини эълон қилган эди. Халқ орзу-



Юлдузларни тўплаб ўчоққа кўмса
Ойни юмалатиб кетса болалар.
Тун қора чодирин йўқотиб қўйса
Сурхонда эримай ётса йиллик қор
мен ишонаман.

Сен айтсанг: овора бўлманг, бефойда
Сиз берган чечаклар гулдонга сиғмас.
Қум тўлган қудуқдай кетсам-да жимиб
Тилданми, дилданми тўлғонар бир сас:
мен ишонаман.



ВАҚТнинг ифодалари

... Хонангиздан кўнглингизни босиб ётган
юкни елкамга ортиб чиқдим. Сиз энгил торг-
дингиз. Менинг эса яшагим келмаяпти...

* * *

...Бевақт ёғайтган ёмғир чинор баргларини
юваяпти. Совуқ. Жунжикаман. Ташқаридаги
дарахтларга раҳмим келади...

* * *

... Чилла қори остида «қилт» этмай турган
дарахтни сукунатнинг суратига ўхшатса
бўларкан. Шохларда қўр тўкиб ўтирган чил-
ла қорига ҳайфим келади...

* * *

... Бевақфат инсонни ёмон кўраман. Шаф-
қатсизлик қилаётганимни сезиб, ўзимни тўх-
татсам, ҳамонки уялаётган эканман, туза-
лишга умид бор...

* * *

... Чилла қори қизғиш тусга кирган. Кечки
қуёш қип-қизил нонга ўхшайди. Ҳеч ким-
нинг ҳеч ким билан иши йўқ. «Юрагингиз
сиқилаяптими?» — сўрайди ҳамшира қиз.
«Йўқ, — дейман секин қайрилиб, — сирқи-
раяпти»...

* * *

... Меҳр кўргизишдан илғари меҳр кўришга
умидвор бўлманг. Токи сизни нолойиқлик
қийнамасин...

Зебо РАҲИМОВА,
Қашқадарё вилояти.

* * *

Муҳаммад, муҳаббат этди дилхаста
Ултирар термулиб юрак нақшига.
Пойимда денгиздай қонли бўсага
Мен қачон ўзимни этгум бахшида
диларо-о-о.

Жаннатий бандани қувғин қилган ишқ
Ишқ — гуноҳ, кўзларим қароғида ғам.
Ишқ кулдир, ишқ сўлдир, ишқ ўлдир жоним
Руҳий узлатгоҳда кутгил бокирам
бари бекор-а-а.

Сапида тонларни ҳовучлаб ичгил
Муридамансан, юрак — таҳоратлик сув.
Фалаклар эврилур руҳ талошида
Сен эса фанодан қўлларингни юв
телбалар аро.

* * *

Қуршаган пичанлар гуллай бошлайди
Қушлар учиб чиқар қўнғиз инидан.
Дарёни чангитиб тулпорлар елар
Пашшалар гуллардан сўрий бошлар қон
мен ишонаман.

* * *

Сукунатни тарс ёрар ожизгина сўз:
Унутинг... саробга айланган дилим.
Дарахтдай қотаман захил оҳангдан
Бўшлиққа чирмашиб кетади қўлим.
Сизсизман,
ҳиссизман...
олиб кет ўлим.

Соҳилидан айри кемалар сузар
Чехрамдан саҳрога кўчирай нухса.
Оҳимдан қўнғироқ чалаверса дил
Қайга кетайин-а, сиздан-да ўқиб.
Сизсизман,
ҳиссизман...
ўлимдан олгум бўса.

Айтингиз, гуноҳда пишган юракни
Сизнинг йўлингизга қилайин гилам.
Қабариб кетади кўзимда сабр
Кўксимни тўлдириш зардобли жолам.
Сизсизман,
ҳиссизман...
туш экан олам.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ.

умидлар билан яшади, меҳнат қилди. Бироқ
биз 80-йилларга яқинлаша борган сари КПСС
программасида баён этилган «... ижтимоий
бойликнинг барча манбалари тўлиб-тошиб ту-
ради ва «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар
кимга эҳтиёжига яраша» деган буюк принцип
амалга ошади» деган ўй биздан тобора узоқ-
лаша борди.

Сўнгра «ривожланган социализм»ни кашф
қилиб, 60-йиллардан шу босқичда «яшай» бош-
ладик. Биз билардикки, социализмда ишлаб
чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик бўл-
майди ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукм-
ронлик ва итоатгўйлик билан эмас, балки экс-
плуатациядан озод бўлган кишиларнинг ўртоқ-
ларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдами билан харак-
терланади, тақсимот формалари ҳар кимга
унинг меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб
деган принципга бўйсундирилган бўлади.
Лекин ҳаётда бунинг акси бўлди.

Йил ўн икки ой қаддини букиб меҳнат қилган
деҳқоннинг жаҳон бозорида олтинга тенг пах-
таси сариқ чақа билан ўлчанди. Жаҳон бозори-
да пилланинг 1 килограмми 136 сўмга баҳолан-
гани ҳолда, пиллакорга ўртача атиги 6 сўмдан
тўлаб келинди. Барча соҳада аҳвол шу эди.
Меҳнаткаш халқ додини кимга айтсин? Бунинг
номини нима деб аташ мумкин?

Кўп йиллар дин жамият тараққиётига тўсиқ
деб келинди. Ёлғоннинг юзидаги ниқоби кў-
тарилгач, аҳолисининг кўпчилигини динга
ишонувчилар ташкил қилган капиталистик мам-
лакатлар иқтисоди бизнинг жамиятимиздагига
қараганда юксакроқ суръатларда ривожланган
ётганлиги кўриниб қолди.

Америка Қўшма Штатларидаги жамоатчилик
фикрини ўрганувчи Гэллар институтини америка-

ликлар ҳаётида диннинг қандай роль ўйнашини
ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, сўровда қат-
нашганларнинг 62 фоизини протестантлар, 25
фоизини католиклар, 2 фоизини иудаистлар,
3 фоизини бошқа дин вакиллари ташкил қилар
экан. Сўров иштирокчиларининг 8 фоизигина
худого ишонмасликларини билдирдилар. Кў-
риниб турибдики, дин тараққиётга биз ўйлаган-
чалик тўсиқ эмас экан.

Бас, шундай экан, айниқса ҳозирги кунда
жамиятимиз маънавияти қашшоқлашиб, ёшлар-
имиз ўртасида имон, инсоф кўтарилиб, мил-
лий низолар кескинлашган, фақат бугунги кун
эҳтиёжларини ўйлаб йўл қўйилган исрофгарчи-
лик туфайли экологик ҳалокат ёқасига келиб
қолган бир даврда динни фақат жаҳолат деб
эълон қилиш, уни илмга ва жамият тараққиёти-
га батамом, мутлақо қарама-қарши қўйиш адо-
латдан эмас ва булар умуминсоний қадрият-
ларни тиклашга хизмат қилмайди.

Яна бир нарсани айтиб ўтишни лозим топа-
мизки, бизнинг ижтимоий ҳаётимиз ва публицист-
ларимиз масалаларга ёндошишда бирёқлама-
лик касаллигидан фориг бўлишлари лозим.
Турғунлик деб аталувчи даврда динни жаҳолат
деб ёппасига қоралаган бўлсак, эндиликда уни
мутлақ қамолат деб талқин қилиш кучайди.
Барча салбий ҳодисалар сабаби марксизмга
ағдарилди бошланди. Иш шунга бориб етмоқда-
ки, биз турғунлик, танқислик, талонлар, нав-
батда туришлар ва ҳоказолар учун ҳам Маркс-
дан товон даъво қилмоқдамиз. Ваҳоланки, 80-
йилларда коммунизм қуришни, ривожланган
социализмда яшашимиз лозимлигини Маркс
башорат қилмаган. Бу ўринда марксизмнинг
инқирози тўғрисида эмас, балки унинг таъли-
мотини доғмага айлантди ва шу асосда но-

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА МАФКУРА

тўғри қўлланилган марксизмнинг инқирози
тўғрисида гапирмоқ лозимлигини кўпчилик
тушуниб етмаяпти, чамамда.

Дин ҳам, даҳрийлик ҳам минг йиллар даво-
мида жаҳон маданиятининг мулки, бойлиги
сифатида яшаб келмоқда. Шу давр мобайнида
инсоният ёппасига диндор ҳам ёки ёппасига
даҳрий ҳам бўлиб қолгани йўқ. Дин кишиларни
мутлақ қониқтирадиган даражада, узил-кесил
худонинг борлигини исбот қилганида даҳрий-
лар бўлмас эди ва аксинча даҳрийлик ҳам
инсонни тўла қониқтирадиган даражада, узил-
кесил, охиригача худонинг йўқлигини исбот
қилганида эди динга ишонувчилар ҳам қолма-
ган бўларди. Бас, масала шундай мушкул экан,
мулоқот давом этмоғи, давом этганда ҳам
адолатли тарзда давом этмоғи зарур.

Бунинг учун атеизм ўз иш услубини тубдан
янгилаши лозим.

Даҳрийлик ўз иш услубини сўзда эмас, балки
амалда ўзгартирган тақдирдагина жаҳон маъ-
навий маданиятининг таркибий қисми бўлган
илмий даҳрийлик обрўсини тиклаши мумкин.
Бу вазифалар мафкура ходимларидан билимли
ва юксак маданиятли бўлишни, чинакам мил-
лийликни, прогрессив халқ анъаналарини
динийликдан ажрата билишни, диндорларга
муносабатда уларнинг диний туйғуларини ва
этиқодларини ҳақоратлашга йўл қўймай фа-
қат гоёвий воситалар ёрдамидагина курашиш-
ни, даҳрийлик илмининг инсонпарварлик йўна-
лиши ва руҳини тиклашни тақозо этади.

Амин ҚУРБОНОВ,

Ф. Хўжаев номидаги Бухоро педагогика
олийгоҳи фалсафа кафедраси доценти
вазифасини бажарувчи, фалсафа
фанлари номзоди.

Урмон ова, сиззи отамла чақирват-тила!

Ишдан кейин ҳовлисидаги ариқни миниб олиб ювинаётган Урмонжон бош кўтариб қаради. Бу бижилдоқ Нишононинг кенжасийқан, қайтиб кетяпти.

— Уктамхон қизим?!

Қизча таққа тўхтаб, ўғирилди. Оваси меҳрибонлик билан насиҳат қилди.

— Сан энди кап-катта қиз бўлиб қолдинг... Бундан кейин олдин салом бериб, кейин гапингни айтгин, хўпми?

— Вой?! Кечқурунам салом берса бўлаверадими?

Қизча хато қилмаганини исботламоқчидай бироз орқасига қайтиб келди.

— Кечқурунми, эрталабми, биринчи кўришаётганда, албатта, салом бериш керак.

— Хўп бўлади, ассаломалайкум!

Қизалоқ чопқиллаб кетди. Унинг беғубор шўхлиги, шўхлигидан ҳам кўра кўпроқ олиб кирган хушхабарни Урмонжонга аллақандай завқ бағишлади. Апил-тапил артина бошлади...

— Нега чақиртираётганикин?!

Қўққисдан келган бу шубҳали ҳадик дақиқада тарқаб кетди. Чунки иш юзасидан «шумтака»нинг отасига унинг алоқаси йўқ. Қолаверса, у ҳам ўз депарасида, раисдек гап. Шундай бўлса-да, то артиниб, кийиниб жўнагунча кутилмаган чорловни ўзича мулоҳаза қилиб кўрди.

...Раис унча-мунчага муҳтожмас. Боз устига давлатнинг мулкидан ҳазар қилади. Ҳатто бу тўғрида одамлар латифа ҳам тўқишган. Эмишки, Нишонов уйига киришдан олдин қоқиниб олармиш, яъниким, колхознинг чанги ҳам хўжалигига қўшилмасин деб. Нимага чақиртираётганикин? Е бирор маслаҳатли иши бормикин? Қанақа маслаҳат бўлиши мумкин? Кимсан, Нишонов сенинг маслаҳатингга зорми? Ие, билиб бўладими? Балки бирор оилавий юмушдир...

«Оилавий юмуш» Урмонжоннинг фикрини янада ойдинлатиб юборди.

...Э, бўлди, бўлди! Угли бу йил агрономликни битиряпти-ку? Уйлаш керак. Совчиликка юбормоқчимикин?! Е ким билан қуда бўлишни маслаҳатлашармикин?

Шу пайт ўзида ҳам қиз борлиги, у ҳам ўнинчи синфни битираётганлиги хаёлидан ўтди.

...Йўғ-е, унақамасдир. Бу жуда нозик иш, икки ота ўзаро ҳал қилолмайди! Тағинам, билиб бўлмайди, раиснинг тутуми ҳеч кимнига ўхшамайди... Балки обрўйини ўйлаб, олдин ўзаро пишириб олиб, кейин элнинг кўзига одам чиқармоқчидир?

Урмонжон тўзғиб кетган фикрларининг учини ҳадеганда тутолмади. Яхшиямки, таваккалчилиги бор. «Қани чиқайчи, билманда нима гаплигини» — дея қўшнисиникига отланди. Айвони олдидан ўта туриб ичкарида куйманаётган хотинини огоҳландирди.

— Онаси, мен қўшнисиникига чиқиб кетяман.

— Қайси қўшнисиникига?

— Деҳқонбой аканикига!

Бир-икки қадам ташлаб «чақиртириб-тила» — дея қўшиб қўйди.

Хотини айвонга чопиб чиқди.

— Нима гапикин?

— Бирор маслаҳатли ишлари бўлса керак-да?

Эрининг жавобидан кўнгли жойига тушган бўлса-да, барибир, хотин хавотирда қолди.

Урмонжон Нишононинг дарвозасига қадам қўяркан, шунча йилдан буён қўшни бўлгани билан тўй-тумалоқдан ташқари охирги марта қачон кирганини эслолмади. Аёллар ва бола-чақаларни ҳисобламаганда нафақат Урмонжон, ҳатто маҳалладаги бошқа эркаклар ҳам бу хонадон билан кирди-чиқди қилишмайди. Бўлмаса, Нишоновни ҳамма ҳурмат қилади. У остона ҳатларкан келаётганини билдириш мақсадида овоз берди.

— Э, келсунла, келсунла.



Темур Бек (Темурбек ТУРАБОВЕВ)—
наманганлик, Ўзбекистон ФА
Қўлёзмалар институтининг илмий
ходими.



Хикоя

Раиснинг ўзи чиқиб келди ва гуллар орасидаги сўрига таклиф этди. Ҳовлининг саронжом-сарипталиги, боз устига раиснинг ўзи йўлига чиққанлиги Урмонжоннинг бошини осмонга етказган бўлса-да, ташқарига таклиф қилишдан унчалик сирли гапи йўқдай туюлди. «Бирров айтадиган гапи бўлса керак. Янаям билиб бўлмайди, ўз уйи-ку» — дея кўнглидан ўтказди у. Фотиҳадан сўнг раис дилкашлик билан:

— Бойқишлоқда нима гаплар? — дея гап бошлади.

Бойқишлоқ — боғ-ўрмон хўжалиги, қишлоқларидан ўн чақиримча узоқда. У ана шу жойда бошлиқ бўлиб талай йиллардан бери ишлади. Ўз касбининг пири. У Нишононинг саволига қисқагина:

— Худога шукр, тинчлик — деб қўя қолди.

— Ҳа, яхши. Тинчлик бўлгани яхши-да!

Раис хандон отиб кулди. Озиқ тишининг ёнидаги тилла тиши кўриниб кетди.

...Эркак кишигаям ярашаркан...

Уй бекаси бир даста газит билан уйдан чиқди-да, Урмонжонни кўриб, турган жойида салом берди, орқасига қайтмоқчи эдики, эри:

— Олдин кўлингидани бизга ташлаб қўй. То дастурхонингни топгунингча варақлаб турамин, нима дедингиз? — дея қўшнисига юзланди.

Табиийки, гапи маъқулланди.

Донохон газитларни бераётиб қўшниси билан қайтадан сўрашди. Бу орада Нишононинг ўртача қизи барқашнинг устига дастурхон қўйиб келди. У ҳам астойдил сўрашди. Бир зумда сўрининг усти жаннатга айланди.

Улар учун кундалик, одатий ҳол Урмонжонга сирли-сехрли туюлар, ўзини улар билан қудадек ҳис этарди гўё. У хум чойнакдаги чойни ҳафсала билан қайтарди, тиндирди ва қўйиб узатди.

— Чой ичинг, Деҳқонбой ака?!

Чой ола туриб раис гап қотди:

— Шуна қилиб, Бойқишлоқда тинчлик денг?

— Ҳа, тинчлик, тинчлик...

— Тинчлик бўлгани яхши.

Урмонжон минг фаришта бўлмасин, аввали тирик жон. Гарчи хавотирланарли ери бўлмаса-да, Бойқишлоқ сўзи икки мартаба қайтарилгач, бироз кўнгли хижил бўлди. Нишононинг газит варақлаш билан бандлигидан фойдаланиб, ўз-ўзини тафтиш қилиб кўрди. Айтарли камчилик тополмагач, унинг юзидан сир уқмоқчи бўлди. Раис айтган гапини унутгандай эди. Урмонжон газитларга разм солди. Иқтисод ва сиёсатга оид газеталар... Кўпчилигини биринчи бор кўриши. Нишонов райкомлик вақтида обкомнинг катталаригаам сўз бермайди, деб эшитарди.

...Ҳа, шунақа қилиб ўқиб тургандан кейин сўз берармиди?! Аммо катта, барибир, каттайкан. Охир-оқибатда суриб қўйди. Сурилиб қишлоққа келиб қолганиам тузук бўлганакан. Мана, ҳай-ҳуй демай қишлоқни сонга киритиб қўйди.

Қизик, нега шундай онгли одам уйда меҳмон бўла туриб газит ўқияпти? Е жудаям қизик ҳангомалармикин? Тўхта, яна у «сен ҳам ўз устингда шундай ишлашинг керак» дейтган бўлмасин! Агар шу маънода қилаётган бўлса, у ҳақ...

Урмонжон Нишононинг бир кунда шунча газита олиши-ю, меҳмонниям унутиб, уларни ўқиб чиқишдан куч олиб, ичида «келаси йил барча газитларга ёзиламан», дея аҳд қилиб қўйди.

Шу пайт Донохон шавла кўтариб келди. Тўғриси, Урмонжон хурсанд бўлиб кетди, қорни оч эди. Энг муҳими, раис газитхонликни тўхтатди. Овқат дастурхонга қўйилаётганда:

— Шавлайканда-а? Камбағалга шуям бўлаверади, нима дедингиз Урмонжон? — деди.

У бир қарашда ҳазиллашаётганга ҳам ўхшарди. Шундай бўлса ҳам сезмаганга олди.

— Юмшоққина, кечқурунга шу яхши. Ҳазмиам осон.

— Қани, олинг бўлмаса.

Улар шавла тугагунча бошқа гаплашишмади. Униси бошламади, буниси кутди. Шавла тугай деганда Нишонов соатига қараб қўйди. Урмонжон «балки, бирор ерга борармикимиз» деб тахмин қилди.

Йўқ, янглишган экан, шавла еб бўлингач, у яна газит мутолаасига ўтди. Донохон чойни янгилади, Урмонжон дастурхондаги ортиқча нарсаларни олиб, унга қарашган бўлди, қорни сал бўшади. Янги келган чойдан қўйиб узатганда раис чой ола туриб, яна соатига қаради ва:

— Урмонжон,— деди.

Вақт-соат етиб келганига хурсанд бўлиб кетган Урмонжон шошганча «лаббай» деди. Унинг бу «лаббай»ида «э, айтадиганингизни айтмайсизми» деган маъно сезилиб турарди.

— Телевизорни қўйиб юборинг, ҳозир «Время» бошланади.

Урмонжоннинг ҳафсаласи пир бўлди.

...Қизиқ, ҳозир қишлоқнинг ярмидан кўпида телевизор ўчирилди. Концерт кўриб ўтирганларнинг кўпчилиги «ўчир, телевизор ҳам дам олсин» дегани аниқ. Бу бўлса ҳам қишлоқларининг қанчасига ёқмайдиган кўрсатувни пойлаб ўтирибди.

Узи ҳам бу кўрсатувни унчалик диққат билан кузатмайди. Фақат спорт янгиликлари учун пойлайди. Аммо бугун раис баҳона астойдил кўрди. Кўрди-ю билди. Нотўғри қиларкан. Ҳар куни ярим соат вақт ажратса, дунёдаги бор гаплардан хабардор бўлиб оларкан. Энди у ҳам бугундан бошлаб бирортасини қолдирмай кўради...

«Время»дан кейин деҳқонларнинг долзарб ишлари тўғрисида чаладеҳқонларнинг насихатлари бошланди. Нишонов газета варақлаб ўтирди. Урмонжон ҳар қалай томоша қилди. Кўрсатув тугагач, балет бошланса бўладими? Урмонжоннинг юраги баттар сикилди.

— Шундан кўра концерт берса бўлмасмикин?

— Э, ота ўғил! Сиз билмайсиз-да! Бу — санъатларнинг хўрози-ку!

— О..о..о..?

Урмонжон бошқа гапга ўтмади. Раис телевизорга астойдил тикилди. Мириқиб томоша қилишидан ҳатто, «унга иштонсиз хотинлар ёқаётган бўлса керак» деган ўйга ҳам борди. Лекин у эркаклари чиққанда ҳам астойдил кўраверди. Урмонжон ҳам ўзини мажбурлаб кўрди, бўлмади. Балетнинг нимаси санъатнинг хўрози эканлигини билолмади, тан оладиган бўлса, тушунолмади. Нега бир қишлоқнинг сувини ичишса-ю, раис тушунган нарсага бу тушунмайди? Уйлаб, уйлаб охири топди.

...Ахир, у Московда ўқиган-ку? Уша ўқиб юрганларида буларни кўравериб, кўравериб ўрганиб кетган... Майли, кўриб олсин, уйга чиқсам ҳам шу-да!...

У бошқа хаёлини бўлмай, ўз-ўзига тасалли бериб кутиб ўтирди. Шу алпозда балет ҳам тугади. Шахло кўзли, таниш диктор аёл чиқди. Урмонжон гўё кун бўйи телевизор кўрадиган одамдай эртанги кун режаларини вужуди қулоқ бўлиб тинглади. Аёл ўз ишини ниҳоясига етказгач, нимтабассум билан хайрлашди. Шу охири дақиқада Урмонжон ҳам раисни унутганди.

...Э, шуни яратганнинг отасига минг раҳмат. Қандай бахтли инсонлар у билан гаплашаркин?

Телевизорнинг бижиллаши уни ўзига келтирди. Қараса, Нишонов яна келган жойидан оляпти. Урмонжон туриб бориб (ундан сўрамай) телевизорни ўчирди.

— Зап иш қилдингиз-да!— деб қўйди раис кўзини газитдан узмай. Унинг бу гапи Урмонжонга калака қилаётгандай туюлди. Айниқса, яна газит ушлаб олгани хунобинни оширди.

...Нима бало, онаси газит ўқиб туриб туққанми? Шунча йил бирга қўшни бўлиб, шунақа қилиги борлигини билмасаканман?! Шарта туриб чиқиб кетаверсам-чи? Нима, ўтказиб қўйган ери борми? Ўқишини қаранг.

Урмоннинг бор-йўқлигини билмайдиам бу туришда. Еки ҳақиқатдан ҳам жудаям қизиқ ери чиқиб қолдимикан? Минг қизиқ бўлгандаям айтадиганини... Нимани айтиши керак ўзи? Нима гапикин? Уша гапикин? Тўғри, бундан бошқа гап бўлса шарта айтарди, қўярди. Дабдурустдан айтиш қийинам-да!

У ўз танасига кенгашиди. Яна олдинги ўйлар оғушига торта бошлади. Кўнглида раиснинг ўша гапни айтишига шароит яратмоқчи бўлди.

— Деҳқонбой ака, вақт ҳам алламаҳал бўб қолди. Мен энди чиқай.

Нишонов унга тикилиб турди-да:

— Шунақами? Турасизми? Ҳа, майли...— деди.

...Қизиқ, нимага чақиртирди-ю!!!

Фотиҳа ўқилгач, раис ҳам қўзғалди.


— Э, овора бўлманг, ўтираверинг.

— Оёқларни ёзиш ҳам керак.

Улар бирин-кетин сўридан тушиб, дарвоза томон йўл олдилар.

...Дарвозахонада, хайрлашиш пайтида айтармикин?!

Урмонжонда нурсиз бўлса-да, бир илинж уйғона бошлади. Чунки у меҳмонлари билан суҳбатнинг энг қуюгини дарвозахонада қурган. Айниқса, кайф бўлишса. Хайрлашиш соатлаб чўзилиб кетарди. Ҳар иккаласиям



Безакчи Навоий УСМОНОВ

ўз ўйи билан бўлиб, охири «пакка» — дарвозахонага етиб келишди. Урмонжон «хайр» деса, раис ҳам «хайр» дейдиган кепатаси бор. «Балки мулоҳаза қилиб кўриб, бошқа кунга қолдирмоқчимикан? Улимдан бошқасининг эртароқ бўлгани яхши. Елғонни худо ўзи кечирсин»,— дея Урмонжон ёлгон тўқиди.

— Ишлар кўп денг. Бойқишлоқда бирор ҳафта етиб қолмасам бўлмайдиганга ўхшайди... Ўзи, бугунам келишни ҳеч иложи йўғиди-ю, уйдагилар хавотирланади, деб тушиб келгандим...

— Тўғри қиласиз, вақти келганда етиб ишлаш керак.

Минг афсуски, раис бўлгани билан Урмонжонни шу чоғда тушунмади. «Бўлмаганга бўлишма экан-да»,— дея кўнглидан ўтказди-ю, раис билан қуруққина хайрлашди. Ҳали дарвозасига етиб бормагандиямки, қўшнисиникидан зулфинларнинг шақир-шуқури эшитилди. Хаёл билан бўлиб, дарвозани ёпишни ҳам унутди.

Хотини ухламай кутиб ўтирган экан.

— Чиқдингизми? Шу пайтгача нималарни гаплашдиларингиз? — деди нолиганнамо.

Буниси ўлганнинг устига тепган бўлди.

— Эркакларнинг ишига бурнингни суқма деб минг марта айтаман! Йўқ, ҳаммасини билишинг керак!

— Майли, отаси, шу пайтгача ўтирганингизга сўрадим-да. Гапининг давоми — «айтмасангиз қўйинг»ни айтишга тили бормади. Нима гапигини ўзича тушуниб ўрнидан турди. Урмонжон сал шаштидан тушди.

— Қаёққа кетяпсан?

— Назаримда, дарвозани ёпмадингиз, шекилли.

— Ётавер, ўзим ёпиб келаман.

Ҳақиқатдан ҳам дарвозанинг бир қаноти ланг очиб қолган экан. Тўлин ой нури тушиб турибди. Бу нур Урмонжонга кут-баракадай туюлиб, кўнглидаги хижилликни қувди. Лип этиб яна бояги фикр келди.

...Бундан бошқа яна нима бўлиши мумкин? Бошқа гап бўлганда айтарди.

Фикр тобора қатъийлашиб борарди. Дарвозани ёпиб, қайтишда ҳовлисига разм солди.

...Нишоновникидан қолишмайди.

Айниқса, ҳовлисидан оқиб ўтувчи ариқ сувининг шилдираб оқиши, ярақлаб товланиши кайфиятини янада кўтариб юборди. Хаёл ўлгур ҳар ёққа олиб қочди. Шунча пайт ўтириб айтадиганини айтмай газит ўқиб, телевизор кўргани алам қила бошлади.

...Е, раис жазоладимикин?

Урмонжоннинг хаёлида раисни баъзи бир «жазо»лари тиклана бошлади. ... «Пахта кампанияси» даврида бирор бригада ҳафта давомида охири ўринда тураверса, Нишонов шахматчиси билан эрталабдан борарди. Албатта, шийпонда табелчи ёки бригадир бўлади. Гарчи у саломига алик ололмаслигини билса-да, пешвоз чиқиб:

— Ассалому алайкум, келинлар,— дейди.

Раис узатилган қўл, берилган саломга эътибор бермай «рақиб»ига юзланади.

— Қаерда ўйнаймиз?

Улар шийпоннинг ичи ёки ташқарисидан жой танлашади. Уйин бошланади. Бригадирнинг патагига қурт тушиб, оёғи куйган товукдек, дам далага, дам маҳаллага чопади. Юрак ютиб «ўйинчи»лар олдига чой кўтариб келади, лекин уни қўлидан ҳеч ким олмайди. Шундай бўлса-да, охишта қўйиб кетади. Чой қайтарилмай совийди.

Тушликка аъзолар худди азага келгандек келиб кетишади. Кўпчилик бу чақирилмаган меҳмонларнинг нимага келгани ва мақсадни яхши билишади. Шу сабаб унчалик эътибор қилишмайди. Чунки уларга бу ҳол янгилик эмас. Кўрган, ҳеч бўлмаса эшитган. Аммо улар ҳам бир нарсага — раиснинг кун бўйи шахматга тикилиб оч-наҳор кун кеч қилишига қойил қолиб ёқа ушлашади.

Уйин уч кундан ошмайди. Мабода давом эттириш шарт бўлса, яъни бригада шу уч

кун ичида орага кириб кетмаса, идорада давом этади. Буниси янада оғирроқ. У, яъни «қолоқ бригада» бошлиғи раис ҳузурига рухсат сўраб кириб боради ва қўл қовуштириб:

— Чақиртирган экансиз,— дейди гуноҳкорларча.

Раис бепарво ишини давом эттираверади. Гўё ҳеч ким кирмагандек. На чиқиб кетишини билади, на ўтиришини. «Дод» деб чақирса ҳам гапирмайди. Бирор кимнинг иши бўлса, одам бор демай, бемалол кириб чиқаверади. Унинг «тарбияланаётгани» ни ҳамма билади.

— Баччагарнинг ўйлаб топганини!

Ўрмонжон беихтиёр озгидан чиқиб кетган сўздан сергак тортиди. Негадир Нишонунинг жазо усуллари эслагани ўзига эриш туюлди. Гарчи унинг бундай ўй-хаёлларидан ҳеч бир кимса хабардор бўлмаса-да, ўз-ўзини оқлаш учун далиллар қидира бошлади. Биринчидан, уни қоровул эмас, қизи орқали чақиртирди. Иккинчидан, уйига таклиф этди. Энг муҳими, жуда яхши кутиб олди.

Ўрмонжоннинг қўшнисига меҳри товлана бошлади.



...Ажойиб инсон! Ҳалол, пок. Тиллага топилмайди. Ҳалиги ўйинни нима деди? Санъатнинг хўрози дедими? Э, Деҳқонбой ака, кимлигингизни билмайсиз-да! Сиз ўзингиз хўрозсиз. Хўроз бўлгандаям раисларнинг хўрозисиз! Сиз сингари ҳеч ким раислик қилмаган. Ҳаммаси мажлис билан кун ўтказарди. Сиз ҳатто, пахта кампаниясидек даврдаям мажлис қилмадингиз-а! Энди ўзини айблаб бошлади.

...Бирамас икки, уч қур ишларингизни сўради. Ҳа, қаторлаштириб ташламайсанми, номард! Сан гапирганигда у гапирарди. Гапдан гап чиқиб у ҳам ёрилиб, қорнидагини айттарди. Қорнидаги қорнида қоп кетди-ю, қисталоқнинг!..

Ўрмонжон ғойибона бўлса ҳам аскиянамо қочирим билан раисни бир «узиб» олганидан кайфияти чоғланди.

...Э, ҳамонки қорнида бўлгандан кейин бир кунмас бир кун чиқади. Чиқмай қайга борарди. Фақат раис айтганидай тинчлик бўлса бўлгани...

У ҳаммасига яқун ясагандай қўл силтаб ағдарилиб олди. Ўзи билан ўзи гаплашавариб чарчаган эмасми, уйқуга кетганини сезмай қолди. Уйқудан эрталаб қушдай енгил тортиб уйғонди. Нонушта пайти кеча тўқиган ёлғонини ростга айлантирмоқчи бўлди.

— Ман икки-уч кун тушолмасам керак.

— Ҳа, тинчликми?

— Ишлар кўпайиб кетди.

— Шунақа қилиб жонингизни жабборга берганингиз билан ким «раҳмат» дерди?

— Бир машойх айтган экан «яхшилик қил, сувга сол, балиқ билар, балиқ билмаса холик билар» деб.

Тоғиб айтган мақолидан ўзиям эриб кетди. Хурсандмасми, бошқа пайт бўлганда-ку, хотинининг бундай «ақл бўлиши»га ҳеч бўлмаганда жеркиб берарди. У ҳам гап уқтиролмаслигига кўз етгач, ҳафсаласизларча:

— Билганингизни қилинг,— деди.

Ўрмонжон шу кетганича гапида туриш учун Войқишлоқда бир ҳафта юриб қайтди... Хизмат машинасидан маҳалласининг бошида — яндамада тушиб қолиб, у ёғига пиёда кетди. Нишонунинг дарвозаси биринчи имиримдан ўтиб-ўтмаёқ кўринадди. Ўрмонжон шу жойга келгандиямки, Деҳқонбой аканинг неварга ўйнатаётганига кўзи тушди. Шунча йил қўшни бўлиб Нишонунинг кўча бўйида неварга ўйнатаётганини биринчи бор кўришимасми, олдинга кўзларига ишонмади. Тийшаб қараб, у томон яқинлашиб бораркан, ишонди. Ишонди-ю, фикри ёдини яна ўша тахминлар чулғай бошлади.

...Ҳа, ўғил уйлантиришнинг вос-воси ашнақа, ўтказмай қўяди! Менимча, неварга баҳона-ю, Ўрмоннинг Войқишлоқдан қайтишини пойлаётган бўлса керак!..

Тахминларига ҳаддан ташқари ишониб кетган Ўрмонжон раис томон йигитчасига қадам ташлаб кетди. Нима бўлсаям бир ҳафтадан бери кўришишмаганмасми, астойдил сўрашдилар. Ҳақиқатдан ҳам Нишонунинг одатдагидан бутунлай бошқача, кайфияти аъло эди. Ўрмонжон яна ҳам дадилланди, боз устига бир марта озги куйганмасми, дилидагини шартта айта-қолди:

— Деҳқонбой ака, ану чақиртирган кунингиз дейман, ҳеч нарса демадингиз? Мен сўрамадим. Бирор хизмат бормиди?

— Ҳе, йў-ўқ. Бир гаплаш-и-б ўтирайлик дегандим-да!

Кимдир унинг бошидан пақирлаб сув куйиб юборгандай бўлди. У бундай жавобга тайёрмаслигидан нима дейишини ва нима қилишини билмай турди, турди-да:

— Майли, бўлмаса, уйга кирайчи,— дея олди холос.

— Войқишлоқда нима гаплар?

Уйи томон бораётган Ўрмонжон:

— Тинчлик, тинчлик,— деди боши билан ҳам тасдиқлаб.

— Тинчлик бўлгани яхши-да!

Деҳқонбой Нишонунинг бу гапни унга айтди-ми, ё неварасигами, ё ўзигами — Ўрмонжон унчалик фарқлай олмади.

Изқудлик маъносига эмас

Бода Шарқ адабиётида кўпроқ мадҳ этилган бўлса-да, унинг қайси маънода: маст қилувчи ичимлик маъносидами ёки бошқа маънодами эканлигини илғаб олмаёқ керак. Маълумки, шоирлар маст қилувчи ичимлик — бодани мадҳ этган эмаслар. Зотан бодани ислом дини ҳаром деб ҳисоблаган ва ҳисоблайди ҳам. Айниқса, XV асрда бодани мадҳ этиш ислом ақидаларига мутлақо зид келар эди. Шунинг учун ҳам улуг Навоий подшоҳнинг базмидаги май ичганлар телба итга айланиб қолганлар деб нафратлайди.

Шоир майхўрлик оқибатида юрт вайронага айланганлигини неча бор Баҳром афсоналари орқали таъкидлаган. Бодани кўп ичишлик телбалikka олиб келар экан, ундан қанча узоклаша, шунча ақл чароғи равшан бўлишлиги турган гап.

Бодага кўргузса киши хиралик

Ақл чароғига берур тиралиқ.

«Хамса»дан олинган бу сўзлар, хусусан, Ҳусайн Бойқарога ҳам ўғит, ҳам танбеҳ эди.

Бода Навоий ижодида кўпинча ғоявий висол, ҳаёт гўзаллиги маъносидан ҳам келадими, буни унутмаслик керак.

Шодлик, хурсандчилик, ҳазил-мутойиба ва енгил кулгини чин дилдан севган ҳазрат Навоий беўрин ва бемаъни кулишга ҳайрихоҳ эмас эди. Ундай кулгини «тарки адаб, ғирт беодоб» деб билиб, бунақа кулгидан йиғлашни (қаттиқ кулги натижасида ҳам кўзга ёш келади.—О. Э.) афзал кўради ва халқимизнинг «кулги сўнгидан йиғи келади» иборасига ишора қилиб уни:

Кулгини ўз ҳаддидин ўлди йироқ,

Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Бодадин масту аласт кўз йиғлаюр,

Кулмакидин беадаб юз йиғлаюр...

байтлари билан таъкидлайди.

Демак, бода фақат ичкилик қусуридан бўлмай, шодлик унсуридан ҳамдир. Шу боис улуг мутафаккирнинг ҳаётдан олган ғоялари эзгу ниятларни, ажойиб орзуларни рўёбга чиқариш учун илҳом бағишлади. Зеро, унинг қалами остида гавҳарга айланмаган ҳеч нарса қолмади. Шоирнинг асарлари чиндан ҳам инсонни ҳайратда қолдирадиган қимматбаҳо хазинадир. Унинг ҳар бир боби, ҳар сатри шодлик бодасидай фараҳли роҳат бахш этади. Ундаги ранго-ранг гавҳар фикрлар чуқур мулоҳазалар, теран маъноларга ақл лол қолиши табиийдир.

Шу ўринда машҳур «Муножот» кўшиғининг бир мисрасинигина таҳлил этиб кўришни истардик. Ундаги *Не учунким бода кирган уйга қайгу келмади*

деган банд бизнинг фикрларимизни чиппака чиқаргандек кўринадди. Аслида-чи, унда «келмамоқ» феъли яширинмаганмикан? Ҳа, улуг Навоий ғазал мисрасида эски ўзбек грамматикасининг «келмамоқ» феълидан фойдаланиб, сўз ўйини қилган. Тўғри маънода «бода» шодлик бўлса, грамматик қурилиши маъносидан «келмади» сўзи «келмай қолмади» маъносини англатади.

Одилжон ЭГАМБЕРДИЕВ,

Анджон ноҳиясидаги

14-мактаб адабиёт муаллими.

Боқувчимиздан айирдилар

Бошимизга оғир кунлар тушди «Еш куч!» 1984 йили дадам Султон Сулаймонов вафот этдилар. Унда аяжоним ҳаёт эдилар. 1971 йилда туғилган Саттор акам 10-синфни тугатиб Бухоро Автомобиль йўллари техникумига ўқишга кирди. Ойижоним акамнинг ўқишга кирганига хурсанд бўлиб юривдилар бизни меҳнатлари билан боқиб. Тўсатдан у киши ҳам касалликка чалиниб 1989 йилда вафот этдилар. Оилада 5 бола етим қолдик. Шундан сўнг оиламиз бошига машаққатли кунлар тушди. Акам ўқишини тугатгач ўзимизнинг қишлоқ советига хўжалик бошлиғи бўлиб оиламизни бошқариб тургандилар. Бироқ акамни 1990 йил 17 июлда армияга олиб кетишди. Биз болалар боқувчисиз қолавердик. Укаларим — Сардорбек 15, Жонибек 12, Жаҳонгир 10 яшар. Биз нима қилайлик? Додимизни кимга айтмайлик, «укаларингни болалар уйига топшир» деб маслаҳат беришади. Мен бир неча жойга хат ёздим, фойдасиз бўлмади. Энг сўнги умидим сиздан. Биз беш етим болага ҳам ёрдам берасиз, деган умиддаман. Саттор акамларни армия сафидан қайтариб юборишингни ялиниб, ёлвораман. Адресимиз — Бухоро вилояти Қизилтепа тумани Еш ленинчи жамоа хўжалиғи, 62-уй. Дилдора Сулаймонова.

Акам Украина ССРнинг Киев вилоятида хизмат қилмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз мазкур шикоят хатни УзССЖ ҳарбий комиссариютига йўллар эканми, болаларнинг боқувчисини асоссиз равишда ҳарбий хизматга йўллаган кимсаларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўрилишини, болаларга тегишли амалий ёрдам берилишини истаб қоламиз. Мазкур шикоятнинг натижасини биз келгуси сонларимизда маълум қиламиз.

Ўқишга бир бал етмагани учун сиртқи бўлим насиб этди. Ишлай десам иш тополмадим. Қаерга бормай, «озгинагина» харажатига шама қилишади. Ога-онам оиладаги тўққиз фарзандни боқсинми ё «озгинагина» га етказиб турсинми?

Лола ҲАНИТОВА,
Бухоро.

Мен бир нарсага ҳайронман, Ўзбекистонда яшаб туриб нима учун ўз тарихимизни билмаймиз? Узим ўнинчи синфда ўқийман. Ҳалигача буюк ўзбек олим ва саркардаларининг кечмишини тузукроқ билмайман. Бу кимнинг айби? 1991 йилнинг III чорагидан бошлаб бир соат Ўзбекистон тарихи ўгила бошланди. Бир кунни ўқитувчимиз текширувчилар олдида ўзбек олим ва революционерларини сўради, индамасдан ерга қараб туравердик.

Илтимос, ўз тарихимизни ҳам ўргатишинми?! Ҳеч бўлмаса ҳафтасига икки соат...

Қашқадарё вилояти
Яккабоғ туманидаги Х. Олимжон номи
мактабининг ўқувчиси
Гавҳар ТУРОНОВА.

Менимча биринчи муҳаббат олижаноб муҳаббатдир. У бир марта ёнади. Синфдошимни илк бор севиб қолганимда ундан яширишим керак эди. Лекин афсус ундай қила олмадим. Узимга кучим етмади. Унга хат ёздим. Хатим жавобсиз қолгани етмагандек, бутун мактаб овозаси ёйилди. Болаларнинг «шарманда ўғил болага хат ёзбди», деганларида уларга қўшилиб ўзи ҳам масхара қилганлари... Бошқа мактабга ўтиб кетишга мажбур бўлдим-у, аммо ҳамон уни... Дунёда яшагим келмайди баъзан. Менга шунча озор берса ҳам уни севаман...

Шахло, Сирдарё вилояти.

Салом, «Еш куч». Мен сенга биринчи марта хат ёзаяпман. 1990 йил сентябрь ойидан бошлаб бизнинг мактабимизда эски ўзбек ёзувини ўрганиш учун ҳафтада бир соат дарс қўйилди. Ҳозиргача биз 12 та ҳарфни ўргандик. Умид қиламизки, тез орада Жомий, Навоий, Бобур ва бошқаларнинг асарларини аслида ўқиймиз.

Бухоро вилояти, 7-ўрта мактабининг
10-синф ўқувчиси
Жамила ВАҲРОМОВА.

Пушкинда шундай сатрлар бор экан:

«Ғамли кунга қилгин итоат
Бахтли кунлар келади албат...» Қани энди ростдан шундай кунлар келса. Мурғак қалбим ота-онам, акам-момоларим ҳақоратидан муттасил эзилмаган бўлганда ишонардим ўша кунга. Мактабда ҳам бирорта ўқитувчи (мен уларни «буюрувчи» деб атагим келади) «Ҳолинг қандай? Нега қийналаяпсан?» демайди. Мактаб ишлари билан қолиб кетган кунларимда ҳам бирор оғиз ширин сўз эшитмайман. Елгиз таянчим совғим. «У» яқинда хизматдан қайтади. Унинг ҳамиша умидвор, таскинли мактублари билан яшайман. Онам бирор марта «қизгинам», «она қизим» деганини эслолмай ўсаяпман. Отам-ку, ҳақорат қилишга туғилгандек. Балки бу мактубим эълон қилинмас... Лекин ҳарна бўлса-да, юрагимни бўшатдим. Фақат алдаб юпатманглар мени»...

Гулчеҳра ёки Кулчеҳра, Иштихон.

«Қатортолга мактублар» саҳифасида айрим ўқитувчиларнинг ўз вазифаларига нолойқлигини ўқиб жуда ачинаман. Визнинг ўқитувчилар эса ундай эмас. Хасталигим туфайли 3 йил мактабга боролмай қолдим. Ўқишни жуда истар эдим. Ва бу истагим амалга ошди. 1988 йилдан бошлаб ўқитувчиларимиз мактабимиз узоқлигига қарамасдан келиб ўқитиб кетишяпти. Қарши Тилолов, Мамасайд Абдиев, Эшмамат Улғумуродов, Хушмурод Шоймуродов каби ўқитувчиларимиз менга катта ёрдам бермоқдалар. Қийин мавзуларни тушуниришади, масалалар ечишни ўргатишади. Улар ёрдамида мана 11-синфни тамомладим. Ҳамма ўқитувчилар ҳам уларга ўхшаган бўлишини истардим деб мактуб йўлловчи Раъно Норбўтаева.

Қашқадарё вилояти Қашани ноҳиясидаги
Учтут қишлоғи.

Ойноманинг ўтган сонларида босилган «Қамоқ жиноятчини тарбиялайдими?» мақоласига ўз фикримни билдирмоқчиман. Мени айниқса мақолада баён қилинган 18 ёшдаги ўсмирлар тарбияланаётган қамоқхонадаги тарбия ҳайрон қолдирди... Қамоқхонада ҳаёти ҳақидаги мақолаларни ўқиганимда мени кўпинча маҳбусларнинг озодликдаги ҳаёти қандай бўлиши қизиқтиради. Ҳаммамизга маълум, қамалиб чиққан ўсмирларнинг ҳаёти бирданга изга тушиши қийин. Қамалганлик тамғаси ўсмир ҳаётини ағдартўнтар қилиши аниқ. Хўп, ўсмир қамалиб, «озодлик»ка ҳам чиқди, дейлик. Уни одамлар тўғри тушунса-ку хўп-хўп. Лекин уни тушунмай, ҳар қадамда унинг «қамалган»лигини «ёдга» солиб туришса (айниқса участка мелисалари) шу ўсмир яна жиноят йўлига кирмасмикан? Тўғри, қамалиб чиққан ўсмирларнинг ҳаммаси ҳам тавбасига таянмайди. «Урганган кўнгил ўрганса қўймас» деган мақол бежиз тўқилмаган. Бундай ўсмирлар ўзигина жиноят қилмайди, ўз сафига янги-янги «ўринбосар»ларни тортади. Мен жиноятчиликнинг йилдан-йилга кўпайишига оиладаги ёмон тарбия сабаб деб билман. Чунки кўш уясида кўрганини қилади. Узингиз ўйланг, чайқовчилик қилиб мўмайгина пул топаётган онадан, қинғир юрган отадан бола қайси фазилатни олсин?! Хуллас, тарбияда гап кўп.

«Еш куч» қамоқхона ва ундаги тарбия усулларига назар ташлаб хайрли иш бошлабди. Бу муаммонинг ҳали очилмаган қирралари кўп, ўйлаймизки, ойнома жамоатчилик иштирокида бу мавзунини янада чуқурлаштиради.

Соҳиба ҚОСИМОВА,
Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги
3-мактаб.

Мен ҳозир 11-синфда ўқийман, бизда астрономия дарси ўгилади. Мен бу фанга жуда қизиқаман. Бизга маълумки, астрономия фани жуда қадимги фан ҳисобланади. Мени ҳайрон қолдиргани шу бўлдики, китобни қанча варақламанг, бирорта ҳам ўзбек олимларининг исми, қилган кашфиётлари тўғрисида сўз юритилмаган. Тўғри, Коперник ва бошқалар астрономия фанига улкан ҳисса қўйишган. Лекин Беруний, Улғубекларнинг хизматлари ҳам кам бўлмаганку?! Нега энди ўзбек олимлари астрономия китобига киритилмаган ёки арзишмайди? Менимча бунга сабаб китобнинг Москвадан русча нашрда чиқарилиши бўлса керак. Бизда эса ҳеч ўзгартирмай таржима қилиб берилаверади. Визнинг қоқлигимиз ҳам шундан бўлса керак...

Нафиса ТОҶИЕВА,
Ургут ноҳияси.

Еттинчи синфда ўқийман. Мени бир йигит севади. Эшитишимча киши илк бор сева — бахтиёр, иккинчи марта сева — девона бўлар эмиш. Мен кимман — билмайман. Севанми, йўқми? Ўзи неча ёшда севиш керак, «Еш куч?»

Қўқонлик ГУЛИ.

ТАШВИШЛАРИНГ АДОБИ БОРМИ?

Дўст қадри

Кебрадийах Хўқандий бир анжуманда ушбу ривоятни эшитиб, уни ислоҳ қилиб қолдурган экан.

Қадим замонларда Хўқанд шаҳрида бир зolim подшоҳ ўтган экан. Унинг бир донишманд вазири бўлиб, кимки унинг ҳузурига илтимос билан келса, хурсанд бўлиб кетаркан. Вазир ҳушчақчақ, айниқса улфатчиликни, аскияни яхши кўраркан, ўзининг ўткир сўзлари билан уста аскиячилардан қолишмас экан.


Вазирнинг обрўи ошиб, шоҳнинг олдига ҳеч ким арз билан келмай қўйибди. Бундан ғазабланган шоҳ яқин маслаҳатчиларини чақириб: «Сенлар шундай тadbир кўрингларки, вазир ҳаддидан ошмасун! Виздин ҳар соҳада бир неча поғона пастроқда юрсун!» дебди.

— Бунинг йўли осон!— дебди маслаҳатчиларидан бири.— Унинг ёлғиз арзанда ўғли бор. Олий ҳазратлари буюрсалар уни гумдон қиламиз. Вазир оғир мусибат ғамидин бошин кўтаролмай қолур.

Шоҳ «билганларингни қилинглар» дебди. Маслоҳатчилар бир жосус топиб, унга кўп пул ваъда қилишибди, вазирнинг ўғлини ўлдиришга кўндиришибди. У пайт топиб, ёш болани заҳарлаб ҳалок қилибди. Кейин ваъда қилинган пулни олгани борганда маслаҳатчилар уни ҳам орқасидан ханжар уриб ўлдирибдилар. Сўнгра маслаҳатчилар шоҳнинг ҳузурига бориб: «Вазирнинг ўғли жаҳаннамга кетди, қотилини ҳам гумдон қилдик. Энди сирни ҳеч ким билмайди» дейишибди. Шоҳ қувониб уларнинг ҳар бирига чопон ва олтин инъом қилибди. Кейин ҳаммалари вазирниқига бориб таъзия билдиришибди, жаноза ўқишибди боланинг жасадини дафн этибдилар.

Вазир уч кун мотам тутгач, тўртинчи кун ҳеч нима бўлмагандай хизматига чиқибди ва шу кунийёқ дўстлари билан маишат қилибди.

Шоҳ ҳайрон бўлиб ўйга толибди. «Демак, вазир ўғлини севмаскан, маслаҳатчилар эса бу сирдан беҳабар экан-да». Шундан сўнг у маслаҳатчиларини чақириб уларни калтафахмликда айблаб уришибди. Шунда улардан бири: «Шоҳим! Вазирнинг гўзал хотуни бор. Бундай гўзал аёл дунёда бошқа топилмасдур. Вазирнинг сирини шулдур! Ижозат беринг, уни ҳам гумдон қилайлик!»— дебди. Шоҳ рози бўлибди. Маслоҳатчилар дарҳол бир жосус аёлни ёлғашибди. У вазирнинг хотини ухлаб ётганида қўйнига заҳарли илонни солиб қочибди. Илон аёлнинг нозик баданини қақиб уни ҳалок қилибди. Маслоҳатчилар жосус аёлни ҳам ўлдиришибди. Сўнгра шоҳга бу хабарни ҳам етказишибди. Шоҳ уларга тагин совғалар улашибди. Тагин ҳаммалари вазирнинг уйига бориб таъзияларини билдиришибди.




Вазир уч кун мотам тутиб, тўртинчи кун яна боғидек хизматга чиқибди ва кулги-ю аскияда қатнашаверибди.

Хуллас, маслаҳатчилар кутқуси билан шоҳ вазирнинг ота-онасини ҳам ўлдириб юборибди. Вазир эса ҳар гал яна аввалгидек ўз одатини такрорлай-верибди. Буни кўрган шоҳ тузалмас касалга чалинибди, ғазаби ошиб маслаҳатчиларини чақирибди ва: «Агарда сенлар вазир сирини аниқламасанглар, ҳаммаларинг жонларингдан умидларингни узинглар!»— дебди. Шунда маслаҳатчиларидан бири: «Шоҳим, мен вазирни кузатиб юрибман. Унинг ёнида доимо бир киши юради, у билан бирга суҳбатлашади ва бирга маишат қилади. Тўғри, у вазирга мутлақо бегона, бунинг мен текшириб кўрдим. Лекин сир ана шу одамда эмасмикин? Ижозат этинг, сизга садоқатлигимизни билдириб уни ҳам ўз қўлларимиз билан жаҳаннамга юборсак»— деди. Шоҳ «охирги марта сенларга ишониб кўрайчи», деб рухсат берибди. Маслоҳатчилар пайт пойлаб у кишининг йўлини тўсиб бўғиб ўлдиришибди.

Вазир унга ҳам уч кун мотамда турибди. Тўртинчи кун шоҳ ва унинг маслаҳатчилари вазирни хизматга чиқилини кутишибди, аммо у чиқмабди. Бундан шоҳ ва маслаҳатчилар хурсанд бўлишибди. Аммо шоҳни яна ғам босибди. «Нега вазир ўғли, хотини, отаси, онасига уч кун мотам тутсаю, бир бегона кишига бир ҳафтадан зиёда мотамда юрса!», деб ўйлайвериш шоҳнинг қон босими ошиб кетибди ва бир қўлу оёғи шол бўлиб қолибди.

Охири шоҳ ясовулга буюриб, вазирни чақиртирибди. Ясовул бориб вазирни келтирибди. Шоҳ ундан: «Нега қоникариндошингга уч кун мотам қилдинг, бир бегона кишига эса шунча кун мотам тутиб юрибсан?» деб сўрабди. Сочлари оқариб кетган вазир шоҳга қараб: «Эй, шаҳаншоҳим! Менинг ягона фарзандимни ўлдирдинглар, лекин хотуним ҳаёт эди. Виз яна фарзанд кўришимиз мумкин эди. Аммо сизлар хотунимни ҳам ўлдирдинглар. Дунёда аёл зоти кўп, мен яна уйланишим мумкин эди. Кейин отамни ва азиз онамни ўлдирдинглар. Улар инсоният олдида ўз бурчларини адо этишган — мени дунёга келтиришган. Уларнинг наслларини давом эттирмақдан. Лекин



эллик ёшга кириб бир дўст орттирган эдим, уни ҳам ўлдирдинглар. Энди билмайман, яна эллик йил яшайманми-йўқми, шундай садоқатли дўстни топа оламанми-йўқми, яқка Аллоҳнинг ўзи билади», дебдию вазирлик лавозимидан кечиб, шоҳ олдидан чиқиб кетибди. Умрининг қолганида боғ-бонлик қилибди.

Ўз қадрини билмаган инсон, дўст қадрига ҳам етмайди. Ҳар бир одамзод дўст қадрига етсин!

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ.

Қалб ва имон ҳақида

Бисмиллаҳир р-раҳманир р-роҳим. Ас-салому алайкум, муҳтарам таҳририят! Менинг касби-корим деҳқончилик. Деҳқон фарзандиман. Инсон тақдири иш ва сўзига боғлиқ. Бу — Имон дейилади. Қачонки, инсоннинг иши билан сўзи бир бўлса Имонли бўлади.

Халқда икки қалб бор. Биринчи қалб — лаҳм гўшт пораси, иккинчи қалб — тош парчасидир. Шунга атаб бир қатор қайдлар ёздим.

1

Еган овқатинг ҳалол бўлса — танинг тинч, юрган йўлинг тўғри бўлса — элинг тинч.

2

Қадамни тўғри қўйсанг — йиқилмайсан, йўлни тўғри кўрсанг — адашмайсан.

3

Тилинг тўғри бўлса — бахт сеники, қўлинг тўғри бўлса — омад сеники.

4

Оғзинг маҳкам бўлса — олдирмайсан, ишинг ҳалол, мустақкам бўлса — бузилмайсан.

5

Топганингга қаноат қилсанг — қоникмайсан, билганингга амал қилсанг — йиқилмайсан.

6

Топган молинг ҳалол бўлса — турмушинг ширин, айтган сўзинг рост бўлса — ҳаётинг ширин.

7

Молу дунё билан ҳеч ким бахтли бўлган эмас, дунё маликаси — одамлар зотига дўст бўлган эмас.

8

Одамнинг еган овқати нима бўлса-у шу бўлади. Қоринга нима кирса оғизга шу келади.

Одамларни тартибга чақириб тарбиялашдан кўра, еб-ичадурган озиқ-овқатларини тартибга солинса, одамлар ўз-ўзидан тарбия топиб яхши бўлади. Парвариш қандай бўлса, ташвиш ҳам шундай бўлади.

9

Кўп еган кўп гапирди. Одамлар қалбига шов-шув солади.

Одамлардан имон кетади. Улар овқат қолдиғи каби ачийди.

10

Булоқ суви тошмайди, ҳеч қасрни бузмайди. Доим тинч, бир маромда оқади. Ҳаммага етиб ортади. Ҳалол меҳнатидан яшаган одам ҳам шундай. Унинг топган-тутгани оиласига етади. Доимо тинч яшайди. Ҳалол пул саломатлик ва тинчликдир.

11

Меҳнат одамнинг умр оти — умр манзилига элтади.

Нажмиддин НАСРИДДИН ўғли,
Фарғона вилояти.

Чимдим фикрлар

Юзаки мақташ ҳақоратлашдир.

Мақтаниш, ёлгон сўзлаш ўз-ўзини шарманда қилишдир.

Сени қаттиқ танқид қилиб ранжитса хафа бўлма, куни келиб бекордан-бекорга мақташади ҳам.


Аргамчи ҳам пишмаган жойидан узилади.

Мақтов баъзи одамларга ёш болага шоколад ёққандай ёқади.

Ҳурматталаб бўлма, унга сазовор бўл!

Тошқин дарёни тупроқ билан тўсиб бўлмайди.

Манфаат ҳар қандай алломанинг ҳам кўз олдини бир лаҳза хиралаштириб қўйиши мумкин.



Атмосфера таркибини биласизми?

Атмосфера 1500—2000 км қалинликка эга. Лекин ҳавонинг асосий масаси унинг қуйи қисмида жойлашган. Бу ҳаво массасининг ярми қуйи 5 чақирим қалинликдаги қатламда тўпланган. Атмосферанинг ҳаётимизда аҳамияти жуда катта: Ер юзидаги ҳароратни мўътадиллаштиради, уни сақлайди, булутлар, шамоллар, ёнғинлар ҳосил бўлади. Тирик организм билан жонсиз табиат ўртасида иссиқлик ва моддалар алмашилишига имкон беради. Агар атмосфера бўлмаса эди, сутка давомидаги энг юқори ва энг паст ҳарорат фарқи 200° га етар эди.

Атмосфера ҳавоси газларнинг механик аралашмасидан иборат. Ҳаво таркибидаги газлар миқдори процент ҳисобида олганда қуйидагича:

Азот — 78,09
Кислород — 20,95
Аргон — 0,93
Ис гази — 0,03
Неон — $1,8 \cdot 10^{-3}$
Гелий — $5,24 \cdot 10^{-3}$
Ксенон — $8,0 \cdot 10^{-3}$
Криптон — $1,0 \cdot 10^{-5}$
Водород — $5,0 \cdot 10^{-5}$
Озон — $1,0 \cdot 10^{-6}$

Булардан ташқари ҳавода яна сув буғлари, чанг бўлади. 1 см³ ҳавода чанглар сони шаҳарларда 100 минг донагача, океан устида 100 донагача бўлади. Ер юзидан 2 км баландда чанг миқдори 50 баравар, 5 км баландда эса 10000 баравар камаяди.

Азот биологик жараёнларда нисбатан кам қатнашади. Организмлар азотни бевосита ўзлаштирмайди. Кислород эса энг актив газ бўлиб, у ўсимлик ҳаёти фаолиятининг маҳсулотидир. Кислород ер пўстининг 50 фоизини ташкил этади. Бутун биосферада ҳайвон ва ўсимликлар шу газ билан нафас олади. Одам организмда 65 фоизга яқин кислород бор. Кислород етишмаса, одам ва ҳайвонларнинг нафас олиши бузилади.

Карбонат ангидрид ёқилғининг ёниши, органик моддаларнинг чириши, нафас олиши натижасида ҳавога ўтади. Агар ҳавода карбонат ангидрид миқдори 0,07 фоиздан ошса, одам ва ҳайвонларнинг нафас олиши қийинлашиб қолади.

Ҳавода чанг бўлиши ёнғинларга, ер юзасига етиб келадиған нурлар таркибига ҳам таъсир этади.

Атмосферанинг юқори қисмидан газлар коинотга тарқаб туради. Айниқса, водород ва гелий кўп тарқайди. Бу эса бора-бора ҳаво таркибининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, инсон фаолияти таъсирида ҳам ҳаво таркиби ўзгаради. Агар бунинг олди олинмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

* * *

4-сондаги топишмоқлар жавоби: тиш, цемент, қалам, нафталин, кана, мўмиё, лампочка, калтакесак, Ф ҳарфи.

Темир—малҳам

1714 йилда «юрак ҳуружи билан касалланган ва оёғида зўрға турган» молотовлик Кончезер мис ва темир қуюв заводи ишчиси (Карелиядаги) Иван Ребов темир рудаси қазиб олинган ботқоқликлардан биридаги табиий булоқни пайқаб қолди. Булоқ сувидан ичиб кўрган Ребовга у ёқиб қолди. Шундан кейин у «қаторасига уч кун шу сувдан ичди ва шифо топди». Россияда таркибида темир минерали бор дастлабки манба шу тариқа очилган эди.

Бундан хабар топган Петр I бу сув таъсирини ўрганиш учун тезда Карелияга лейб-медик¹ Блументросни жўнатди. У бу сувни касал солдатларда синаб кўриб ижобий натижалар олди. Бу сув темир ва уруш худоси — Марс шарафига «Марциаль суви» деб аталди. Тез орада «Олендаги Марциаль суви ҳақида эълон» ва «Врачларга мазкур сувдан фойдаланиш учун қўлланма» халқ орасида тарқалди. Подшоҳ ўз оила аъзолари билан бу ўлкаларга неча бор келиб шифобахш сувдан ичди. Аммо унинг вафотидан сўнг булоқ ҳам унутилди.

Ҳозирга келиб Марциаль суви балчиқ билан даволайдиган донг таратган бальнологик курортдир.

«Темир вино»

Агар одам организмда темир элементи етишмай қолса бош оғрийди, кайфият ёмонлашади, одам тез чарчайди. Қадимдан бундай ҳолларда қўллаш учун ҳар хил «темир» доридармонлар маълум бўлган.

1873 йилда «Экономический журнал» бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Бир қанча ҳолларда темирнинг ўзи ҳам ҳар томонлама доридир, унинг қириндисини гоҳ шундай, гоҳ шакарга аралаштириб оз миқдорда қабул қилинса фойдалидир». Бу мақолада ўша давр дориларидан «темир қор», «темир сув», «пўлат вино» ҳақида ҳам фикр юритилган.


Маълумки, XX асрнинг охирида беморлар темир қириндисини ютишмаса ҳам, аммо медицинада темир бирикмаларидан ҳозир ҳам фойдаланилади. Львовдаги музей-аптекада ҳозир ҳам шундай ажойиб совғага эга бўлиш мумкин: совға кичик жигарранг идишдаги ширин суюқлик — «темир вино»дир (бу оксидланган темирнинг ширин эритмасидир).

Темир... табиий асар

Красноярск яқинида топилган темир бўлагининг келиб чиқиши ҳақида бош қотирган академик П. С. Паллас уни инсон қўли ярата олмайди, деган тўғри фикрга келди. «Бундан ташқари, — дея мулоҳаза юритганди академик, — агар барча эҳтимолларга қарши борсак, нима учун бу темир бўлак ясалди-ю, нима сабабдан бундай оғир юк тоғ тепасига келтирилди ва нега ундан фойдаланилмай тоғ тепасида ташлаб кетилди?» Ниҳоят Паллас шундай бир хулосага келди: «бу темир... қандайдир санъат асари эмас, лекин табиий асардир. Унинг улканлиги ҳам, ҳар битта қисми ҳам унинг ҳақиқий табиий кучлар яратган асарлигига сўзсиз далолат бермоқда».

Фақат кейинчалик 1794 йилда Ригада чоп этилган «Паллас томонидан топилган темир тошнинг келиб чиқиши ва бошқа жиҳатлари ҳамда унга тааллуқли табиат ҳодисалари ҳақида» деган китобни ёзган одам — Берлин дорилфундунининг профессори, Петербург Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси А. Ф. Хладни бу мўъжизавий тошнинг пайдо бўлишини тўғри тушунтириб берди. «Бу жисм, — деб ёзган эди у, — ...сайёраларо бўшлиқда мавжуд бўлган ва ўша ердан бизнинг еримизга келиб тушган».

¹ — сарой аъёнларига, подшо хонадонларига қаровчи врач.



Рассом Осимхон ВОСИХОНОВ

Иккиюзламачи ҳамма вақт қўлида лангарчўп билан юради ва у кўпроқ тарози палласига ўхшаб кетади. Тошнинг оғир-енгилига титраб туради.

Муғомбир одам яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам қўлқоп кийиб бажаради.

Нокамтарлик — инсон учун бош фожиадир.

Узгалардан юқори бўламан, ҳаммадан ўзиб кетаман, деб бу азиз бошни кўринган тўнкага уравериш керак эмас.

Ҳадеб бадантарбия эмас, ақл тарбияси билан ҳам шуғулланиб турмоқ керак.

Истеъдодга қийин. Истеъдоди йўқ киши бир амаллаб йўлини топиб кетади.

Агар танқид қилишларини истама-санг юбилей қил!

Эндиликда одамларни ҳадеб саралайвермаслик керак. Чунки кичик, иккинчи даражали одамнинг ўзи йўқ. Ҳар бир одам ўзини дунёнинг таянч нуқтаси, деб сезади.

Икки иъвогар фисқу-фасодни бошлаб гийбат қилаётган уйдан алоҳида туйнук чиқариб қўймаса, у ерда хавfli инфекция тарқалиб кетиши ҳеч гап эмас.

Жўрахон АВЛИЕХОН ўғли,
Андижон.



نظامی گنجوی

۱۱۴۱ - ۱۲۰۹



Низомий
Ганжавий

(1141—1209)

Гоҳо атрофга боқар экансан, ҳаёт сенинг ақлу-идрокиннга муҳтож эмасдек, у ўзича комилдек туюлади. Бироқ донишманд инсонлар унинг нокомил томонларини зийраклик билан илғайдилар. Уларнинг умри дунёнинг ғариблигини фаромуш этишга мажбур қилади. Бундай фидойи инсонлар ақлу-заковати мевалари ҳаётнинг чиройига чирой қўшади, унинг хазинасини бойитади. Абу Муҳаммад Илёс ибни Юсуф Низомий Ганжавий табиат ана шундай буюк иқтидор ато этган соҳибқалам эди.

БУЮК СИЙМОЛАР

Низомий умрининг деярли барча қисмини она шаҳри Ганжада ўтказди. Унинг форсий тилида яратган асарлари нафақат Озарбайжон, балки Урта ва Яқин Шарқ халқларининг мероси бўлиб қолди. Жаҳон бадиий тафаккури хазинасига беқиёс жавоҳир бўлиб қўшилди. Ана шу жавоҳирларнинг улкан силсиласи унинг беш дostonдан иборат «Хамса» сидир. Бу асар «Махзанул-асрор», («Сирлар хазинаси») ахлоқий-фалсафий дostonини, «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») романтик поэмаларини, шунингдек «Искандарнома» тарихий дostonини ўзида мужассам этган.

Улкан сўз санъаткори Ганжавий ўз «Хамса»си билан Шарқ халқлари адабиётида катта мактабга асос солди. Улуғ ҳинд шоири Амир Хусрав Деҳлавий унга жавобан «Хамса» яратгач, Низомий янада машҳур бўлиб кетди. Мутахассисларнинг аниқлашларича, айти пайтгача форс тилида 42 та, ўзбек тилида 2 та, турк тилида 2 та «Хамса» яратилган. Беш дostonдан иборат асар, жумладан озарбайжон, туркман, курд ва бошқа тилларида ҳам мавжуд. Низомий Ганжавий дилбар газаллар, рубойлар, қитъалар ва лирик шеърлар муаллифи ҳамдир. Шоир ижодининг бош ғояси — инсон, унинг тақдири, шаъни, номуси, қайғу ва қувончларидир. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Миср, ССЖИ, Чехословакия ва бошқа мамлакатлардаги таниқли шарқшунослар шоир ижодини ўрганиб, унинг маҳоратини алоҳида таъкидлашган.


Совет шарқшунослари Е. Бертельс, Т. Магеррамов, эронлик Воҳид Дастигарий, чех тадқиқотчилари Г. Риттер ва Я. Рипканинг изланишлари Низомий ижодини ўрганиш борасида самарали бўлди. Улар шоир асарларининг бизгача етиб келган қўлёзмалари қиёсий матнларини ўз мамлакатларида эълон қилдилар. Жумладан 1987 йилда Москвадаги «Наука» нашриёти «Етти гўзал»нинг Т. Магеррамов тадқиқотлари асосидаги илмий-танқидий матнини чоп этди.

Низомий Ганжавий асарлари ўзбек тилида «Шарқ классиклари меросидан» туркумида Ш. Шомухаммадев таржимасида 1983 йилда нашр қилинди.

Шоир ижодини тадқиқ қилиш давом этмоқда. Унинг асарларини ўзбек шеърият ихлосмандлари қизғин қабул қилдилар. Ҳофизларимизнинг Низомий шеър ва газалларидан айтган қўшиқлари мусиқа шайдоларига манзур бўлмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Ш. Жўраев ижросидаги «Қайдаки сен бор, қамар на даркор», «Келди баҳор ишқ фасли бу, маъшуқи гулрухсор қани» деб бошланувчи ва бошқа қўшиқлари шулар жумласидандир.

Саъдий Шерозий

1203 - 1292



Саъдий
Шерозий
(1203—1292)

Дунёдаги жами инсон ягона таннинг турфа аъзоларига монанддир. Улардан бири дард чекса, бошқасида ҳам сабру қарор йўқолади. Узгалар ғамига шерик бўла олмаган кимса эса инсон деган номга нолайиқдир. — Муслиҳуддин Абулмуҳаммад Абуллоҳ ибни Мушрифуддин — Шайх Саъдий — Саъдий

БУЮК СИЙМОЛАР

Шерозийнинг оламга машҳур ҳукми ҳикмати ана шу мазмундадир. Адабиёт бўстонида уни «ғазал пайғамбари» деб таърифлайдилар.

Саъдийнинг отаси замонасининг саройга яқин шоири, олими, йирик дин арбобларидан эди. Афсуски, 12-13 ёшларида Саъдий падари бузрукворидан жудо бўлди. Унинг ибтидоий таҳсилни тугатишида катта оиланинг бутун ташвиши бошига тушган акаси очган боққоллик дўкони иш берди. XIII асрнинг 20-йилларигача Саъдий Бағдодга бориб, у ердаги «Низомия», «Мустансирия» мадрасаларида сабоқни давом эттирди. Таҳсилни тугатган 20 ёшли Саъдий Эронни мўғуллар босиб олгач, дунё бўйлаб сафар қилишни ихтиёр этди. У Туркистон, Ҳиндистон, Шимолий Африка, Жанубий Арабистон ва Кичик Осиёнинг кўплаб шаҳарларида кезиб, турфа одамларни, турли касбдаги инсонларни кўрди, улар билан мулоқотларда бўлди. Тақдир уни кўплаб зарбаларга дучор қилди. Хусусан, у салибчиларга қарши жангда қатнашиб, тенгсиз курашда асирга тушиб қолди. Бир бой савдогарнинг марҳамати, уни сотиб олганлиги туфайлигина тутқунликдан озод бўлди.

Дарбадарликдаги унинг ягона машғулоти масжид, бозор, хонақоҳ ва мазор атрофида халойиқни йиғиб, уларга ваъз, панду-насихат ўқишдан иборат эди. Воиз шоир ахлоқий масалаларни, амалий ҳикматларни ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб берар, инсонларни ҳалолу-покликка, дину-диёнатга, эзгуликка чорларди. Унинг бу пандлари эллик ёшдан ошиб, Ватанига қайтгач, «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарларини яратишига асос бўлди. Бу икки асар Шарқ пандномаларининг гўзал намунаси сифатида эл орасида эъзозланиб келади. Юқоридаги икки машҳур асардан ташқари Саъдий «Тайибот», «Бадоеъ», «Хавотим», «Ғазалиёти қадим» каби тўрт девондан иборат ғазаллар, бошқа жанрлардаги шеърий асарлар битди. Мутахассислар унинг бу асарлари форс-тожик, араб, жумладан туркий адабиётнинг ривожига катта таъсир этганлигини таъкидлайдилар.

Шеърларида Саъдий одамийликнинг белгисини инсоннинг асл моҳиятини тушунишда деб айтади.

*Кимки бефойда умрни ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан
олтин кетказди,*

дейди шоир.

Буюк боболаримизнинг улкан мероси биз учун битмас жавоҳир хазинасидирки, ундан маъно жавҳарларини терсак, олтин умримиз эвазига муносиб нарса олган бўламиз.

Парилар, қиз-илон



Вани башарни ҳайратга солган учар ликопчалар ва «ўзга сайёралик» келгиндилар ҳақида гап-сўзлар кўпайган кунларнинг бирида таҳририятимизга нотаниш бир киши ташриф буюрди ва ликопчани кўрганлигини айтди. Ишонмадик. Кейин эса, рўзнамаларда учар жисмлар тўғрисидаги хабарлар босила бошланди. Ана шундай кунларнинг бирида жамоатчи муҳбиримиз Ҳаким Қайсаров ҳам ўзининг ғайритабиий воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганлигидан гап очиб қолди. Хуллас, у ўзи билган ва бошидан ўтказган саргузаштларни сўзлаб бердики, ишонмасликка илож йўқ эди. Чунки, унинг гаплари ҳақиқатга яқинлиги, ғаройботларга гувоҳ бўлган, ёхуд, худди Х. Қайсаров каби бошидан ўтказганлар ҳам борлиги бизнинг қизиқишимизни оширди. Улар ҳам Ҳаким Қайсаровнинг гапларини тасдиқлашди.

БИЗНИНГ ИЗОҲ:

Ҳаким Қайсаров асли самарқандлик. Ургут ноҳиясининг Барлос қишлоғида ўсиб-улғайган. Ун йилча Самарқанд вилояти ички ишлар органларида хизмат қилган. 1985 йил январида Қашқадарё вилоятининг Нишон ноҳиясига қарашли «Туркманистон» давлат хўжалиги ҳудудига кўчиб келган. Ишчи бўлиб ишлайди, тиришқоқ, ташкилотчи, мулоҳазали йигит. Шу боис бўлса керак, хўжалик меҳнаткашлари уни совхоз халқ назорати гуруҳининг аъзоси, «Ойдин» қишлоқ Шўрсининг депутати, ноҳия халқ суди маслаҳатчиси каби бир қанча жамоат ишларига сайлашган. Оилали, 6 нафар фарзанди бор.

Сехрли кунлар ҳикояси

Табиатда ҳамма нарса бўлиши мумкин, — деди Ҳаким Қайсаров. — Инсон тафаккури, шуури сифдира ва сингдира олмаган ажойиботлар жуда кўпдан-кўп учрайди. Бироқ бундан ҳеч ҳам кўрқмаслик керак. Учар ликопчани, бу бор нарса, ёнар шар-чи? Бу ҳам айна ҳақиқат. Лекин, шу нарсани ҳам таъкидлаш керакки, бундай ғаройиб ҳодисалар айрим кишилар ҳаётидагина учрайди.

Этибор берайлик: ота-боболаримиз алвасти, дев, ажина, жин, пари дейишган. Энди эса: «қор одам, учар ликопча, ёнар шар, темир сандик, одамсимон махлуқ» деяпмиз. Менингча, булар бор нарсалар. Қудратли қўл билан бошқариб туриладиган ҳаракат бу. Ҳаммага ҳам кўринмайди, кўринганларга эса айрим ҳолларнигина ҳисобга олмаганда захмат етказмайди. Ҳеч қандай кўрқувга ҳам, миш-миш ва шовшувга ҳам асос йўқ. Кўплар бу каби ҳо-

дисалар 1989 йилда бошланди, деб ҳисоблашади. Йўқ, ундай эмас.

Ғаройиботлар, ажойиботлар, сирли олам, одамзод яралганидан буён яшайди. Олдинлари матбуотга бундай гап-сўзлар олиб чиқилмасди. Алмойи-алжойи бўлиб туялган бу воқеаларни ким сўзласа, жиннига, дев чалганга чиқаришарди. Ошқоралик меваси сифатида ғаройиб ҳодисалардан ҳам баҳраманд бўла бошладик. Мен ушбу воқеаларга ўхшаш ўз бошимдан кечирганларимни 1970 йиллардаёқ «Фан ва турмуш» журналига ёзиб юборганман. Улар бир энлик жавоб ёзишган. Бироқ, ойномада ёритилмади, шов-шув кўтарилмади. Уша пайтдаги сибсатимиз бунга йўл бермаганлигини энди тушундим.

Ким ишонади, ким ишонмайди, бу ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, аммо, ғаройиботлар учрайди. Айрим таажжубга соладиган воқеалар рўй берса ҳар хил миш-мишларни авж олдирамлик, болаларни кўрқитмаслик даркор. Бироқ, айрим оилаларда худди шу йўл қўлланилмоқда. Олдинлари қоронғуликда ажина бор деб кўрқитилган бўлса, энди бу сўзнинг ўрнини тарелкаликкопча эгаллади. Ва жуда тарқалдики, ҳажвчиларимиз томонидан тўғри ва аччиқ қилиб сатирага олинди. Бироқ, бошимдан кечирган юзлаб ғаройиб ҳодисалар ўзимни ҳамон ҳайратга солади. Қуйида ана шундай саргузашт воқеалардан уч-тўрттасини айтиб бермоқчиман:

Қирда кўринган филсимон махлуқ

Олти ёшларда эдим. Кунлардан бир кун отам билан иккалаимиз тоққа қамиш ўришга бордик. Илк бор ғаройиботга шунда дуч келганман. Отам билан эшак миниб қир томонга борар эканмиз, тепаликнинг устида турган бир махлуққа кўзим тушди: на от, на эшак, на қорамол. Яқинлашиб борганимиз сари унинг туси турли хилга ўзгара бошлади. Қандайдир кўзни қамаштирадиган нур ҳам тараларди ундан. У махлуқ эса худди кавш қайтариб, гоҳ ўтириб, гоҳ ўрнидан турарди. Кўзим қамашса-да, отам ҳеч нарсани сезмас, биз эса у махлуққа роса яқинлашиб қолгандик.

Бир вақт унинг қулоқларига кўзим тушди: шундай катта эдики, супрадек, ҳар бирига росмана бир одам жо бўларди. Отам эса мутлақо бепарво, ўзича қўшиқ хиргойи қилиб кетарди. У махлуқ эса шалпанг қулоқларини ҳар силқитганда камалак сингари нур таралиб, қизиқишимни табора орттирарди.

Гарчи, мен мактабда ўқимасам-да, онам ўргатган қандайдир дуони қайта-қайта такрорлардим. Кейинчалик, раҳматлик онамнинг кўп бор таъкидлашларича, уч ёшда эканлигимда ҳаётимда ғаройиб ҳодиса рўй берган, буни фақат

онам кўрган. Шу боис бўлса керак, онам мени авайлаб-асрар, ёш бўлишимга қарамасдан бало-қазолардан асрайди деб, ўша мен такрор-такрор ўқиган дуони ёдлатган эканлар. Балки, ҳаёт йўлимда ушбу дуо-қалиманинг роли каттадир. Ҳар ҳолда ўша тепаликда кўрганим, энди англашимча, филсимон махлуқдан мутлақо кўрқмаганман. Уша онда отамга бу ҳақда оғиз очмадим. Уч-тўрт кун ўтгандан сўнг, бўлган ғаройиботни онамга айтиб бердим, волидам эса, дуони ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимни таъкидладилар.

Қиз-илон

Унда мактабда ўқирдим. Янги уй қуриб кўчиб ўтганимизга кўп вақт бўлмаганди. Бир кун уйга келсам онам йўқ эканлар. Суриштириб, аммамниқига кетганлигини билдим. Йўлдан аммамнинг

уйи томон бораётганим, қаршимдан бир илон келаётганлигига кўзим тушди. Йўлнинг шундоққина адоғидан сой ўтарди. Қарасам, илон билан орамиздаги масофа икки метрлар чамаси қолган экан. Бирдан тўхтадим. Бу гапларимга одамлар ё ишонар ё ишонмас, тўхтаб разм солиб илонга қарадим-у, ҳайратдан турган жойимда қотиб қолдим. Қай кўз билан кўрайки, эртақлардагидек ажабтовур воқеанинг гувоҳи бўлдим: Илоннинг қошлари бор эди; худди қиз боланики сингари, илоннинг кўзлари бор эди; одамнинг кўзидек, чакноқ, шахло кўз, илоннинг юзлари бор эди; чиройли, нафис, илоннинг сочлари бор эди; тимқора, узун, келинчакнинг сочидек. Кокиллари худди тоза сувга ювилгандек ял-ял товланарди. Тўшлари очик эди, кўкраклари навқирон қизларникидек билинар-билимас силкиниб турарди. Гўё илон илон эмас, эртақларда таърифланган парилардек рухсори чиройли эди. Унинг белидан оқориси бағоят кўхлик қиз бола, қуйи қисми эса, ҳақиқий илон эди. Шунда бизлар бир-биримизга анча вақт тикилишиб турдик. Сўнгра қиз-илон бир сесканди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Бу воқеа содир бўлганлигини ҳам ёлғиз онамга айтгандим.

Парилар базми

Бизлар яшаётган қишлоқни (Барлос қишлоғи ва атрофларини) бир вақтлар Чил тегирмон, Ҳазор боғ деб аташган. Бир вақтнинг ўзида қирқ тегирмон суви оқар, 40 та тегирмон қишин-ёзин ишлар, мингта боғ бўлган экан. Катта кўл бўлиб, кўлда сол ва қайиқлар билан балиқ овлашаркан». (Онам айтган ривоятлардан).

Хуллас, кунлардан бир кун ўтин олиб келиш учун тоққа бордим. Ҳаммаёқ жангал. Истаганча ўтин олиш мумкин.



Кўлимдаги дасткала билан жангал ўрдим, ўтинларни боғлаш мақсадида олиб келган ипчамни қидирсам, у қўйган жойимда йўқ экан. Қанчалик овора бўлиб қидирмайин уни топа олмадим. Бир донга каттароқ жангални судраб уйга келдим. Отам қаттиққўл одам бўлганлиги сабабли кеч бўлиб қолган бўлса-да ипни топиб келиш учун қайта тоққа жўнатди.

Оқшом бўлиб қолганди. Ип йўқолган жойга яқинлашиб борсам ўн чоғли бўй етган ниҳоятда гўзал қизлар кулишиб турганлигини кўрдим. Уларнинг орасида битта эркаги ҳам бор экан, у худди отамга ўхшаркан. Отам тенги—қирқ бешларга кирган ҳалиги эркак одам мени кўрган заҳоти ҳеч нарсдан хабари йўқдек қиблага қаради-ю, номоз ўқишга тутинди. Менинг тилимда эса гўдак-лигимда онам ёдлатган калима-шаҳодат. Қоронғу туша бошлаган бўлса-да бўй қизларнинг чеҳралари ёғдудек оппоқ кўриниб турибди.

Мен уларнинг яқингинасида эдим. Эркак номоз ўқир, қизлар эса базм қилишарди. Улар ниҳоят даражада сулув бўлганликлари учун завқим ошиб, томоша қила-қила яқинлашиб қолибман. Қизлар эса исмиини айтиб чақира бошлади. Уларнинг даврасига қўшилишимга ўн қадамча қолганди, шу пайт... орқамдан — Ҳаким, ҳо Ҳаким, — деган таниш овоз эшитилди. Бу товушдан сесканиб тушдим. Чунки овоз волидаи-муҳтараманики эди. Мен билан измаиз онам ҳам келган эканлар. Онама

қайрилиб қарадим ва тўхтадим. Яна қизларнинг базмини томоша қилмоқчи бўлиб қарасам улардан ном-нишон йўқ. Ип топилмади, ўша кунни ҳам, ундан кейин ҳам. Ҳафсалам пир бўлиб онам билан уйга қайтдик. Кейинчалик онамдан базмини, мени бўй қизлар чақиришганлигини эшитдингизми, кўрдингизми, деб сўрадим. Онам эса ҳайрон бўлиб, йўқ, дедилар.

Мен ипча йўқотган жой номи Оғзи кўкли сойи деб аталади. Уша жойда, яъни қирнинг устида тошни қоқ ёриб бир арча кўкариб чиққан. Бироқ, қандай қилиб? Бунинг ҳам ўз ривояти бор. Бу ер Пўпаклик деб аталади. Қадимда бир қизни ўз акасига никоҳлаб беришмоқчи бўладилар. Иснодга чидай олмаган қиз, худога ёлвориб, тоққа қочади. Таъқиб қилиб келаётганлар етиб келмасдан тош ёрилади-ю, қиз ғойиб бўлади. Аммо, сочи-пўпаги тошдан чиқиб қолади. Арча эса ана ўша номус ва иснод учун ўз жонини қурбон қилган қизнинг попуғидир. Отам қамиш ўрган сой-

ни эса Қаримбобонинг сойи дейдилар. Қарияларнинг таъкидлашича, бу сой — девларнинг қўналга жойи экан. Ҳар-ҳар замон бу ерда девлар қўниб ўтади, дейишади. Буларнинг ҳаммасини ёшим улғайиб, ақлимни таниб билдим.

Балким, бу воқеаларнинг яқка иштирокчиси бўлиб қолаётганлигим учун одамлар ишонмас. Худди шу жойда — Оғзи кўкли сойда содир бўлган, одамлар ҳамон кўркув ва ҳайрат билан тилга оладиган яна бир воқеани айтиб бераман. Бу воқеа мен бўй қизларни кўргандан анча кейин рўй берди. Қишлоқ фуқароси Раббон ака бехос бедарак йўқолди. Қишлоқ аҳли бир неча кун излаб топиша олмади. Кейинчалик бутун Ургут ноҳияси, қолаверса Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам қидиришда иштирок этишди. Хуллас, одамлар қанчалик қидиришмасин Раббон ака топилмади. Кеч куз, совуқ тушиб қолганди. Одамларнинг Раббон акани изламаган ери қолмади. Аммо, ҳайриятки, у шу сойнинг юқори қисми — Қўрғон тоғ деган ердан қип яланғоч ҳолда топилган. У одамларни кўрган заҳоти яна қочган. Тоғ-тошлардан сакраб кетаверган, ариқ ва сойлардан ҳатлаб ўтган, шундай тез қочганки, от билан қувиб ҳам етиб бўлмаган. Баъзи кунлари у қочганда кўз илғамасдан қоларкан. Куз охирида, тоғларга қиров тушган бўлса-да, у яланғоч ҳолда юраверган, совуқдан улиб қолмаган. Ҳатто, уни қидирувчиларни кўп бор қўрқитган, 100-200 килограмм чиқадиган тошларни даст кўтариб одамларга қараб отган. Охири жуда катта қийинчиликлар билан ушлаб олинган.

Раббон ака Михлиев ҳозир ҳам ҳаёт, ақли-хуши жойида, оиласи, фарзандлари бор, яхшигина яшайпти. Таъкидлашича, уни ҳам шу сойдаги бир тўда чиройли бўй қизлар олиб кетиб қолишган. Ушбу кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа-ҳодисаларга ким ишонмаса Барлос қишлоғи аҳолиси — уни қидирувчилар ва ушлаганлар билан, асосийси, Раббон аканинг ўзи билан гаплашиши мумкин.

Ёп-ёруғ шар воқеаси

1986 йилнинг сентябрь ойи эди. Чироқчи ноҳиясининг Лангар қишлоғида қайноғаларим Рашид ва Мажид Маҳмадқуловларнинг бахт тўйи бўлди. Тўйга боргандик, яхши ўтди. Шу оқшом тўй тарқагач, биз катта қайноғам Қулмаҳмат ака билан бир хонада ухладик. Чироқлар ўчирилган, хона қоп-қоронғу эди. Бир пайт қарасам, худди қуёшга ухшаш, кўзи бор, тузилиш жиҳатидан одамнинг бошидек, ёп-ёруғ шар-жонот уйни ичи билан тўла нурафшон қилиб, менинг устимда соя солиб, осилиб турибди. Узимни йўқотмадим, тилимда дуо, у жонзотни чалғитмоқчи бўлдим. Бир пайт ерга тушиб кўрпани ғайри-

табий куч билан кўтарди ва қўнимга кирмоқчи бўлди. Бироқ, мен тезкорлик қилдим, кўрпани тортиб юбордим, яна қайтиб муаллақ ҳолга келиб қолди. У жуда сезгир, чопқир, ўткир кўзли, ҳар хил рангда товланарди. Мен ҳам, у ҳам қандайдир калимани ўқиймиз. Юзини қоп-қора юнг қоплаган, бироқ нур сочиб турибди. Агар куйдирса, мени ҳам, уйни ҳам куйдириб юборади. Биз ярим соатлардан зиёд бир-биримизга тикилишиб турдик. У аτροφони ҳам жуда синчковлик билан кузатади. Бошқа ёққа қараган пайтда мен «Ё, пирим», деб қўяман. Тилимда эса дуо. Кўзимни унинг кўзидан узмаган ҳолда, ўрнимдан туриб ўтириб олдим. Шундан сўнг у кетишга тараддуд кўра бошлади. У энди эшикка йўналиб кетаётганди шу пайт Қулмаҳмат ака ҳам уни кўриб қолди. Кўзи жонзот-шарга тушди-ю, тамом ҳушидан кетиб йиқилди. Қуёшга ўхшаш ёп-ёруғ шар эса эшикдан чиқди-ю, ғойиб бўлди. Тўйга келганлар, уй соҳиблари югуришиб-елишиб чироқни ёқишиб Қулмаҳмат акага сув сепишиб, уни базўр ҳушига келтириб олишди.

БИЗНИНГ ИЗОҲ:

Қулмаҳмат Маҳмадқулов коммунист, ростгўй, ташкилотчи ва тadbirkor одам. Айни пайтда «Туркманистон» давлат хўжалиги коммунистлари сардори. Бўлган ажабтовур воқеа хусусида фикр сўрадик.

— Рост, — дейди у. — Бехос кўзим тушди. Уй ичини шундай ёритганки ёндириб юбормаганига ҳайронман. Худди қуёшнинг ўзи, бироқ оғзи, кўзлари бор, ёп-ёруғ шар экан. Тун эмасми, кўркув кучи билан ҳушсиз йиқилибман.

Буларнинг сирини ўрганмоқ керак

Рўзномаларда эълон қилинган бу ҳақдаги мақоаларга муносабатингиз қандай? — сўрайман Ҳаким Қайсаровдан.

— Ҳаммасига ишондим, — дейди у. — Бўлаётган воқеа-ҳодисалар рост. Езёвонлик ўқувчи Нафиса Давронова, нишонлик ҳисобчи Ҳасан Саидов, Тўлқин Айтматов, Ленин йўлилик йигитча Зоир Назаров, Қарши шаҳридан Зулфия Жумаева ва ҳатто Тоҳир Солиевгача... улар ҳаётида рўй берган ва бераётган ҳодисаларни айтишмоқда. Улар айтган гап-сўзлар ҳам менинг ҳаётимдаги гап-сўзларга ўхшаш. Китоб ноҳиясидаги Бодомзор қишлоғилик Гуласал Холиқованинг уйида содир бўлган «темир сандиқ» воқеаси эса — ўзга сайёраликларнинг биз ерликлар билан бевосита мулоқоти. Бундан ваҳимага тушмаслик лозим. «Темир сандиқ» ёхуд учар ликопча кўрганлар бирдан экстрасенсликни даъво қилмасликлари лозим. Барча ликопча кўрган-

лар ҳам биоток билан доловчи бўлавермайди. Бу воқеа-ҳодисалар бўйича турли хил миш-мишларни авж олдиришга асос йўқ. Яна такрор айтаман, бундай ғаройиботлар барчанинг эмас, айрим кишиларнинггина ҳаётида учрайди. Вақти-вақти билан такрорланиб туради. Мен бошимдан ўтказган бундай воқеа-ҳодисалар юзларча.

Бир кун тунда, милицияда ишлаётган пайтларимда эди, ғойибдан овоз келиб, магазинда ўғирлик бўлаяпти, деди. У ерга зудлик билан етиб борсак ҳақиқатдан ҳам ўғирлар магазини ўмаришайётган экан. Яна бир кун рэкетчилар тўдаси борлиги ҳақида ғойибдан хабар келди: менинг таклифим билан борсак, яна жиноятчилик. Ҳатто қандайдир ғайритаббий куч ўриларни ушлашда, безорилар билан олишувларда ҳам кўмак берарди. Менинг ана шу топағонлигим ишдан мосуво бўлишимга сабаб бўлди. Аниқроғи, ўша пайтдаги раҳбарларнинг қуролланган «шайка»ларидан бири менга келган ғойибдаги хабар билан қўлга олинганди. Айниқса бу муқаддас ишлар соҳасида асқотишини аналардим. Афсуски...

Учар ликопчами, бошқа жисми, ишоини-ишонмаслик ҳар кимнинг имонига, эътиқодига боғлиқ. Ҳа, табиатда ғаройиботлар ниҳоятда кўп. Қайси бирига ишонингиз ва ишонмасликка ҳам ҳайронсан киши. Олам сир-синаотлар макони. Сирлар бисёр, сирлар кўп.

Бир қарашда Ҳаким Қайсаровнинг бошидан ўтказганлари ҳақиқатга яқин, мулоҳазалари тўри. Унинг устига тасдиқлайдиган гувоҳ ва шохидлари бор. Аммо, шундай дейман-у, сир-синаотлар макони Самарқанд шаҳрида рўй берган воқеа шууримдан сира ўчмайди. 1989 йил октябрь ойда вилоят «Ленин йўли» рўзномасида босилган ўша мақола менинг тасаввуримга олам сирларга тўла эканлигини ҳар дақиқа аглайтиб туради. Мақолада таъкидланишича, 1979 йил ёз кунларида, кечқурунроқ, шаҳар марказидаги кўчалардан бирида шаффоф рангли чавандоз пайдо бўлган. Бу воқеа-ҳодисотга минглаб самарқандликлар гувоҳ бўлишган. Чавандоз ҳеч нарсага бепарво, катта йўлдан отини бемалол елдириб келаверган. Одамлар, машиналар йўлнинг четига чиқиб, тўхтаб қолишган. Чавандоз эса, отини охира елдириб бориб, машиналарни босиб ўтиб, аста-секин, беш қаватли уйга — унинг сиртидан чиқиб кетган. Одамлар, энди нима бўлар экан деб, ҳайратдан донг қотиб қолишган. Чавандоз эса дулдул оти билан осмон-фалакка учган-у кўздан ғойиб бўлган. Учар ликопча борми, ёп-ёруғ шарлар ростми?

Юқоридагидек ғаройиб воқеалар учраб туради. Бундай ҳодисотлардан кўрқмаслик керак. Аксинча, табиат ва олам сирларини кўпроқ ўрганишга ҳаракат қилиш керак.

Жалол ЯХШИБОВЕВ,
ССЖИ Журналистлар уюшмаси аъзоси.




Безакчи — 708

одам қиёрасидаги шар



ИНСОН



XX аср адабиётининг пайғамбарларидан бири Франц Кафка (1883—1924) ижоди кенг китобхонларимизга таниш эмас. Унинг бир неча ҳикояси ўзбекчалаштирилган, холос. Лекин адиб ижодининг моҳиятини англаш, унинг дунёси билан ўртоқлашиш киши қалбига олам-олам маъно ва гўзаллик бахш этади.

Тарихда ижодидан кўра ҳаёти соф ва яхлит санъат асарига айланган санъаткорлар кўп. XX аср адабиётининг энг чигал, ёрқин ва каъбир ҳодисаларидан бири Франц Кафка худди шундай мукамал санъат ёмбиларидандир. Кафканинг ҳаёти соғлом турмуш мезонидан қаралса асло ҳаёт ҳам эмас. Унинг яшаш тарзи оддий мезондаги қолигга сикмайди. Бундай умрнинг қиймат ва моҳиятини тушуниб етмоқ учун уни Вақт тегирмони тошлари орасидан ўтказиб олмоқ лозим бўлур эди. Кафканинг замондошлари бу ҳаётнинг бутун тарих ва инсоният маънавияти ҳазинасига жавоҳир ҳисса бўлиб қўшилишини тасаввур ҳам қилмаган бўлишлари мумкин. Шу каби, бизлар ҳам, давримиз кафкаларига одил ҳақам бўла олмаймиз, зеро, санъат — мангулик мулки, бизларнинг ҳисларимиз, тушунчаларимиз, муносабатларимиз, қондаларимиз, эҳтиросларимиз, эътиқодларимизнинг ҳаммаси ўз давримизнинг тор доирасидан чиқиб кета олмайди.

Францнинг Оскар Поллак, Макс Брод, Оскар Баум, Феликс Влеч каби оғайнилари бўлган, бироқ чин дўстлари йўқ — ва бу табиий, зеро, қисмат ўз арзадаларини бошқалар билан баҳам кўра оладиган даражада саховатли ёки мурувватли эмас. Шу боис, ҳаётида Фелица Бауэр, Юлия Вохришек, Милена Есенская, Дора Димант ва Грета Блох каби дугоналари бўлган ҳолда ҳам, Франц сўққабош ўтишга маъқум эди. «Уйланиш, оила куриш... — бу, менимча, инсон забт этиши мумкин бўлган энг юксак чўққи!» эканлигини эътироф этган кимсаннинг илоҳий тамға билан туғилганлигини тушуноқликка теран тийраклик шарт эмас.

Кафка — ўзига хос чегара устун. У макрокосм ва микрокосм жисмлар уйғунлиги ва айни пайтда, мураси сиз зиддиятларининг мувозанатини ўз ижодида синтезлаштирган ижодкордир. Шубҳасиз, ҳаётининг энг интиқ дамларида унинг кўз олдида келажакнинг қонли манзараси аён бўлган — бу ҳодиса маънавий-рухий асабий ҳаётнинг энг юксак чўққисидир.

лар азобларига шерик бўлмоқлик даркорлигини тушуниш қийин эмас. Кафкани либосларинг орасида яланғоч эканлигини эътироф этган Милена Есенская таърифи бўйича аслида, бу кўрқинчли даражада улкан бахтсизлик Кафка қалбига азалдан тиқилиб олгану, у ҳеч бўлмаганда ўша беўхшов махлуқнинг бир бўлагини ўзи тасаввурда яратган бахтиқароларга тақсимлаш орқали «ҳаёт учун курашган».

Кафканинг буюклиги фақатгина ҳаёт даҳшатининг кўрқинчли даражада яхлит ва ажалвор қиёфа касб этиши мумкинлигини кўра билишдагина эмас, балки XX аср бош фожиаси — инсоният тафаккур тараққиётининг кўп асрлик ютуқларини деярли заҳматсиз ўзлаштиргани ҳолда, маънавияти қашшоқлигича қолаверишининг ажалвор зиддиятини чуқур англаб етганлигидадир.

Кафканинг пайғамбарлик башоратларидан энг барқарори — унинг келажакнинг энг мудҳиш, чиркин манзараларини даҳшатли тиникликда тасвирлаганлигидадир дейишда ва биз мазкур тасдиқни инкор этмоқликка жасорат қилолмаймиз. Ваз устига, Кафка дейилмиш олов тафаккур, сезгир қалб, башоратгўй руҳнинг келажакни олдиндан кўрмаганлигига ажабланган бўлур эдик.

Адабиётдаги салмоғи Грегор Замза ёки Йозеф К. дан кам бўлмаган ажабтовур доктор Кин образи муаллифи, ғаройиб Элиас Канетти Кафкани шонлар ичида ҳокимият масалалари бўйича энг улуг эксперт, деб атаган




Биз санъат — мафкура ботқоғидан юқорикор турадиган асл ва юксак санъат — ҳақида нималар биламиз? «Санъатсиз ҳаёт — ваҳшийлик!» шиори остида қурилган «маданийлашувимиз» аҳволини кўрган Маркс не хаёлга боришни ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ростини санъатга ўзбекча муносабат учун Оскар Уайлддан муносиброқ номзод йўқ, — о, Оскар! қачон ўзбек элига фарзанд бўласан?! — «Ҳар қандай санъат мутлақо бефойдадир!» Йўқ, биз жуда нодон эмасмиз, бу даражада одобсиз тантлиқка ноқобилмиз, яна аниқроғи, муғамбирлик билан, гоҳида сўқир ишонч билан ваҳшийликни лаънатлаймиз. Яна янглишдим чоғи, аслида санъат масалалари биз учун долзарб эмас... Тўғри, Кафка насрини ўқиш оғир, гоёт оғир. Бу эрмакка ёки завққа овунчоқ эмас, асло, балки, камолатга элгувчи гоёт сермашаққат, асабтирнар меҳнат. Кафка насрининг ҳар бир зарраси ўзида асабий кучланишнинг энг катта миқдорини тутиб турадики, унинг таъсирига узоқ дош бериб бўлмайди. Ҳа, Кафка, яна кенгроқ олсак XX аср модернизми сўзга сингдирилган кучланиш миқдорининг чегарасига яқинлашгандай. Агар, бадиий асар руҳи — адабиёт бадиийлиги коэффицентини сўзларга қўйилган туйғулар миқдорига тўғри пропорционал дейилса, Кафка насрининг бадиийлиги гоёт юқори. Бундан модернизм, француз «янги роман» адабиётининг энг юксак чўққиси, деган хулосага келиш нотўғри, зеро, адабиёт шундай ғаройиб эҳромки, унинг бир гишти суғурилса, иккинчиси таяндан маҳрум бўлади. Менимча, бир авлод вакиллари олингиларига тош отишлари нонқурликдан бошқа нарса эмас. Ишонаман, Маркес, Бор-

Адибнинг сўнги суратларидан бири

Und wie geht es dir mit Bücher, ich werde

ИЗТИРОБЛАРИГА



Эссе

Кафка ўта бахтсиз ва жуда бахтли инсон эди: у нафақат ўз уйида, балки бу ёруғ оламда бегонадек эди, бироқ унинг бош фожиаси — оилага ётликдир, зеро, ўз уясига бегона чумчуқ бутун осмонга сикмайди, айни пайтда, шахс ҳаётининг фожиаси — санъаткор даҳолигига пойдевордир.

Кафка тўғрисида ҳамма жойдан топса бўладиган юзаки маълумотлар: 1883 йил 3 июлда Прагада таваллуд топди. 1924 йил 3 июнда Вена яқинидаги Кирлинг санаториясида сил касаллиги кўмағида авлодлар манзилга — мангуликка сафар уюштирди. Бир нақирон йигит умринигина яшаган ҳолда, меросга шундай улкан ва чигал жумбоқлар ғарамини қолдирдики, мана ярим аср мобайнида санъатнинг кўп-кўп жонкуярлари ва текинхўрларига бу мерос арзон озуқага айланди. Онаси бағоят ғаройиб табақа — яҳудий миллатининг олим раввинлар оиласидан эди ва балким Франц қалбидagi санъаткор руҳуруғи эҳтимол онаси қонидан ўтгандир. Ҳар ҳолда Л. Н. Гумилев эътироф этганидек, яҳудийликнинг қонунийлиги онасига боғлиқлиги бежиз бўлмаса керак. Отаси уддабуронлик билан кичик фабрикантликкача кўтарилган оддий хунарманд эди — бундан Францнинг оиласига бегоналашув ишларини топиш мумкин, зеро, савдогарлик билан санъаткорлик ҳеч бир оламда сифиша олмайди, муроса — мустасно.

ким, кейинги қадам мамот манзили бўлур эди. Кафка мўъжизавор тийраклик соҳиби — даҳо инсон ва айни чоқда ўз зиддиятлари тошини кўтаришга, воқеликнинг ёввойи тартиблари даҳшатини енгишга ожиз, хаста одам эди. Кафка ўз даврининг, юртининг чин ва куюнчақ фарзанди эди: у жигарбандларнинг оғир қисмати ва мудҳиш истиқболдан қонли оқ чекиб, уларни фожиадан оғоҳ этмоқ, кутқармоқчи бўлди... Кафка ижоди ва ҳаётида Габсбурглар империяси таназули ҳамда шайтоний қудрат қўлига кўғирчоқ қилиб тутқазилган гўдак — XX аср фожиаларининг совуқ шарпасини сезиш мумкин. Ҳа, Кафка — хаста тупроқ, мажруҳ даврининг ноғирон чечоғи эди...

Фикрлари ўта салмоқдор, адабиётдаги яна бир ёрқин юлдуз — Томас Вулфнинг таъкидлашича, ҳар қандай жиддий асар, муаллифнинг таржимаи ҳолидан бўлак нарса эмас эмиш. Кафка ижоди ҳам мазкур қоидага мос. У ўз ижодида бутун давр қонуниятлари ва хусусиятларининг инъикосини ақслангирга олди. «Жараён» романидаги Йозеф К., «Қалъа» романидан К., «Эврилиш» ҳикоясидаги Грегор Замза ва ҳатто, «Хукм»даги Георг Бендеман ҳам асли Кафканинг ўзидир. Вандасининг аччиқ қисмати, ғаддор тирикчилик даҳшати тўғрисида яланғоч ҳақиқатни очик тасвирламоққа журъат этмоқ учун, ҳеч бўлмаганда, тасаввурда ўша шўршеона-

эди. Дарҳақиқат, «Жараён» ва «Қалъа»га қисқача таъриф талаб қилинса, мен уларни совуқ ҳокимиятга нафис қалбнинг оташин лаънатномаси, деб атаган бўлар эдим. Юзсиз, ҳиссиз, дардсиз саодат жаллодлари — ҳокимлар оламига энг катта лаънат тамғасини босган, энг инсонпарвар, энг одил инсон — Франц Кафка эди!

Инсон руҳининг моддийлашган шаклларида бўлмиш адабиётнинг, хусусан Кафка ижодининг аҳамияти ҳақида нималар дейиш мумкин? Аввало, адабиёт ва умуман санъатнинг ўрни бўлақчаллигини эслатиб ўтамиз. Санъатни қалб мулкига айлантирмақ учун ҳар бир кимса шахсан тер тўқмоғи шарт, лекин, бунинг ўзи кифоя эмас. Чунончи, аждодларимиз дунёқарашни, турмуш фалсафаси хусусиятларини белгилаб берган Қуръон, Ғарб маданиятини янги босқичга кўтарган Джон Рескин ёхуд фалсафа шоири Фр. Ницше таълимоти билан танишишга ўзбек фарзандининг фарҳодона тиришуви кифоя қилмайди. Шу боис, Кафка ижодининг аҳамияти хусусида гапирганимизда, бевосита унинг қимматини таърифлашнинг ўзи билан чекланиб қоламиз. Кафка ҳали халқимизнинг мулкига айланганича йўқ... «Тушунмайман, тушуна олмайман, тушунишга ожизман, тушунишни хоҳламайман!» қабилдаги коҳилликнинг, ўзимизни, бинобарин, фарзандларимиз орқали келажакимизни қашшоқлантириувчи бу қадар гумроҳлигимизнинг сабаби нима!

ТАЪЗИМ



қон томирларида XX аср дардлари оқади. Унинг дардманд ёлғизлиги, азоблардан қочиши ва шу вақтнинг ўзида ўша изтиробларга талпиниши — Кафка шахсининг даҳолигидан далолатдир.

Кафка насрининг руҳи — даҳшат, персонажлари — ўз инсонлик сийратларидан жудо бўлиб, шарпа рамзларига айланган бахтиқаролар қисмати дидир. Сиз унинг асарларини ўқиш жараёнида осмонни пўлат каби тешилмас кўрқинчли булутлар мисоли қоплаган ёвуз, жоҳил — қиёфасиз, дардсиз, ҳиссиз, номсиз қодир кучлар ҳокимияти истибоднинг ваҳшатини ҳис қилиб, даҳшатга тушасиз, асаблар таранглашиб, қалб изтироб тўлқинидек тебранади: Е раб! бу кулфатлар қай гуноҳлар учун жазо? Гангиб қоласиз: нега мен бунақа ёқимсиз, кўрқинчли, нурсиз, ҳароратсиз нарсаларни ўқияман? Бу ҳаммаси ёлгон: «ҳаёт ҳеч қачон бу қадар ғариб ва мудҳиш бўлмайди! Тўғри, ҳаётда ташвишлар, ғуссалар — армонлар — омадсизликлар, кулфату гурбат етарли бўлгани ҳолда ҳам, асло байрам бўлмаган ҳаётни Кафка оғуси билан мотамлаштириш шартми? Нима, оламда ўқимли — ёқимли — мароқли асарлар қуриб кетганими? «Нормар» сен чиндан даҳо бўлсанг қора манзаралар тасвири билан рутубат булутини қуюқлаштирмай, нурли — ёрқин манзаралар-ла ўша булут қалқонини ёриб ўтишимга қурол бўлувчи қувонч яратиб бер! Ҳаёт — байрам эмаслиги менга сенсиш ҳам маълум ва санъатга талабим битта: эртақ сўйласа ҳам, алдаса ҳам, байрамона ҳаётдан ривоят айтсин».

Биз қалб теранлиги, руҳ камолини ўйлаймиз. Энг юқори — гўёки, энг ҳаққоний қатлам талаблари билан ашаймиз: энг саёз, лекин ўта жўшқин

Немис рассоми тасавуридаги Ф. Кафка



*Wahnsichten bring' Helle
die prüfen. (Ich ich ab'gung)*

шлягерни ўнлаб бетховену шашмақомга алиштирмаймиз! Йўқ, биз санъат ниқобидаги халқни саёз ва арзон эрмаклар овутирувчи савдогарликка қарши эмасмиз ва умуман, ранг-баранглик учун бу ҳам керак (санъатда миқдор сифатга айланишига ишонмаймиз). Бироқ фожиа — санъатнинг ҳаётда муқим, барқарор, юқори поғонани банд этканилиги. Ягона илинж — умидда: камолатнинг ягона йўли теранликда эканлигини қачонлардир тушуниб етсак керак...

Кафка насри қанчалик оғир, ҳаётдан бездирувчи қаттолликка ўхшама-син, — малҳам одатда бадгаъм бўлади, — маълум муддат ўтгач, агар сиз камолат йўлида бўлсангиз, албатта, тушуниб етасиз: ўша ёқимсиз озуқа қалбингиз, руҳингизни қудратли маънавий қувват билан қуроллантириб қўяди ва сиз Кафка насри тушқунлиқнинг онаси, маънавий хасталик балосидан даволовчи, хосиятли малҳам эканлигини англаб етасиз. Мабодо, юксалиш ҳисси кучли бўлмаса, яна бир карра унга мурожаат қилинг! Мен аминманки, ютқазмайсиз, вақтингиз зое кетмайди — янги руҳий қудрат қуввати билан тобланасиз, бойийсиз, қалбингизнинг янги, теранроқ қатламини кашф етасиз, тафаккурингиз руҳ осмонининг янги поғоналарига кўтарилганлигини ҳис етасиз, улкан ва юксак саодат олами — чин жаннат фуқаролиги сафларидан ўрин олганлигингизни тушуниб етасиз.

Ўз ожизлигини оқлаш учун ташқи олами — ёвуз душманни кўрқинчли даражада қудратли қилиб тасвирлаш Кафка ҳаёти учун фожиа бўлса, худди ўша мажруҳлик ҳисси Кафка даҳо-

сининг тантанасидир. Гарчи менинг қалбимга ожизлик ҳисси бегона бўлса-да, Кафка асарларини ўқиш билан ўша касофати ожизликка шерик бўлиб қолмайман, аксинча, ўша мудҳиш, ажалвор дардга қарши руҳимда иммунитет уйғонганлигини ҳис қиламан — мен бойидим: руҳан — қалбан — ақлан, зеро, сиртдан бўлса-да, ожизликнинг шўр қисмати таъминотиб кўрдим, бинобарин, қудратлироқ ва ботирроқ — баркамолроқ бўлдим, зотан, фақатгина нотаниш ва тушунарсиз, мутлақо бегона нарсаларгина чинакамга кўрқинчли ва хавфлидир.


Чин санъаткорнинг кулфати ва саодати — унинг уч оламга: ўтмишга, ҳозирга ва келажакка бир вақтнинг ўзида баб-баровар тегишли эканлигидадир. Санъаткор — лаънатланган табақа вакили — уч олам чечакларининг шарбатини сўриб, мангулик асалини тайёрламоқ учун, ечимсиз жумбоқлар, жавобсиз саволлар гулханида ёнмоққа маҳкумдир.

Санъатга ҳаётни бахш этиш — онгли ироданинг жасур ихтиёри ёки заиф ночорликнинг ўз бошини биринчи учраган нажоткор туйнукка тиқиши ҳам эмас... бу, таъбир жоиз бўлса, Аллоҳ иродаси, дарди туғмаи бедаводир. Санъаткор ўз ихтиёрига ҳоким эмас... у — нозаминий кучлар қўлидаги мўъжизавор қуролдир. Санъаткор оламнинг эрка арзандаси — у уч олам осмонида парвоз қилади: у табиатнинг ўғай фарзанди — ягона заминда адашиб, ўз сўқмоғини топол-

майди, шу боис санъаткор бир вақтнинг ўзида энг бахтли ва энг бахтиқародир, дейишда мантиққа хилофлик йўқ.

Даҳоликнинг шўр қисматининг асл негизи — жамиятнинг шабқўрлиги, ўртамиёналик ва саёзликнинг, ҳасадгўйликнинг ўзи билангина изоҳланмайди, менимча, бу иждодкор ҳаётининг йўналтирувчи оқимини ташкил қилувчи ҳисларига боғлиқ. Даҳолик — барча даврлар ва барча халқларга — бутун оламга алоқадорлик — тегишлиликни ҳис қилмоқликдир. Шу туфайли, даҳонинг бутун бўй-бағини кўрмоқ ҳаммаша келажак — келгуси авлодлар имтиёзидир. Бир буюк даҳо яратганини тўлалигича ўзлаштириб олмоқликка бир авлод — ўша даҳо авлоди — умри кам бўлганлигидан, даҳолик — келгуси авлодга бебаҳо маънавий меросдир, десак янглишмаймиз.

Даҳолик — табиат қондаларига хилофлик, жамият мезонларига сизмасликдир, зеро, у — истисно ҳодиса. Даҳолик — бир вақтнинг ўзида инсон ҳаётининг турли босқичларини тутиб қолишдир: чин даҳо — бир вақтнинг ўзида ҳамма қариялардан ҳам кексароқ, мўйсафид ва барча ёшлардан ҳам мурғароқ гўдақдир. Даҳолик — таваллуд ва таназзулнинг амалда мумкин бўлмагандай кўринадиган,



ғаройиб бирикмасининг жонли тимсолидир. Даҳолик... илоҳийлик хасталигидир...

Кафка ижоди тугал ва мукамал эмас ва бу унинг даҳолигига далил, зеро, Фолкнер эътироф этганидек, буюклик — мукамалликни орзу қилиш, бўй етмасга қўл чўзиш ва катта мағлубиятга учрашдир. Узининг мўйсафид ҳолида туғилганлигини ҳис қилган ҳолда, гўзалликни кўриш қобилиятини сақлаб қола билган одамнинг қаримаслигига ишонган кимса — Кафка эди. У гўзалликни кўришнинг ўзигина билан чекланиб қолмай, уни яратиб қобилиятга ҳам эга эди.

Тўғри, аввалига ўқувчида Кафка асарларида гўзалликка ўрин йўқдек туюлади, бироқ бу — алдов таассурот, зеро, чин санъат бедаволикни тасвирлашнинг ўзи биланроқ гўзалликка мадҳ айтади, гўзалликка сўқир кўзларни басирлаштироққа хизмат қилади.

Кафка тирик чоғида ҳам бирмунча таниқли адиб бўлган, бошқа кўлаб даҳолар каби қўлёмалари сарсонлигидан озор топмаган, лекин унинг ҳақиқий бўй-бағини, тарихий аҳамиятини кўриш фақатгина кейинги авлодларгагина nasib қилди.



Кафка салкам 41 йил яшади, ижоди мангуликка барҳаёт қолди. Уни сермахсул иждодкорлар сафига тиқиштириб бўлмайди: бор-йўғи учта тугалланмаган роман — «Жараён», «Калья», «Америка», ўнлаб ҳикоялар ва ривоятлар — ростги, боқийлик таъминоти учун етарли, зеро, кўмир тоннада тортилса, марварид доналаб саналади.

Кафка романилари тугалланмаганлигига ажабланмайман, очиги, улар-

ни тугалланган ҳолда тасаввур қилолмайман. Кафка сўзлари — тафаккур парвози шабадаси ёки қалб тўлқинлари ҳароратининг нафаси ҳам эмас, балки асаб таранглиги, қалб изтироби, руҳ зиддиятлари юкидан эзилган инсон юрагидан томчилаб-ситилиб чиқаётган дарднинг сўзлар шаклига киришидирким, шу боис, уларнинг вазни оғир. Ҳа, Кафка насри — оғир сўзлар насридир.

Барчамиз — алдов жаҳонда адашган бандалармиз: ўз сўқмоғимизни қидирамиз; ҳаётимизни мазмун-ла бойитиб, нурлантироқ бўламиз ва пиروвардида, ҳамма-ҳаммаси беҳудалигидан, зулмат олам чангалзорларида тентирай-тентирай ўтиб кетмоқликка маҳкум эканлигимиздан оҳ чекамиз... Аммо ўша қаттол зулмат оламини ёритмоққа ҳаётини бахшида қилган фидойи авлиёлар борки, уларнинг нурафшон ёғдуси камолотнинг пурмашаққат, юксалтирувчи йўлида йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди. Ушаларнинг энг ёрқинларидан бири — Франц Кафкадир. У ўз ҳаётини инсоният камолоти — саодати йўлида фидо қилди. Йўқ, у бундай мақсадни ўйламаган бўлиши мумкин, холбуки, фидойилик иқроп, эътироф, баёнот ёки ваъдалар билан белгиланмайди.

Кафка — зулмат ҳаётга олов машъала бўлиб туғилди: чигал чангалзорлар ичра нурли сўқмоқ очиб кетди. Биз эса тантилаларча унга миннатдорлик изҳор қилайлик, қалбимизда унга муҳаббат — эҳтиромдан қаср қурайлик; унинг ҳаёти, ижодини ўрганайлик. Зеро, Кафкага муҳаббат инсон изтиробларига таъзимдир.

Кафканинг кундаликларидан

- Менинг турган-битганим адабиётдир.
- Ғариб ёзувчилар маҳаллий намуналарга тақлид эвазига кун кўрадилар.
- Ўзимни тарк этишга ҳаққим йўқ, чунки мен шундайига ҳам мутлақ ёлғизман.
- Ўз фарзандларидан марҳамат кутувчи ота-оналар худди фойдани кўзлаб таваккалга пул бераётган судхўрга ўхшайдилар.
- Эртанги кун олдида мен ниҳоятда қаттиқ даҳшатга тушаман.
- Агар мен ҳикояларни тунда қоғога тушириб қолмасам улар рўёдек гойиб бўладилар.
- Кўлмакда машқлар ўтказиш билан кишини денгизларнинг оғир ҳаётига тайёрлаб бўлмайди, бироқ кўлмакдаги керагидан ортиқ машқлар оқибатида кишини денгизчи бўлиш имкониятидан маҳрум этиш мумкин.
- Албатта, кўркүв — бахтсизлик, лекин жасурлик — бахт дегани эмас, зотан бахт — бу кўркүв қаршисида довдираб қолмасликдир.



Ғайбулла БАРИМОВ саҳифалаган.



Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори Розия опа Мукминова ўзларининг қарийб ярим асрлик илмий фаолиятларини асосан теурийлар ва шайбонийлар даври тарихини ўрганишга бағишладилар. И. Мўминов, Я. Гуломов сингари таниқли ўзбек олимларининг, ленинградлик тарихчи олим И. П. Петрушевскийнинг шоғирди бўлмиш Розия Галиевна эндиликда ўйлаб ўзбек тарихчиларига устоздирлар. Опанинг 80 дан ортиқ илмий асар, рисола, мақола ва маърузалари эълон қилинган. 1989 йили Канаданинг Торонто шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманда ҳам Р. Мукминова теурийлар давридаги кўчманчилар, қора қуюнли ва оқ қуюнлилар — туркман сулолалари мавзуида маъруза билан қатнашдилар. Қуйидаги мақолада юртимиз ва халқимиз ўтмишининг энг долғали давларидан бўлмиш теурийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар тақдири, қисматидан ҳикоя қилинади.

Қанчалик қудратли ва бепоён саналмасин, улуг Соҳибқирон Амир Теуур Баҳодирхоннинг ҳарбий истеъдоди ва ҳукмдорлик иқтидори ила умумжаҳон сиёсатининг маркази сифатида йилдан-йилга кучайиб бораётган буюк салтанат ягона иқтисодий хом ашё манбалари ҳамда мукамал ишлаб чиқариш услубига эга эмас эди. Мудҳиш ўлим нафақат Соҳибқиронни, балки, шахзодалар ўртасидаги иноқликни ҳам орадан кўтарди, салтанат тўхтовсиз парчалана бошлади. Соҳибқироннинг хоҳиш-истағига кўра тахт вориси этиб тайинланган суюкли неvara Пирмуҳаммаднинг саъй-ҳаракатлари айрим-айрим вилоятларга ҳокимлик қилаётган саркарда фарзанд ва невараларнинг Самарқанднинг марказий ҳокимиятидан мустақил бўлиб олишга қаратилган интилишларига монъелик қилолмади ҳам. У 1406 йилда фитначилар гуруҳи томонидан қатл этилди. Юзага келган қалтис вазият Соҳибқирон бошчилигида забт этилган ёҳуд ихтиёрий тобеликни бўйнига олган ҳукмрон шажаралар учун ҳам қайтадан ҳокимият йўлини очиб берарди. Давомли курашлардан сўнг яхлит Озарбайжон, Арманистон ва Араб Ироқида туркманларнинг Қора Қуюнли (1410 — 1468) сулоласига мансуб ҳукмдорларнинг ҳокимияти тикланди. Бу сулола тинимсиз Амир Теуурнинг ўзига, кейинчалик унинг ўғли Мирон шоҳга қарши кураш олиб борди. Фақат Шоҳруҳ Мирзогина 1435 йилда бу давлатнинг Хуросон ҳокимиятига вассал бўлишга эришди.

Моворауннаҳр эса шафқатсиз тахт талашувлари майдониға айланди. Самарқанд ҳокимияти бир мунча вақт юксак саркардалик лаёқатиға эга ноиктаъб шоир Халил Султон ихтиёриға (1405—1409) ўтди. Халил Соҳибқиронга неvara, Амирон шоҳға ўғил бўлиб олий ҳокимиятни ўз қўлиға олишға интиларди. Амалда эса шахзода ҳукми остида Моворауннаҳрнинг айрим вилоятларигина сақланиб қолганди. Туркистон ва Саврон Амир Бердибек қўлида, Тошкент, Хўжанд ва Фарғона амир Худойдод ихтиёрида бўлса, Хоразмда ҳокимиятни 1405 йил охирларидан 1406 йилнинг ўрталаригача Олтин Ўрда хони Идеку ўзбек бошқариб турди. Хуросон ва унга туташ вилоятларда 1405-1447 йиллар мобайнида давлат ишларига бошчилик қилган Шоҳруҳ Мирзо зиммасига гоҳ бу ерда, гоҳида бошқа вилоятда бош кўтариб турган, мустақиллик талабгори бўлиб чиқаётган маҳаллий ҳукмдорларнинг галаёнларини бостириб туриш ҳам тушганди.

1409 йил май ойида Шоҳруҳ Мирзо Самарқандни эгаллашға муваффақ бўлди. Амир Худойдод томонидан асирға туширилган Халил Султоннинг тақдири эндиликда қўли баланд амакисининг ихтиёрида қолганди-ю кейинчалик у саройдаги фитнанинг қурбони бўлди.

Шоҳруҳ Мирзо Моворауннаҳр ва Туркистоннинг бошқарув ҳокимиятини ўн беш яшар ўғли Улуғбек Мирзога (1409—1449) топширгач, Шоҳ Малик отли сипоҳсолор ҳокимиятни бошқаришда Улуғбекка васийлик қила бошлади. 1411 йил 17 ёшга тўлган Муҳаммад Тарағай — Улуғбекнинг хоҳиш-истағига биноан ушбу ҳокимиятга ўч васий Ҳиротга чақириб олинди. Бир қанча муддат ўтгач эса Хоразм унга суюроғол этилди. Шоҳ Малик «Шайбонийнома» маснавийсини яратган шоир Муҳаммад Солиҳнинг бобосидир. Унинг ота-боболари теурийларга астойдил хизмат қилган бўлсалар, неvara ўз навбатида кундан-кун нураб бораётган мамлакат вайронларида тиг билан тикланаётган шайбонийлар сулоласи ҳокимиятиға умид кўзини тикди, маълум маънода адашмади ҳам.

Ҳазрат Алишер Навоий «Садди Искандарий» да

*Теуурхон наслидин Султон Улуғбек
Ки жаҳон кўрмади султон анингдек,*

— дея шарафлаган ҳукмрон ва аллома Улуғбек бобоси сингари хонларға куёв бўлгани учун Кўрагон лақабига ҳам эга эди. Самарқандда, Улуғбек ҳокимияти даргоҳида Чингаойи хонларнинг сўзи кескир бўлмаса-да, турли ёрликлар уларнинг номидан ёзиларди. Хутбаға олий ҳукмрон Шоҳруҳ Мирзо номи кўшиб ўқилар, тангалар ҳам асосан унинг номида зарб этиларди. Мирзо Улуғбек ўта муҳим давлат ишларини отасининг изми-инояти билан амалға оширар эди. Дашти Қипчоқ қабилалари устиға юришда унинг лашкари мағлубиятға учрагач (1427 йили) Шоҳруҳ Мирзо ўғли Улуғбекни Моворауннаҳрни бошқаришдан вақтинча четлаштирди. Шундай бўлса-да, Улуғбек Ҳирот ҳокимиятидан мустақил равишда сиёсат юргизаверди. Тазкиранавис Давлатшоҳ Самарқандий шуни ҳисобға олиб «Улуғбек Мирзо Самарқанд ва Моворауннаҳрни 40 йил мустақил бошқарган амирзодадир», — деб ёзганди.

Улуғбек Моворауннаҳрнинг иқтисодий вайрона-

лик ва сиёсий бошбошдоқликка ботган мулкларини бирлаштиришға кўп уринди. У Фарғона мулкни бошқараётган амакиваччаси Мирон Аҳмад, яъни Теуурнинг невараси, Умаршайхнинг ўғлини Фарғонадан қувиб чиқаришға муваффақ бўлгач, Қошғар мулки қалъасида мустаҳкамланиб олган қайсар амирзодани Шоҳруҳ Мирзо воситачилигида Ҳиротға чорлашға эришди. Охир-оқибат Фарғона (1414) ва Қошғар (1416) мулкларини ҳам унинг қарамоғиға ўтди.

Улуғбек Мирзо қўл остидаги мулкларға кўчманчи қабилалар йўлбошчиларининг босқин уюштиришларининг олдини олиш учун элчиликнинг энг мақбул усулларидан фойдаланишға уринди. Бироқ бу тадбирлар ҳам беҳуда кетди. Нафақат аламзадалар, балки Улуғбек ёрдамида ҳокимиятға чиққан хонлар ҳам унинг сиёсий мухолифларига айланиб, аксар ҳолларда Улуғбек ва Шоҳруҳга қарши иттифоқ тузиб кураш олиб борар эдилар. Мўғулистон ҳукмдорлари Улуғбек ҳокимиятиға қарши курашда анчадан бери Шоҳруҳ ҳокимиятини тан олғиси келмай юрган Бадахшон шоҳлари билан қўшилиб қаршилик кўрсата бошладилар.

1425 йил февраль ойида Улуғбек Тошкент шаҳрида йиғилган бирлашма кўшиниға лашкарбошчилик қилиб черикни Мўғулистон сари ўзи мустақил бошқарди. Юриш галаба билан тугалланди. Илон-ўтти (Моргузар) дарасининг метиндек тошларига битилган араб имлосидаги қадимий ёзувлар айни юриш ва музаффарият ҳақидаги ёдномани бизгача етказдилар. Юришдан қайтаётган Улуғбек аскарларға бобоси бир сафар пойтахтға олиб келишға жазм этган яшим (нефрит) тошни махсус жиҳозланган аравада Самарқандға элтишни буюради ва нодир хазина Гўри Амирнинг тенгсиз безакларидан бириға айланади.

Бироқ Улуғбек ижтимоий мулкларға бақамти яшаётган кўчманчилар билан чинакамиға иноқ кўшничилик алоқаларини тинч йўл билан ўрнатишнинг урдасидан чиқолмади. Оқ ўрда ҳукмдори Урусхоннинг невараларидан бири Бароқхон ота-боболарининг тахтиға муносиб ворис сифатида Сирдарё бўйларидаги қатор шаҳарларға кўз олайтира бошлади. Дашти Қипчоқ ўзбеклари узоқ йиллардан бери ўз давлоларини бу мулклар Теуур босқиниға довуур уларнинг аждодлари—Жучижон авлодларига мансуб эканлиги билан асослаб келардилар.

Улуғбек отаси билан олдиндан келишиб олғач укаси Муҳаммад Жўқи Мирзо (1445 йил вафот этган) кўмагида шимолға юриш бошлади. Бироқ Сигноқ яқинида унинг лашкари батамом тор-мор этилди. Кўчманчилар томонидан теуурларнинг мағлуб кўшинини қувиб кетаётган голиб лашкар Моворауннаҳрнинг бир чеккасидан балиқдай шўғиб обод шаҳар ва туманларни талагач наҳангдай бўлиб ортға қайтди.

Сигноқ яқинидаги мағлубиятдан сўнг Самарқанд дарвозаларини ёпиб қўйишға бўлган саъий ҳаракатлардан сўнг ва ниҳоят Шоҳруҳ томонидан унинг вақтинча ҳокимиятдан четлаштирилиши Улуғбек Мирзонинг келгусидаги сиёсий фаолиятида нохуш излар қолдирди. Кўчманчи ўзбек султонлари ҳамда Мўғулистон амирларининг ўз тасаруфидаги ҳудудларға бостириб киришларига ҳам қарамай, у эндиликда шахсан ўзи бирор бир ҳарбий юришға етакчилик қилмади. Сўнгги йилларда Андижон ва Конибодом вилоятларини бир неча бор талаб қайтган мўғул амирлари жазосиз қолавердилар.

Улуғбек ҳукмронлик қилган йиллар иқтисод жабҳасида бир мунча муътадилликка эришилди. Муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг шаҳодат беришича, Шоҳруҳ Улуғбекка Моворауннаҳрда адолатли бошқарувни йўлга қўйиш учун деҳқонларни зўравонлик ва ноҳақликлардан муҳофаза қилиш ҳамда лашкарни доимий жанговор тайёргарликда тутиб туриш учун аскарларға нафақа тўлаш кераклигини уқтирган ва маслаҳат берган экан. Бироқ қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг фаолияти сермаҳсул бўлиши, сўғориш иншоотларидан унумли фойдаланиш, бошқарилувчиларнинг бошқарувчилар томонидан моддий таланмаслиги, давлат чегараларини душман ҳужумларидан мунтазам қўриқлаш учун марказлашган кучли ҳокимият зарур эди. Амирларнинг мунтазам такрорлаб турувчи мустақилликка эришишға ури-



нишлари Улугбек ҳокимиятини ҳолдан тойдирар, у ташқи ҳамда ички душманларга етарлича қаршилик кўрсата олмас, шунинг учун ҳам хўжаликни юритиш жабҳасидаги тадбирлар тезда ўнганмади.

Улугбек даврида ер солиғи анча қисқартирилди. «Давлатпарварлик ва фикҳ ишларида мирзонинг ҳукми таҳсинга сазовор йўл-йўриқларга таянар эди» — дея алоҳида таъкидлайди Давлатшоҳ Самарқандий.

Шаҳарга бош сукувчи карвон йўлларининг олти тарафдан кесилган еридан Регистон майдонининг барпо этилиши ва безатилишига султон Улугбекнинг ўзи бош-қош бўлди. Соҳибқирон лашкар бошқарган йилларда Осиё, Оврупо ва Занжибардан келтирилган юзлаб уста ва мардикорлар маҳаллий ҳунармандлар ва кошпазлар Самарқанд, Ғиждувон, Бухоро шаҳарларида янги мадрасалар қуришда давом этавердилар. Улуг мунажжим Қозизода Румий мақбараси тикланди, карвонсарой ва ҳаммом, кўприклар қурилиши мунтазам давом эттирилди. Султон фармонига биноан Соҳибқирон барпо этган боғлар сафига яна бир сайлгоҳ қўшилди. «Вобурнома» да «Унда бир шийпон воқе эрди» деб келтирилгандек ушбу кўшкнинг деворлари чиннидан ишлангани учун Чиннихона деб юритилар эди.

1427 йилдан бошлаб Улугбек илму-ирфон денгизига шўнгиди. Самарқанд ислом Шарқи илмий тафаккурининг марказига айланди. «Зижи жадиди Кўрагоний» га тартиб берилди. Султон раҳбарлигида қурилган устурлобия (обсерватория) ўз даврининг ҳамда сўнги асрларнинг пешқадам олимлари сифатида тафаккур салоҳиятини сақлаб қолган мавлоно Қозизода Румий, Ғисиддин Жамшид, Муйлиниддин Қошоний, Аловиддин Али Қўшчи каби зукко олимлар илмий изланишлар олиб бордилар; Лутфий, Саққокий, Хаёлий каби туркийғўй булбулларнинг ашъори илк марта айни даргоҳда жаранглади. Шеърят билан мусиқа Улугбекнинг жони-дили эди.

Босиқ ва донишманд давлат раҳбари Шоҳрух Мирзо кўрсатмаси билан заҳматқаш муаррих Шарафиддин Али Язидий 1435 йилда буюк соҳибқирон Амур Темур Тарағай ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини тўла ёритиб берувчи тенгсиз расмий сулолавий тарих «Зафарнома» ни ёзиб тугатгач, Шоҳрух билан Улугбек тарихини ёзишга киришган эди.

Шоҳрух вафотидан (1447) сўнг темурийлар даврасида тожи тахт учун кураш қайта авж олди. Бу сафар галаба қонуний ворис Улугбек томонидан бўлди. Бироқ у ҳам Ҳиротда ўз ҳокимиятини мустақамлаш олмагач, Самарқандга қайтди. Ҳиротдан махсус аравада келтирилган Шоҳрух жасади Ғури Амирга дафи этилди.

Тахт учун кураш жабҳасида Улугбек ва унинг ўғли Мирзо Абдулатиф ўртасидаги муносабатлар кескинлаша борди. 1449 йилнинг кузида Самарқанд бўсағасидаги Димишқ қишлоғида ота билан ўғил лашкарлари тўқнашди. Жанг Улугбек кўшинларининг мағлубияти билан адоғига етказиб Абдулатиф хохиш-истағига мувофиқ Улугбек ҳажга жўнаши кераклиги маълум қилинди. Лекин сафарга отланганлар пойтахтдан узоқлашишга улгурмаёқ 1447 йилнинг 27 октябрыда Улугбек Абдулатифнинг шариат пешволари измига кириб чиқарган фармонига биноан қатл этилди. Тарихнинг бағри кенг саҳифаларидан падарқуш ҳукмон номи билан ўрин олган жасоратли, лекин шошқалоқ Абдулатиф Мирзо бор йўғи олти ярим ой юртга бошчилик қилди, холос.

Ниҳоят тахт учун кураш майдонига форс мулкнинг ҳукмдори Иброҳим Султон (Шоҳрухнинг ўғли)нинг тўнғич фарзанди, Улугбекнинг куёви Амир Абдулло билан Абусаид Мирзо тушадилар. 1451 йилда кўчманчи ўзбеклар султони Абулхайроннинг лашкари кўмағида Абусаид Мирзо Самарқандда икки йилча ҳукмронлик қилган Амир Абдуллонинг лашкарини тор-мор этади. Абусаид Мирзо тахт учун курашда асосан кўчманчи ўзбеклар акобирларидан мадад олди. Тахт даъвогарлари орасида Хуросоннинг бўлажак ҳукмдори Султон Хусайн бин Мансур ибн Бойқаро (1470—1506) зиммасига асосий зарба ва машаққатлар тушди.

Абусаид Мирзо ўз ҳокимиятини мустақамлашда аксари ҳолларда руҳонийларга таянар эди.

Давлат ишларида кейинчалик ўз мавқени Нақшбандлик тариқатининг пири Хўжа Убайдулло Аҳрорга топшириб қўйган, Самарқанд шайхуломининг обрўси баланд эди. Йилдан-йилга Хўжа Аҳрорнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва мавқеи кучая борди. У 1457 йилда Самарқанд мудофаасини ташкил этишда иштирок этди ва ниҳоят 1471 йилда бир-бирига муҳолиф темурийзодалар Султон Аҳмад, Умар шайх ва Маҳмудхонлар ўртасида сулҳ битимининг имзоланиши ташаббускори бўлди.

Абусаид Мирзо асосан Хуросонда ўз ҳокимиятини мустақамлади. У бу мулкни иккинчи марта ба эгаллагач ўз давлати ва пойтахтини 1459 йилда Ҳиротга кўчирди. Моворауннахр ҳокимиятини эса Абусаиднинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад (1494 йилда вафот этган) Мирзога топширди.

Қудратли Қора Қуюнли сулоласи султонларидан Жаҳоншоҳ (1436—1467 йиллар) билан тузилган шартномага кўра икки давлат ўртасидаги чегара сифатида Эроннинг Дашти кабир саҳроси белгиланди. Шундай қилиб, темурийлар давлатига Моворауннахр ва Хуросон ўзларига туташ вилоятлар билан тўлиғича қўшилди. Абусаид мирзо ҳарчанд уринмасин бобосининг марказлашган давлатини тиклай олмади.

Қора Қуюнли сулоласи ўрнига сиёсат майдонига чиққан Оқ Қуюнли сулоласининг кучаювидан хавфсизраган Абусаид Мирзо 1469 йили Озарбайжонга юриш қилди. Муҳораба Хуросон қўшинининг енгилиши, султоннинг асир тушиши ва қатл этилиши билан машъум ниҳоясига етди. Шундан сўнг аҳволи оғирлашган бир неча темурийлар оқ қўйинлилар давлатидан паноҳ топа бошладилар.

Абусаид Мирзо ҳалокатидан сўнг темурийлар давлати Хуросон ва Моворауннахр давлатларига ажралиб кетди. Пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон давлати султон Хусайн бини Мансур бини Бойқаро бини Умаршайх бини Амир Темурга насиб этди. Қисқа-қисқа муддатли узилишларни мустасно қилганда у мамлакатни қарийб қирқ йил давомида бошқарди.

Султон Аҳмад Мирзо номигагина Моворауннахр ҳукмдори саналар эди. У бир мунча вақт Тошкент, Туркистон, Хўжаид ва Уратепани ўз ҳукмига киритишга муваффақ бўлган, бироқ у 25 йил давомида давлатга олий раҳбар саналиб келган бўлса-да, унинг эрки бекларнинг измида қолаверди. Султон Аҳмад даврида Самарқанд кун сайин, ой сайин пойтахтлик мавқени йўқота бошлади. Бухоро шаҳрида Султон Абусаиднинг набираси Султон Али Мирзо (1501 йилда ўлдирилган) ҳукмрон эди. Фарғона водийсини Абдусаид Мирзонинг тўртинчи ўғли Умар Шайх Мирзо бошқарар эди. Тошкент ва унга туташ юртлар Мўғулистон хонларининг қарамоғида қолаверди. Ушбу вилоятларнинг барча ҳукмдорлари бир-бирига қарши муваққат устунлик билан уриш олиб борар, айрим бузғунчи феодал гуруҳларнинг ҳокимиятга интилишларига чек қўйилар, ҳар бир амир эса ўз қариндошининг мулкига кўз олайтирарди.

Маҳмуд султон (1495 йилда вафот этган) ҳам Абусаиднинг ўғли бўлиб отаси тириклигидаёқ унга Ҳисор, Термиз, Чоғаниён, Ҳатлон, Қундуз ва Бадахшон вилоятлари иккита этилган бўлса ҳам амалда ҳар бир вилоят ҳукмдори ўз ҳолича сиёсат юритар эди. Султон Аҳмад вафот этгач, Маҳмуд Султон Самарқандга кўчиб келди ва бор-йўғи ярим йил подшолик қилишга улгурди. Муаррихлар унинг солиқ йиғиш тартибига ўзгартишлар киритиш ва қўшинни мустақамлашга уринишлари ҳақида маълумотлар қолдирганлар. Мирзонинг ҳисоб илмида комил тафаккурли шахс бўлганлиги унинг даврида илми ҳисоб риёзатнинг тараққиёти сусаймаганлигидан ҳам кўринади.

Бир йил ичида Султон Аҳмад Мирзо Маҳмудхон ва Умаршайх Мирзоларнинг вафот этиши (1494 йил) ҳукмронликка интилаётганларнинг мансабга иштиёқмандлигини янада авж олди. Давлатманд амирлар ёш темурийлардан энг заифини тахтга миндиришдан жуда-жуда манфаатдор эдилар. Фарғона вилояти амирлари бир неча бор мустақил фикрловчи ёш Бобурга қарши кўзгюлон кўтариб, унинг укаси — ожизгина Жаҳонгир Мирзони тахтга ўлтиргизишга уриндилар.

Самарқанд тахтига Бойсункур Мирзонинг ўлтириши (1449 йил) бошқа вилоят ҳукмдорларининг ғимирлаб қолишига сабаб бўлди. Самарқандни бо-



сиб олиш учун Бухородан Султон Али Мирзо йўлга отланди. Бу гал самарқандликлар мардонаворлик билан қаршилик кўрсатишди. Ўз навбатида 1497 йилнинг баҳоринда Бойсункур Мирзо Бухоро ҳукмронларига қарши зарба берди. Бундан хабар топган Султон Али Мирзо ўзи қўшинга бошчилик қилиб қарши юришни бошқарди. Бу орада барқарорлашмаган қалтис вазиятдан фойдаланган Андижон беклари Самарқанд теварағидаги қурама тоғлар ва дала-даштларни эгаллай бошладилар, албатта қўшинга ҳали суяғи қотмаган Бобур Мирзо етакчилик қилар эди. Ҳокимият учун курашган Хўжа Аҳрорнинг ўғиллари Хўжа Абдулло ва Хўжа Яхё ҳам четда қолмадилар, бироқ Андижон бекларидан фарқли ўлароқ бу икки биродар бир-бирига душман гуруҳларга раҳнамолик қилар эдилар.

XV аср охирларида давлат ишларига тарҳоний бекларнинг таъсири кучайиб кетди. Улар темурийларга ўз таъсирини ўтказиш, ҳокимият ва бойлик учун қадимий бақувват киборлар билан яккама-якка олишдилар. 1496 йилга келиб тарҳоний беклар мағлубиятга учраган бўлсаларда, юртда шайбонийлар ҳокимияти ўрнатилгунга қадар улар давлат ишларига ҳал қилувчи мавқеларини сақлаб қолдилар. Тахт учун кураш туфайли хўжаликнинг издан чиқиши ва давлат пойдеворига пугур этиши ушбу воқеалардан хабардор тарихчилар томонидан ҳолисона қайд этилган. Салтанатталаб мирзолар мамлакат ичида низо уругини тинимсиз соча бердилар, дея қайд этади Муҳаммад Солих. Қашшоқлик ва югунолик, аҳолининг етарлича таъминланмаган қатламнинг ҳалокати ўша давр тарихчилари томонидан заррин либосли, олтин ва қумуш табоқларда лаззатли таомлар еяётган амалдорларнинг фаровон турмушига зид қўйилган.

Ички тўқнашувлар мамлакатнинг шимолида ҳам, жанубда ҳам бирдай муттасил давом этаверди. Амирлар Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғли Султон Маъсуд Мирзога ҳам қарши бош кўтардилар. Буларнинг орасида Қундуз вилоятининг ҳукмдори Хисравшоҳнинг куч-қудрати ҳийла сезиларли эди.

Нисбатан марказлашган ҳокимият Хуросонда барқарор эди. Бироқ Султон Хусайн Бойқаро ҳам узоқ йиллар мустақиллик умидида бир-бири билан курашаётган ўғилларини яраштириш билан машғул бўлди. 1497 йилда ўтказилган мулкни қайта тақсимлашдан сўнг тўнғич фарзанди Бадиуззамон Ҳирот ҳокимиятига қарши бош кўтарди. Султон Хусайн Мирзо инжиқтабиат ўғлининг фойдасига Балх ҳамда Амударё билан Мурғоб оралиғидаги мулкдан воз кечишга мажбур бўлди. Бадиуззамон Мирзонинг исми унга тобе Қундуз, Боғлон, Термиз, Ҳисор, Кабадиён, Ҳатлон ва Бадахшонда хутбага қўшиб ўқиладиган ҳамда вилоятий тангаларда зарб этиладиган бўлди. 1498 йилда Султон Хусайн Мирзога қарши қолган бошқа ўғиллари ҳам исён кўтардилар. Мабодо, Султоннинг ўн тўрт ўғли бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак давлатни бошқариш подшоҳ учун нақадар машаққатли кечганини ҳис этиш қийин эмас. Бойқаро билан унинг ўғиллари, айниқса, Бадиуззамон билан отаси ўртасида битм тузилиши йўлида ҳазрат Алишер Навоий ҳам иштирок этган эдилар.

Алқисса, XV аср мобайнида ва XVI аср бошларида марказий ҳокимиятнинг кучсизланиши ва Соҳибқирон Амур Темур асос солган қудратли йирик давлатнинг майда-майда бўлақларга ажралиб кетиш жараёни давом этди ва чуқурлаша борди. Айрим темурийларнинг марказий ҳокимиятни сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари эса муваффақиятсизлик билан тугади. Охир-оқибатда ўзаро қон-қариндошлик низолари йилдан-йилга кучая бориб, мамлакатнинг қарийб ярми кўчманчи ўзбек султонлари шайбонийлар томонидан забт этилиши билан аёвсиз интиҳо топди.



БУЮК СИЙМОЛАР

Назм бешасининг газанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари — Яминиддин Абулҳасан Хусрав Деҳлавийга ҳазрат Алишер Навоий шундай таъриф берган эди. Дарҳақиқат Хусрав Деҳлавий нафақат дилбар шоир, балки тилчи, адабиётчи, тарихчи олим ҳамда муסיқий асарлар муаллифи сифатида Ҳинд, Эрон, Урта Осиё халқлари маданиятига улкан ганжина қўшган даҳодир.

Амир Хусравнинг отаси Шахрисабз (Кеш)дан Ҳиндистонга кўчиб борган ўзбеклардан, онаси эса ҳинд қизи эди. У сарой ҳаётига яқин муҳитда камол топиб, яхши билим олиш имконига эга бўлди. Отаси мўғулларга қарши урушда ҳалок бўлгач, 8 ёшли Хусрав тарбиясига бобоси Имодул-мулк катта эътибор берди.

Хусрав асосан Деҳлида таҳсил олди. Дастлабки машқларига «Султоний» тахаллусини қўллаган бўлса-да, кейинчалик «Деҳлавий» нисбасини ўзига муносиб кўрди. Хусрав Деҳлавийнинг ўз кафолатига кўра унинг шеърлари 400000 байтдан зиёд. Жомий Хусравни 99 китоб муаллифи деб ҳисоблайди.

Шоирнинг лирик шеърлари «Тухфатус сиғар» («Ёшлик туҳфаси»), «Васатул Ҳаёт» («Ҳаёт ўртаси»), «Фурратул камол» («Камолотнинг бошланиши»), «Ниҳоятул камол» («Камолот чўққиси») номли беш девонга жамланган. Мутахассислар форс-тожик шеъриятида ғазалнинг мустақил жанрга айланишида унинг катта рол ўйнаганлигини таъкидлайдилар.


Буюк сўз санъаткори Амир Хусрав талай тарихий лирик ва ахлоқий мавзудаги асарлар муаллифи ҳамдир. «Киронус саъдайн» («Икки саодатли сайёранинг қўшилиши»), «Мифтоҳул футух» («Ғалабалар калити»), «Дуволроний ва Хизрхон», «Нўҳ спехр» («Тўққиз қаватли осмон») кабилар шулар жумласидандир. Деҳлавийни оламга машҳур қилган яна бир ҳазина унинг Низомий Ганжавийга издошлик қилиб яратган Хамсасидир. Бу Хамса «Матлаъул анвор» («Еритгичларнинг чиқиши»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Оинаи Искандарий», «Ҳашт Беҳишт» («Саккиз жаннат») дostonларини ўз ичига олади.

Халқ дилига, тилига яқин бўлганлиги, унинг орзу ва армонларини ўзида мужассам этганлиги учун ҳам Хусрав Деҳлавий шеърияти эл-улус орасида эътибор қозонди. Буюк санъаткор шоир:

*Шеърдаги энг яхши жойи
исмингдир,
Сийҳнинг нақшида қолур кўп замон.
Хусрав жасадининг ўлими яқин
Вале Хусрав номи ўчмас ҳеч қачон.*

خسرو دهلوی

۱۲۵۳ - ۱۳۲۵



деганида шеърлари халқ қалбида узоқ сақланиб қолишини башорат қила билган эди.

*Фурурланма Хусрав шеърларингдан,
Орқадан турлича сўзловчилар бор.
Ўз каломинг айбин кўрмоқчи бўлсанг,
Рақиблар кўзи-ла қарамоқ даркор.
Ҳар ким ўз сўзини яхши деб билгай,
Ортиқ мақтов қилар доим дўсту ёр.*

Хусрав

Деҳлавий

(1253—1325)

عبدالرحمن جامی

۱۴۱۴ - ۱۴۹۲



Абдурахмон

Жомий

(1414—1492)

Дунёда ўзбек ва тожик каби тили ўзаро фарқ этса-да, тарихи, маданияти, ҳаёт тарзи бир-бирига уйғунлашиб кетган бошқа халқлар йўқ. Бу уйғунликнинг, халқларимизнинг чинакам ифтихори деб аташ мумкин бўлган буюк дўстликнинг вужудга келишида, барқарорлашувида улкан ҳисса қўшган бир улуғ зот борки, уни ўзбек ҳам тожик ҳам баб-баравар ҳурмат қилади. Унинг тирликни, ҳаёт гўзалликларини васф этувчи, эзгуликка чорловчи ғазалларидан, дostonларидан маъно дурларини териб, завқ олади.

БУЮК СИЙМОЛАР

Бу улуғ зот Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад—Абдурахмон Жомий ҳазратларидир. 1414 йилнинг 7 ноябрида Жом шаҳрида таваллуд топган бу зоти шариф «Шундай баланд сўз қасри яратдики, бирор кимсанинг каманди унга ета олмайди» (А. Навоий). Замонасининг қомусий билимлар эгаси бўлган бу улуғ шоир яна ҳазрат Навоийнинг «Камолот чўққисининг нурли қуёши» таърифига ҳам сазовор бўлган эди.

Профессор Э. Бертельс Жомий қаламига мансуб 52 асар мавжудлигини таъкидлайди. («Джами», 1949 й.). Бу асарлар тасаввуфга («Шавоҳидан нубува» — «Пайгамбарлик исботи»), адабиётшуносликка («Рисолаи аруз»), фалсафага («Сибҳат-ул аброр» — «Тақводорлар тасбеҳи») ва бошқа фанларга доир таълифлар ҳамда девону дostonлардан иборат.

Айниқса унинг етти дostonдан иборат «Ҳафт авранг» лирик девонлари, «Баҳористон» номли ҳикоялар китоби кенг шуҳрат қозонди.

Маълумки, Жомий нақшбандия тариқатининг буюк арбобларидан эди. Алишер Навоий ҳам ана шу тариқатни Жомий пирликларида қабул қилдилар. Улар яшаган давр Абулқосим Бобур ва Ҳусайн Бойқаро шоҳлиги пайтига тўғри келди. Ҳар икки салтанат соҳиби ҳам илм-фанга, адабиётга ҳомийлик қилганлар. Улар ўзбек ва тожик тилининг эркин ривожига йўл очиб беришган. Шу сабабли шоирлар ҳар икки забонда ҳам баравар ижод қилганлар. Жумладан Жомий ҳам туркийда мағзи тўқ ғазаллар битган.

*Зулфинг хаёли тушгали
шўрида бошқа*

*Ғам бошқа ўлдирур мени,
ҳижрони бошқа,*

байтли ғазали шулар жумласидандир.

Икки тиллик муламмаъ ёки ширушакар санъатларининг вужудга келишига замин ҳозирлаган. Бир сатри форсий, бири туркийда битилган ғазаллар ширушакар санъати намунасидир. Халқ бир тилни шир (сут) деса, бирини шакар деб ҳар икки забонга ўз ҳурматини изҳор этган. Жомий ҳазратлари бу санъат ривожига ҳам ҳисса қўшганлар.

*Эй, лабат пурхандаву
чашми сиёҳат масти хоб,*

*Икки зулфунг орасида
ой юзунгдур офтоб.*

*Ҳар ки бинад рўйи хубат
пок гардад аз гуноҳ,*

*Сенга боққан кимсага
маҳшар кунни йўқдир азоб...*

ғазали бунга мисол бўла олади. Урни келганда Носириддин Рабғузидан тортиб Фитратгача ўзбек адiblари айни вақтда тожик тилида ҳам асарлар битганини эслатиб ўтиш жоиз. Жомий каби улуғ боболаримиз анъаналарини давом эттириш балки келажак авлодга насиб этар.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ судининг ҳаками Қодиржон ЙЎЛЧИЕВ ёш судьялардан. Ҳар бир ёш ўз касби-соҳаси доирасида янгича мулоҳазаларга бой бўлганидек ушбу суҳбатда ҳозирги қонун, ҳуқуқ, жинойтчилик, жазо, тарбия борасидаги нозик муаммолар тилга олинди.



— Йилига чамаси 200 тагача жинойт ишини кўрган бўлсам олти йил мобайнида не-не жинойтчилар билан «танишганим» маълум бўлади. Мен-ку, ёш ҳакам сифатида тажрибам оздир, лекин ўттиз йил шу соҳада хизмат қилган, кўпни кўрган ҳамкасбларимиз ҳам айни кунлардагидек шафқатсизликларни эшитиб таажжубга тушмоқдалар. Қаранг, бировнинг хонадонига босқинчилик қилиш янгилик эмас, лекин 2—3 соат давомида милтиқ, пичоқ ўқталиб тақинчоқ ё пул ундириш, бу ҳам етмагандай банкдаги жамғармани бирга бориб обкелтириб юлиб кетиш учун нечоғли шафқатсиз бўлмоқ керак!

— Бу — босқинчилик малакасининг такомиллашуви эмас, балки инсон қалбидаги ёвузлашиш натижаси!

— Қалбдаги ёвузлашишнинг ҳаётдаги кўриниши.

— Жинойт содир қилиш чоғидаги раҳмсизлик зўрайгани эндиликда янгилик бўлмай қолди, лекин унинг олдини олиш йўллари изламоқ керак, бунинг учун эса шафқатсизлик илдиэларини ўрганиш шарт. Масалан шундай

бор! Чўнтаккесарларда бир одат бор экан — агар у киссага қўл суқаётганини сездириб қўйса, ҳатто ўмарган нарсасини эгасига қайтариб берар экан. Уйга ўғирликка тушганда ҳам шу — хонадон эгалари ё кўни-қўшни сезиб қолса — ўғирлик қилинмас экан.

— Жинойтчиликка қарши курашувчи судья-ҳакам сифатида айтишим ножоиз кўринар, лекин истисно тариқасида фикримни билдирсам — сиз айтгандақа ўғирлик эҳтимол қадимда ўз иззат-нафсига эга бўлган, ўз «хунари»нинг қадрини ерга урмайдиганларда учраган бўлса бордир. Лекин кейинги вақтда бундай олижаноб ўғирлар ҳақида эшитмадим.

— Ҳатто ўғирлик ҳам чаканалашиб, майда-лашиб кетибди-да! Қизиғи ва аянчли жойи шундаки қадимда ҳам, ҳозир ҳам ўғирлик — муҳтожликдан келиб чиққан.

— Фақат муҳтожликдан эмас! Тарбиясизлик, меҳнатга бўйни ёр бермаслик ҳам энг катта сабаблардан ҳисобланади. Юқорида тилга олинган бешала ҳамтовоқнинг энг каттасининг ёши 23 да. Айни навқирон ёшдаги бири-бирдан норғул йигитлар бир жойда кўним ишласа оч қоладиган замон эмас.

Одатдаги улфатчиликлардан бири тоза авжига минди. Гурунг мавзуи ҳам одатдагидек — бири — тоғдан, бошқаси — боғдан келаверди. Кимдир турмушнинг қийинчиликларидан гап очди.

— Червон топишни ўйлаш керак, червон! — деди у Амриқони янгитдан кашф этаётгандай. — Бунинг учун...

Тўртовлон улфат бир зум сергак тортиб унга анграйдилар.

— Ким кўп — зарга кўмилиб ётганлар кўп. Ана, ўшанақаларни битта-битталаб соғамиз!..

— Тиллога кўмилиб ётганларни кўрсат, акаси, биз-да, ундайларнинг додини берадиган! — дея ўрнидан туриб кетди Едгор.

Маслаҳатнинг пишиши анча чўзилди. Ниҳоят...

...Ҳеч нарсадан беҳабар уй бекаси эрталабки ғира-ширада дарвозани очдию устига ёпирилган кимсаларни танимай, қўрққанидан овози ичига тушди-кетди.

Улар башарасига аёлларнинг доқасимон пайпоқларини тортиб олган, бинобарин, ҳеч бирини таниб бўлмас, устига-устак биттасининг қўлидаги қирқма милтиқ, бошқаси чангаллаб олган тўппонча ва пичоқ-яроғ ўз кучини кўрсатди — заргар М. ни ошхонага олиб чиқиб милтиқ ўқталиб сўроққа тутишди, унинг аёлини эса ичкари уйга қамаб олишди. «Гинтув» бошланди.

Ҳамтовоқларнинг мақсади битта — пул ёки пулга чақиш мумкин бўлган буюмларни йиғиш эди.

— Бор-шудингни чиқармасанг хотинингни зўрлаймиз! — деди милтиқ ўқталган босқинчи.

— Тилла тақинчоқларни қўлимизга тутқазмасанг эринг пешонасидан отилади! — деди ичкарида аёлни сўроққа тутатгани.

Босқинчилар сал кам икки соат «тер тўккач» 9 минг сўмликдан ортиқроқ тилла буюм, 4,5 минг сўм нақд пул ундиришди, ана шунда улардан бири омонат банк жамғармаси дафтарчасини кўриб қолди.

— Соат 10 га яқинлашди, хўжайинни банкка обориб обкеласан! Пулни олсин-да, физиллатиб изига қайтар! — Буйруқ берди Андрей. Сўнг у М. га пўписа қилди: — Хотиним омон қолсин десанг йўлда нағма кўрсатишни хаёлингга келтирма!..


Қуръон ҳикматларидан:

Сизлар (биров)га берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига Аллоҳнинг фазлу марҳаматини сўранглар.

Нисо сураси, 16-оят.

CH₄-CH₃ N (CH₃)₃

ҚОРА КУРСИГА
ҚАМАБ ЮБОРА



ўхшатиш жоиз бўлса, олти йил илгариги жинойтчи билан ҳозиргилари орасида қандай тафовут бор!

— Тафовутлардан бирини тилга олдик. Бу — бойлик, буюм, пул ундириш йўлида ҳар қандай ғайриинсоний разилликлардан тап тортмаслик. Халқ оғзида бир нақл бўлар эди: «Ўғрининг маҳалласига ўғри йўламайди» деган. Яъни, биринчидан, ўғри ўзи яшайдиган жойда ҳеч ким ва ҳеч нарсага кўз олайтирмайди. Иккинчидан, ўғри ўғрининг кўзини чўқимаслик учун унинг яқин-атрофидагиларга ҳам тегинмайди. Назаримда, бу нақл ҳам ҳозирги воқеликка тўғри келмай қолди — ўғри ва босқинчи на маҳалла-кўйни, на қариндош-уруғни, на ёр-дўстни танийди! Мисол тариқасида яна юқоридаги тўда «азамат»ларининг бошқа бир қилмишини эслаш мумкин.

...Заргар М. нинг хонадонига қилинган тажовуздан сўнг уйда ҳордиқ олиб ётган Анатолий Соловьев фавқуллодда қўшни хонадаги онаси билан таниш фаррош кампирнинг суҳбатини эшитиб қолади.

— Тўримдан гўрим яқин. Онамдан ёдгорлик қўш билакузук, зирак, узук бор — шуларни сотиб ўлимлигимни тайёрлаб қўяман.

Орадан кун ўтмади — ўша кун тунда фаррош кампирниқига Соловьев ҳамтовоқлари билан бостириб кирди ва ёлғиз яшайдиган қариянинг ўлимликка аталган тақинчоқларини осонгина олиб кетишди...

— Қодиржон, шундай гапни эшитганим

— Завод ё фабрикада, қурилишда меҳнат қилса одам оч қолишга қолмайди. Бу гапингиз тўғри, лекин қуруқ маошга қараб қолган ишчининг дориломон яшаши уёқда турсин, бири икки бўлиши ҳам азоб-да, бизнинг шароитда.

— Иқтисодий таъминоти оғир бўлганлар жинойт кўчасига кираверсин демоқчимисиз?

— Мутлақо! Ҳар қандай ғайриинсоний шароитда ҳам одам инсонлигини унуттишга ҳақиқий йўқ. Бу ҳикматни ҳар битта ёш дўстларимиз билиб қўйишни истар эдим. [Айни чоқда «ҳар қандай жинойтда давр фожиаси акс этади» деган ҳақиқатни ҳам унутмаслигимиз керак]. Афсуски, аксарият ёшлар ҳаёт фалсафаси хусусида бош қотиришни ўзига эп кўрмайди, билмайди ҳам. Ана шу билимсизлик, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни, одамларни ҳис қилмаслик буюм, пул, бойлик илинжидаги жинойтларга олиб келади.

— Жамоатчилик билан ҳисоблашиш, кўпчиликнинг норозилигига учрамасликка уриниш бобида аҳвол бизнинг туманда чакки эмас. Чунки, туманимиз ҳудудида маҳалла шароитида яшовчилар кўп. Биласизми, кўп қаватли турар-жойлардагига нисбатан маҳаллаларда жинойтлар анча кам. Негаки, ўзингиз айтгандай, бу ерларда одамнинг қадрига етиш, кексалар ҳурматини сақлашдек ўзбекларнинг гўзал удумлари сақланмоқда. Жинойтчиликни камайтириш йўлидаги тадбирларимиздан бири — туман халқ суди ва ҳудудимиздаги маҳаллалар орасидаги алоқани мустаҳкамла-

моқдамиз. Бунинг учун маҳаллаларда кекса отахон-онахонлар, муаллимлар ва ҳоказо фаоллардан иборат Ҳакамлар суди ташкил этилди. Қўйди-чиқди борми, турли майда безорилик, можаро борми, хуллас, қандай ноҳўя хатти-ҳаракат юз берса, Ҳакамлар суди албатта хабардор бўлади. Кўргазмали суд мажлислари ҳам маҳаллаларда шу фаоллар иштирокида ва кўмагида ташкил этилади.

— Бундан «маҳаллалар мутлақо жиноятдан холи» деган хулоса чиқариб бўлмас албатта!

— Афсуски, шундай.

...Маҳалладаги қўни-қўшни йигитлардан 5 нафари улфатчиликдан қайтишади. Айримларининг кайфи тарақ. Йўлакай ёлғиз яшайдиган кишиникига киришади. Ароқхўрлик давом этади. Орада гап қочади. Бир неча бор судланган Одилов болалигидан бирга ўсиб-улғайган, шу кунни ҳам бир дастурхон теварагида гаштакда ўтирган Ҳожиаҳмедовга ёвқараш қила бошлайди. Уй эгаси, яна уч улфат газак олаётган жанжални босмоқчи бўладилар. Қаёқда?! Одилов айниқса ичиб олганида бандасининг сўзига қулоқ солиши ҳеч-ҳеч иложсиз!..

— Йўқол, ҳамманг! — деб ўшқирди у дўстларига. У шундай дўқ-пўписа билан уч ўртоғини ҳовлига ҳайдаб чиқди ва ўзи нимадир излаб қоронғида аланглади. Кўчага чиқаётганлардан бири Одиловни шаштидан туширмоқчи бўлувди, бўралатиб сўкинди. Ва...

Аллоҳнинг ғазоби ва лаънатиға дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир.

Нисо сураси, 93-оят.

— Можаро бошланган жойни ташлаб чиққан уч ўртоқ, наҳотки, маст Одиловни алдаб юпата олмаганлар!

— Қамоқда жазо муддатини ўтаб қайтганлар билан муомала қилиш оғир. Кўпчилик ундай одамлар билан гаплашмайди. Ёшларнинг бир гуруҳи ундайлардан кўрқса, бошқа гуруҳи «ўтириб келган»ларни ҳурмат қилади — уларнинг чизган чизигидан чиқмайди. Одилов ҳам шу тоифадаги одам бўлган. Дарвоқе, «билмадим» деб жанжалдан ўзларини соқит қилган ўртоқлар ҳам турли муддатга қамоқ жазосини олдилар.

— Қодиржон! Табиий, халқ ҳаками сифатида турли тоифадаги жиноятчиларни турли муддатга озодликдан маҳрум қиласиз. Кечирасизу, қамоқни, қамоқда жазо муддатини ўтаётганларнинг ҳаётини ўзингиз кўрганмисиз! Яқиндан танишганмисиз!

— Яқиндан бўлмаса-да, танишганман.

— Айтмоқчиманки, қамоқ-тарбия масканими ё жазохонами!

— Ҳозирги шароитда қамоқни тарбияхона дея олмаймиз. Хилма-хил тоифадаги жиноятчиларни бир хил шароитда бирга сақлаш давом этар экан қамоқда тарбия ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу ўринда сиз ишора

ҚОНУН, ҲУҚУҚ ВА ТАРБИЯ

яшайдиган Онага Эшбой ёқиб қолди. «Бизникида яшайвер, истасанг, ўғил қилиб оламан» деди аёл. Эшбой рози бўлди. Розилик билдирдию, «Фақат, мен бир йигитга қўшилиб хонадонга ўғрилиққа тушганмиз» деди. Она чўчиб кетди, Эшбойни обдон тергади. Сўнг, уч-тўрт ой муқаддам қилинган, мелисалар томонидан очилмай қолган ўғирлик қаҳрамонларидан бири — Эшбой тутинган Она етовида туман ички ишлар бўлимига келди. Бор воқеани баён қилиб ёзди. Ва... Эшбой қамоққа олинди. Онанинг елиб-югурмаган жойи қолмади. Бош урмаган эшиги қолмади. Эшбой — уни «ўғлим» деб атайверди — чин дилдан тавба қилганини, ўша хонадон кўрган зарарнинг жами — 370 сўмни ёнидан нақд тўлаганини айтди. Ҳаммаси беҳуда кетди. Иш судга ошди...

Қуръон ҳикматларидан:

Аллоҳ тавбаларингизни қабул қилишни истайди, ҳою ҳавасга берилган кимсалар эса (ҳақ йўлдан) бутунлай оғиб кетишингизни истайдилар.

Нисо сураси, 27-оят.

— Эшбойни мен суд қилдим. Судга тайёрланган ҳужжатлар билан танишгач жуда хафа бўлиб кетдим. Уни асраб олган аёлни куюнишларини кўрсангиз ҳали ҳаётимизда меҳр-шафқат, мурувват борлигига амин бўласиз.

— Ахир у судга қадар 3—4 ой қамоқ «тарбия»сини олди-ку, буёғи нима бўлади! Наҳотки, тавбага кўрсатилган оқибат шу бўлса!!

— Ўзим ҳам шундан изтироб чекдим. Эшбойнинг тақдирининг унинг ўша ўғирликка бошлаган етакчисининг ишига қараб турибди (у яна бошқа жиноятларга ҳам қўл урган). Лекин, уни озодликда олиб қолиб, яхши ниятли она ихтиёрида қолдириш учун қонун йўл қўяди. Фақат, қонуннинг, тавбанинг қадрига етадиган моддаларини топишга истак, уриниш бўлса, бас! Халқ судьяси, ана шундагина чинакам халқ вакилига айланади, жамиятни поклаш йўлида ўз ҳиссасини қўшади.

Х. НАБИЕВ.

ЎТИРГАНЛАРНИ ВЕРИШ АДОЛАТДАН ЭМАС!

қўлига илинган пўлат қувур парчасини кўтариб уйга кирдию, боғи-бояги жойида орқа ўгириб ўтирган Ҳожиаҳмедовнинг бошига туширди!..

Эрталаб маҳаллада ош бор эди. Ошдан чиқиб келаётиб Ҳожиаҳмедовнинг отаси ўғлининг улфатларини (кеча Одилов ҳайдаб солган уч улфатни) учратади, ўғлини сўрайди. Ота «Билмадик» деган жавоб олади. Сўнг Одиловга рўпара келади. Иштаҳасини чархлаб тўйхонага кираётган Одилов ҳам Ҳожиаҳмедов отанинг саволига елка қисиб жавоб беради. Хуллас, ҳали ёши қирқни қораламаган, тўрт фарзанднинг отаси Ҳожиаҳмедовнинг жасади орадан 13 кун ўтиб... Бўзсудан топилди.

— Кўряпсизми, бу қотиллик замирида ҳеч қандай моддий манфаатдорлик йўқ. Мутлақо арзимаган можаро қотилликка бориб тақалган.

— Одилов қувур парчаси билан урганда ўлганми Ҳожиаҳмедов!

— Ҳамма гап ҳам шунда-да! Текширишларга кўра Ҳожиаҳмедов кейин — олиб бориб сувга итқитиб юборилгандан сўнг фарқ бўлиб ўлган. Одилов эса, «Урганимда ўлиб қолди деб ўйладим. Шу сабабдан танишимнинг машинасида обориб сувга ташладик» деб икром бўлди. Хуллас, у қасддан одам ўлдирди.

Қуръон ҳикматларидан:

Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у

қилаётган бир гапни айтай: кўпчиликнинг назарида халқ суди фақат одамларга жазо тайинланадиган жой! Гўё жиноятчилар тутилверди — биз ҳакамлар қамайверамиз!.. Шундай деб халқ судларининг вазифасини, бурчини мутлақо нотўғри, бирёқлама талқин қиладилар!

Агар лўнда қилиб айтсам, суд — халқ (жабрланувчи ҳам, жабрловчи ҳам халқ вакили эканини унутмайлик) орасида юз берадиган турфа хил ғайриқонуний ҳолатларда адолат ўрнатувчи маъмурий идора. Халқ судлари ва халқ ҳакамлари фуқаролар манфаатини қонунга асослаб ҳимоя қиладилар. Кўпчилик ана шу ҳақиқатни нотўғри тушунади. Олиб борилган тергов натижалари ўлароқ қора курсига келиб ўтирганларни ёппасига қамоққа жўнатаверишдан иборат эмас вазифамиз. Хусусан, ёшлар, ўсмирлар ҳозирги қамоқ шароитида тарбияланишдан кўра тарбияси издан чиқиши муқаррар. Шуларни ва бошқа омилларни ҳисобга олиб ҳозиргача 11 киши устидан оқлов ҳукмини чиқарганман...

...Ота-она ажрашдию, ёш Эшбой икки уй орасида аросатда қолди: отасиникига борса — онасини кўргиси келади, онасиникига келса — кўнгли отасини қўмсайди. Охир оқибат у кўчада қолди. Кўча боласига айланди. Чилонзор мавзеидаги кўп қаватли уйларнинг чордоғида, ертўласида — дуч келган жойда «яшайди». Тасодифан ўзига тенгқур ўрус бола билан танишди, униқига борди. Ёлғиз ўғли билан



Безакчи Мўроджон УНГАРОВ

Жанжални тинчитиб беринглар

деб ёзибди бир муштарийимиз. Гарчи имзосиз хатлар билан биз мутлақо шугулланмасак-да, лекин мактубда кўтарилган масаланинг муҳимлигини эътиборга олиб, истисно йўл тутдик.

«Ёш куч!» Ердмингга муҳтожмиз. Ёшим 40 да. Узим колхозчиман. Болаларимнинг отаси ҳам колхозчи. 6 боламиз бор. Мен бир йилда 7 ой ишлайман. Маошим 40 сўм. Отасиники 90—100 сўмга етади. Виз солиганимиз йўқ. Худога шукр қилиб, яшаб юрибмиз. Лекин бир ой бўлдики, тинчимиз бузилди. Колхозни бўламиз, деган гап чиқди. Энг ёмони — ҳозир одамлар миллатига қараб учга бўлинди. Миллатлар ўртасида адоват тарқалди. Буни эшитиб туман раҳбарлари келган эди. Уларни ҳам, ҳаттоки назорат вакиллари ҳам қувиб юборишди. Кўпчилик тушунмай уларга эргашяпти. Агар фожиянинг олди олинмаса охири вой бўлади. Илтимос, ёш бўлсанг ҳам кўп муаммони ҳал қилгансан. Кимга ёзишни билмай сенга ёздим. Кўп болали оналар номидан юбораётган хатимга амалий ёрдам бергин. Акс ҳолда ер таллашиб, нарс таллашиб, катта жанжал кўтарилиши мумкин.

Адоват

бартараф этилди

Марҳамат ноҳиясидаги Ильич номли жамоа хўжалигининг 15-бригадаси аёллари номидан «Ёш куч»га ёзилган мактуб Андижон вилоят партия комитети ва Марҳамат ноҳияси партия комитети томонидан ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, ҳақиқатан ҳам мактубда ёзилганидек 1990 йил февраль ойида ноҳия партия комитетига Ильич номли жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи бир гуруҳ оқсоқоллар хўжаликни иккига бўлишни сўраб мурожаат қилишган. Аризачиларнинг илтимоси қондирлмаганлигига ва хўжаликни бўлиш қандай салбий оқибатларга олиб келиши бир неча бор тушунтирилишига қарамай улар ўз фикрларини ўзгартмадилар. Уларнинг қатъий талабига мувофиқ шу йил 22 март кунини ўтказилган хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида у ҳатто 4 та майда хўжаликка бўлиниб кетди. Уз наъбатига катта қийинчиликларни келтириб чиқарган бу аҳволга хўжалик меҳнаткашларининг ўзлари гувоҳ бўлдилар.

Шу муносабат билан аҳоли ўртасидаги норозиликнинг сабаблари таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Аризани текшириш давомида аввалги йиғилиш жамоа хўжалигининг намунавий уставига талаблари асосида ўтказилмаганлиги ҳам аниқланди. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 1-май кунини яна умумий йиғилиш чақирилди. Унда аввалги йиғилишида хўжаликни бўлиш тўғрисида қабул қилинган қарор бекор қилинди. Хўжалик раиси муқобиллик асосида сайланди.

Йиғилишдан сўнг колхозчилар томонидан хўжаликни бўлиш ҳақидаги масала қайта ўртага қўйилгани йўқ. Ҳозирги пайтда хўжаликда турли миллат вакиллари аҳил меҳнат қилишяпти.

Бригада хотин-қизлари билан суҳбат давомида ойнома муҳарририятга юборилган мактубни улар ёзмаганлиги аён бўлди. Шунга қарамай имзосиз мактубни ўрганиш якуналари уларга етказилди.

Ўзбекистон Компартияси
Андижон вилояти
комитети котиби
А. СОЛИЖОНОВ

БИЗГА ЖАВОБ

Пешонамиз шўр экан

Сўнги илнж билан Сизларга хат йўллаяман,— деб ёзибди Йўлдош Жўрабоев (илтимосига кўра биз унинг исм-фамилиясини ўзгартириб беряпмиз). 7-синфда ўқийман. Отамнинг ичишлари, жанжалларига болалигимда унча тушунмасдим. Улғайганинг сари одам боласи уят, хорлик ва зорликларни аста тушуна бошлар экан. Укамлар ёш эди. Мен онамга суянчиқдай эдим. Отам ишлаб, рўзгорга етказа олмаслигини тушунмасдим. Лекин у кишининг бизга ҳаммиша пичоқ ўқталишлари, кунора ичиб келиб жанжал кўтаришлари туфайли ҳаётдан безор эдим. Бир кунни отам ичиб келиб, одатдагидай пичоқ ўқталгани учун онамнинг бақиритидан бизлар ҳам кўрқиб уйғониб кетдик. Отам бизларни ҳам қатор турғазиб қўйиб пичоқни эшикка, тўғри келган жойга санчди-да, сизлар ҳам шу ишни бажаринглар деб қистади. Биз кўрққанимиздан йиғлаб юбордик. Отамнинг пичоқлари, жанжаллари тушимга кириб кечалари кўрқиб чиқардим. Онам неча мартаба онасиникига «ҳаётдан тўйиб кетдим», деб кетганларида қўшилиб кетардим. зора отам ичишни ташласа деб катта-кичикнинг маслаҳати билан яна уйга қайтардик. Афсус, отам ичишни ташламади. Мана, суд ҳам бўлди. Ота-онам ажрашди. Бир йилдирки, иккинчи гуруҳ ногирони, уруш фахрийси бобомникида яшаётган эдик. Улганнинг устига тепган, деб шунини айтса керак-да. Яқинда бобом ҳам оламдан ўтдилар. У кишининг нафақасига яшаётган эдик. Ҳозир ҳолимиз жуда хароб. Онам ўлимларига рози бўлганларида кўп маротаба қайтарардим. Энди эса ўзим ўлимимга рози бўламан. Уйлаб-уйлаб кўпларнинг суянчиғи, деб сизларга ишониб, суяниб, илнж билан хат йўллашга қарор қилдим. Қанчалик қийналиб яшаётганимизни келиб кўришларингизни ва бизга ёрдам беришларингизни ялиниб сўрайман. Қанийди бизларнинг ҳам ўз уйимиз бўлса... Биз ҳам одамларнинг болаларидай дарс тайёрласак... Уқшимиз пасайиб кетди. Онам болалар боғчасида энага бўлиб ишлайди, 70 сўм ойлик битта оилага етармиди. Учаламиз мактабда ўқиймиз. Ота меҳрисиз бўлса ҳам тинч, орзу-ҳавас ила, онам билан бирга яшасак. Уятдан, номусдан ўз дўстларим олдида мана шу хатни ёздим. Эҳ, ҳаёлимдан ўлим кетсайди...

Тушкунликка тушма, Йўлдош!

Самарқанд вилоят комсомол кўмитаси Большевик тумани Куйбишев номли жамоа хўжалигида яшовчи Йўлдош Жўрабоевнинг «Ёш куч»га йўллаган шикоят хатини олди.

Вилоят комсомол кўмитаси бу хат юзасидан Большевик туманида бўлиб ўқувчининг яшаш шароити билан танишди. Унинг аянчи аҳволи билан туман, жамоа хўжалиги раҳбарларини огоҳ қилишди.

Йўлдошнинг онасини туман марказидаги болалар боғчасидан ўз қишлоғидаги болалар боғчасига ишга ўтишига кўмаклашяпмиз. Куйбишев номли жамоа хўжалиги ҳисобидан мазкур оилага қурилиш материаллари учун 4 минг сўм ссуда ажратиш, уй қуриш

учун участка бериш келишилди. Самарқанд вилоят комсомол кўмитаси ҳисобидан бу оилага 500 сўм ёрдам пули ажратиб берилди.

Самарқанд вилояти
комсомол кўмитасининг
биринчи котиби
Бекзод ЗОКИРОВ.

Ҳуқуқим поймол бўлди

деб ёзибди ўз шикоят хатида Самарқанд вилояти Советобод туманидаги «Москва» давлат хўжалигининг 1-бўлимида яшовчи С. Ҳусанова. Мазкур шикоят Советобод тумани прокуратурасига жўнатилгач...

Директор жазоланди

Уртоқ Ҳусанова С.нинг «Ёш куч» ойномасига ёзган шикоят хати Советобод тумани прокуратураси томонидан текширилди ва тасдиқланди.

Ҳақиқатан «Москва» давлат хўжалигининг директори ўртоқ Д. Очилов Ўзбекистон ССЖ Меҳнат Қонунилари мажмуасининг 32-моддаси талабларини қўпол равишда бузиб, яъни С. Ҳусанованинг розилигини олмасдан уни ишлаб турган вазифаси — «Бойчечак» болалар боғчаси энағалигидан дазмолловчилик вазифасига ўтказган.

Советобод ноҳия прокурори томонидан «Москва» давлат хўжалиги директорининг буйруғи гайриқонуний бўлгани учун бекор қилиниб, С. Ҳусановани ўз вазифасига қайта тиклаш, у кўрган моддий зарар айбдор шахсдан тўлиқ ундирилиши тўғрисида протест қилинди.

Советобод тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси
Б. БАҲРОНОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Бу ёзишмамиз ўз ҳудудида ўзини хон каби сезадиган баъзи хўжалик раҳбарларига сабоқ бўлишини истар эдик. Қанийди, фуқароларнинг асосли шикоятларига ҳамма ҳуқуқ посбонлари Советобод тумани прокурори ўртоқ Б. Баҳроновдай эътиборли бўлсайди, ҳуқуқий давлат барпо этиш орзуимиз сароб чиқмасмиди!

Ленинградга тайёра учуриб беринглар

деб ёзибди нукуслик Т. Худойбергенов. Нукусдан Ленинградга тайёра учмайди. Лоақал Урганчдан учса ҳам майлийди, деб ёзибди муштарийимиз. Ушбу илтимосномани Ўзбекистон Фуқаро Авиацияси бошқармасига етказдик...

Тайёра 1992 йили учади

Тошкент шаҳар Карл Маркс кўчаси 7-уйда яшаётган Т. Худойбергеновнинг Ленинградга Нукусдан ёки Урганч орқали ҳаво йўли

ЙўЛЛАЙДИЛАР

Ўқитувчилар жазоланди

очишни сўраб «Ёш куч»га йўллаган мактубини жиддий ўрганиб чиқдик.

Ўзбекистон Бошқармаси раҳбарияти жумҳурият ҳудудида ва ундан ташқарида тайёрада пассажир ташиш эҳтиёжини мунтазам равишда назорат қилиб бормоқда. Эҳтиёжи кучли йўналишларга Ўзбекистон Бошқармаси тайёрагоҳларидан доимий равишда қўшимча рейслар уюштирилмоқда, янги рейслар очилмоқда. Т. Худойбергеновнинг «Ёш куч»га йўллаган илтимосига келсак шунини маълум қиламизки, янги рейслар бир йил олдин лойиҳалаштирилади. Шунинг учун Ўзбекистон Бошқармаси Нукус-Ленинград рейсини 1992 йилдан очишни лойиҳалаштирди.

Ўзбекистон Авиация Бошқармаси бошлигининг ўринбосари С. М. СУМБОЕВ.

Токайгача калтак еймиз

деб, шикоят йўллашибди Наманган вилояти Задарё туманидаги 22-мактабнинг бир гуруҳ юқори синф ўқувчилари.

Биз ўқитувчиларимиздан «дод» дегимиз келади. Мактабдаги қайси ўқувчидан сўраманг, кўзида ёш билан домалардан шикоят қилади. Мисол учун болаларни Жабборов домла тепса, Тўйчиев қўлини қисиб кўкартиргани-кўкартирган. Директор Қурбонов қизларнинг ҳам орқасига гурсиллатиб туширади, бетига тупуриб юборади. Ота-оналаримиз РайОНОга жуда кўп марта бу ҳақда шикоят қилишган, лекин фойдаси тегмади. Илтимос, «Ёш куч», ёшларнинг ишонган тоғи, ўзинг бизга ёрдам бер.

Ўқувчиларнинг бу фарёди Наманган вилояти халқ таълими бошқармасига текшириб, чора кўриш учун юборилгач...

Вилоят халқ таълими бошқармаси Задарё туманидаги 22-мактаб ўқувчиларининг «Ёш куч»га йўллаган хати бўйича текшириш ўтказди. Гарчи юқори синф ўқувчилари билан ўтказилган суҳбатда М. Қурбонов шаънига айтилган фактлар тасдиқланмаган бўлса-да, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Жабборов, физика-математика муаллими Тўйчиевлар томонидан болалар шахсига тегиш, уларни чизгич билан тушириб қолиш каби фактлар борлиги ўқувчилар томонидан тасдиқланди. Текшириш якуни мактаб касабаси уюшмаси ташкилотининг барча педагогик ходимлари иштирокидаги йиғилишида муҳокама этилиб, ўқитувчилар — Жабборов, Тўйчиев огоҳлантирилди. Улар бундан кейин педагогга хос бўлмаган қилиқларини ташлайдиган бўлдилар. Ўқитувчиларни тарбиялашнинг чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Н. И. ҚОЗОҚОВ

ТАХРИРИЯТДАН: Ўқувчиларга тан жазоси бериш мактабларимизда, афсуски, ҳамон давом этмоқда. Бундай фактлар аниқланган ҳолда ҳам халқ таълими бўлими раҳбарлари айбдорларни огоҳлантиришдан нарига ўтишмаяпти. Халқ таълими вазирлиги ҳам ўқувчига тан жазоси берган ўқитувчига нисбатан қандай чоралар кўриш ҳақида маълум дастур ишлаб чиқмагандай туюлади. Болага тан жазоси бериш уни маънавий жиҳатдан майиб қилади. Аскарликда ўзини ҳимоя қила олмайдиган, оилада тартиб-интизом ўрната олмайдиган эркеклар қисман мактабда ўқитувчиларидан калтак еб ўсган болалардан етишиб чиқапти. «Ёш куч» бу мавзунини кейинчалик атрофлича ўрганишни муштарийларига маълум қилади. Тарбиясиз тарбиячиларга қарши жангimiz ҳам давом этади.

Ўғлимга ёрдам беринглар

деб ёзибди Самарқанд вилояти Нурота шахри Беруний кўчаси 10-уйда яшовчи Ф. Раҳматова. Журналхонимиз боласи судланганлигини маълум қилиб, уни қамоқдан озод қилишда ёрдам беришимизни сўрабди. Жиноят ҳолати тўлиқ баён қилинмаган мазкур шикоят хатни текшириб чора кўриш учун Самарқанд вилоят судига юборганимизда у ердан ҳам фикримизни тасдиқлайдиган жавоб олдик.


Чақиртирдик, келишмади

Самарқанд вилоят суди ўртоқ Ф. Раҳматованинг «Ёш куч»га йўллаган шикоят хати билан танишиб чиқди. Ф. Раҳматова хатида ўғлининг судланганлигини кўрсатиб, озод қилинишини сўраган. Аммо у хатида ўғлининг на исми, на фамилиясини кўрсатган. Мактубда ўғлининг қайси суд томонидан қачон судланганлиги ҳам маълум эмас.

Шу ҳолатларни аниқлаш мақсадида вилоят суди Ф. Раҳматовога икки марта хабар юбориб, келиши сўралганига қарамасдан келмади.

Шунинг учун Ф. Раҳматованинг аризасини текшириш имкони йўқдир. Агар Ф. Раҳматова ўғлини ноҳақ судланган, деб ҳисобласа, бизга мурожаат қилиши, бунинг учун ҳамма ҳолатларни батафсил ёзиб, аризага суд қарорларини илова қилиши лозим.

Самарқанд вилоят судининг раиси А. К. ТЎХТАШЕВ.



Менинг онам сизмисиз?

Жумабой ҚОЗОҚ сурати


(«Еш куч», 1990-йил, II-сон)

Физика

1. Берилган $\alpha=60^\circ$; $K=20$ Ж.

Топиш керак: K_1 —? P —?

Ечилиши: Горизонтга нисбатан бурчак остидан отилган жисмнинг тезлигини горизонтал ва вертикал ташкил этувчи тезликлар (V_x, V_y) га айлатамиз. $v_{asmdan\ karib\ in-ri\ diki}$ $V_x=V\cos\alpha$, $V_y=V\sin\alpha-gt$.



Traektoriqning ξ ng baland nuqtasi uchun $V_y=0$, u holda bu nuqtadagi kinetik energiya $K_1=mV_x^2/2$, bunga $V_x=V\cos\alpha$ ni q'ya-miz: $R_1=mV^2/2 \cdot \cos^2\alpha$

Лекин $K=mv^2=20$ Ж — жисмнинг отилиш вақтидаги кинетик энергияси. Демак, $K_1=K\cos^2\alpha=20 \cdot (0,5)^2=5$ Ж. Энергиянинг сақланиш қонунига асосан: $K=K_1+P$. Бундан: $P=K-K_1=20-5=15$ Ж.

2. Берилган: $m=7$ г; $T_1=10^\circ\text{C}$; $T_2=25^\circ\text{C}$; $C_0=20,9$ ж/моль·град; $\mu=28$ г/моль.

Топиш керак: Q —?

Ечилиши: Масала шартда газнинг иссиқлик сирими ўзгармас ҳажм ҳоли учун берилганидан изланаётган иссиқлик миқдори Q икки ҳаднинг йиғиндисидан: газни истишга кетган иссиқлик Q_1 дан, поршenni кўтаришда бажарилган ишга сарф бўлган иссиқлик Q_2 дан иборат бўлади, яъни: $Q=Q_1+Q_2$

C_0 — моль иссиқлик сирими бўлгани учун $Q_1=\frac{m}{\mu}C_0(T_2-T_1)$

Ишни бажаришга сарф бўладиган иссиқлик куйидагига тенг:

$$Q_2=\frac{m}{\mu}R(T_2-T_1)$$


Изланаётган иссиқлик миқдорини аниқлаймиз: $Q=\frac{m}{\mu}(T_2-T_1)(C_0+R)$

У ҳолда $Q=\frac{7}{28} \cdot 15 \cdot (20,9+8,31)=109$ Ж.

3. Берилган: $S=200$ см²=0,02М²; $d=0,5$ ММ=5·10⁻⁴м; $d_1=0,3$ мм=3·10⁻⁴м; $\epsilon=7$; $\Delta\phi=220$ ОВ.

Топиш керак: q —?

Ечилиши: Конденсаторнинг заряди $q=C\Delta\phi$ формуладан топилади. C сирими иккита кетма-кет уланган C_1 ва C_2 конденсаторларнинг сирими каби қараш мумкин (расмга қ.) яъни



$$\frac{1}{C}=\frac{1}{C_1}+\frac{1}{C_2} \text{ ёки } C=\frac{C_1C_2}{C_1+C_2} \text{ бунда}$$

$$C_1=\frac{\epsilon\epsilon_0S}{d_1}; C_2=\frac{\epsilon_0S}{d_2}; d_2=d-d_1$$

Умумий сирим $C=\frac{\epsilon\epsilon_0S}{d_1+\epsilon d_2}$ бўлади. Снинг

қийматини $q=C\Delta\phi$ га қўямиз:

$$q=\frac{\epsilon\epsilon_0S\Delta\phi}{d_1+\epsilon d_2}=\frac{\epsilon\epsilon_0S\Delta\phi}{d_1+\epsilon(d-d_1)}$$

Сонларни қўйиб ҳисоблаймиз:

$$q=\frac{7 \cdot 8,85 \cdot 10^{-12} \cdot 0,02 \cdot 220}{3 \cdot 10^{-4} + 7 \cdot 2 \cdot 10^{-4}}=1,6 \cdot 10^{-7} \text{ Кл.}$$

4. Берилган: $N=2$ кВт—соат=72·10⁵Ж; $F=96500$ Кл/2—эқв.

$$\phi_1-\phi_2=2B; A=65,38 \frac{2}{2-\text{эқв}}; n=2;$$

Топиш керак: m —? Ечилиши: Фарадейнинг бирлашган қонунига асосан электролиз вақтида ажралиб чиққан рух массаси куйидагига тенг:

$$m=\frac{A}{n} \frac{q}{f} \text{ Бунда } A \text{ — рухнинг атом оғирлиги; } n \text{ — унинг валентлиги; } q \text{ — электролитдан ўтган заряд миқдори; } f \text{ — Фарадей сони, } q \text{ — заряд катталлигини топиш учун шу зарядни икки электрод оралиғига тенг масофага кўчиришда электр майдони бажарилган ишнинг формуласидан фойдаланамиз:}$$

$$A=q(V_1-V_2)$$

Бу иш электролиз вақтида сарфланган энергияга тенг бўлади: $A=N=q_1(V_1-V_2)$

$$\text{бундан: } q=\frac{N}{V_1-V_2}$$

Демак, ажралган рухнинг массаси

$$m=\frac{A}{n} \frac{N}{f(V_1-V_2)} \text{ ни}$$

шу формуладан аниқлаймиз

$$m=\frac{65,38 \text{ г} \cdot 72 \cdot 10^5 \text{ Ж}}{2 \cdot 2 \cdot 96500 \text{ Кл}}=1,22 \text{ кг}$$

5. Берилган: $B=2$ Тл, $r=10$ см=0,1м; $h=60$ см=0,6м.

Топиш керак: K —?

Ечилиши: Протоннинг кинетик энергияси $K=mV^2/2$. Лекин $V=\sqrt{V_x^2+V_y^2}$ бунда V_x —

протоннинг винт ўқи бўйлаб ҳаракат тезлиги, V_y —винт ўқига тик ташкил этувчи тезлик (расмга қ.). Бу тезлик билан протон r радиусди

айлана бўйлаб ҳаракатланади. Магнит майдонидagi зарядга таъсир этувчи Лоренц кучи: $F_L=qBV\sin\alpha=qBV_y$; Бу куч таъсирида протон марказга интилма тезланиш олади:

$$F_L=F-mV_x^2/r \text{ ёки } qBV_y=mV_x^2/r$$

$$\text{Бундан } V_x=qB r / m. \text{ Протон учун } q=L=1,6 \cdot 10^{-19} \text{ Кл ва } m=1,67 \cdot 10^{-27} \text{ кг.}$$

$$\text{Берилган катталликларнинг сон қийматларини қўйиб, } m \text{ ни ҳисоблаймиз } V_x=\frac{qB r}{m}=2,6 \cdot 10^{19} \cdot 2 \cdot 0,1 / 1,67 \cdot 10^{-27}=1,92 \cdot 10^7 \text{ м/с}$$

Горизонтал ташкил этувчи тезликни эса винт қадами h ни ўтиш учун кетган вақт протон айланиш даври T га тенг эканлигидан фойдаланамиз: $V=h/T$, лекин $T=2\pi r/V_x$ бўлгани учун $V_x=h/T=hV_x/2\pi r=0,6 \cdot 1,92 \cdot 10^7 / 2 \cdot 3,14 \cdot 0,1=18 \cdot 10^6$ м/с. Протоннинг ҳаракат тезлиги:

$$V=\sqrt{V_x^2+V_y^2}=\sqrt{(18^2+19^2)} \cdot 10^{12}=26,2 \cdot 10^6 \text{ м/с.}$$

Протоннинг кинетик энергияси:

$$K=mV^2/2=1,67 \cdot 10^{-27} \cdot 6,86 \cdot 10^{14} / 2=5,73 \cdot 10^{-13} \text{ Ж}$$

М. ҚУРБОНОВ.

(«Еш куч», 1990 йил, 12-сон)

Математика

1. Берилган 20 та натурал сонларни кетма-кет ўсиш тартибда ёзиб оламиз. Буларнинг энг кичиги a ва энг каттаси b бўлсин. Ҳар бир кейингисидан олдингисини айириб 19 та сон ҳосил қиламиз. Бу 19 та сонлар орасида учтадан ортиқ бўлмаган 1, 2, 3, 4, 5, ва 6 сонлари бор. Демак, камида битта сон топиладики, у 7 дан кичик эмас. Бу мулоҳазаларга асосланиб куйидаги тенгизликни ҳосил қиламиз: $b-a \geq 3 \cdot (1+2+3+4+5+6)+7=70$. Иккинчи томондан эса $b-a$ айирма 70 дан кичик, чунки a ва b ларнинг ҳар бири 70 дан кичик. Зиддикка келдик. Демак, масала исботи ўринлидир.

2. Учбурчакнинг катетлари ва гипотенузасини мос равишда a, b, c орқали белгилаймиз. Масала шартига биноан куйидагини ёзиб оламиз:

$$a+b+c=\frac{ab}{2} \quad (1)$$

Пифагор теоремасига биноан

$$a^2+b^2=c^2 \quad (2)$$

(1) ва (2)лардан c ни йўқотсак, у ҳолда

$$a=\frac{4b-8}{b-4}=4+\frac{8}{b-4}$$

Шартга кўра a ва b лар бутун мусбат сонлар бўлганига учун 8 сони $b-4$ бўлиниши керак, у ҳолда $b-4$ сони 1, 2, 4 ёки 8 га тенг бўлиши мумкин. Демак, $b=5, 6, 8, 12$ бўлади. У ҳолда $a=12, 8, 6, 5$ лар топилади. Сўнгра $c=13, 10, 10, 13$.

Жавоби: 5, 12, 13 ёки 6, 8, 10.

3. Фараз қилайлик, тўртёкли $SABCD$ бурчакнинг энг катта текис бурчаги ASB бўлсин. SD ва SB тўғри чиқиқлар орқали текислик ўтказамиз.

Ихтиёрий учёқли бурчакнинг текис бурчаги қолган иккита текис бурчаклари йиғиндисидан кичик эканлигига асосланиб куйидагиларни ёзамиз: $\angle ASB < \angle ASD + \angle DSB$

$\angle DSB < \angle DSC + \angle BSC$

Буларни қўшиб ва соддалаштириб $\angle ASB < \angle ASD + \angle DSC + \angle BSC$ ни ҳосил қиламиз. Шуни исботлаш керак эди.

4. $\sin x + \cos x = \sqrt{2}(x + 45^\circ)$ бўлганлиги учун функциянинг энг катта қиймати $\sqrt{2}$ га тенг ва энг кичик қиймати $-\sqrt{2}$ га тенг бўлади.

5. Берилган йиғиндини топиш учун куйидаги айниятдан фойдаланамиз: $(2k-1) \cdot 3^k = (k+1) \cdot 3^k - k \cdot 3^k - 4 \cdot 3^k$

Айниятга кўра куйидагиларни ёзамиз: $(2 \cdot 1 - 1) \cdot 3 = 2 \cdot 3^2 - 1 \cdot 3 - 4 \cdot 3$, $(2 \cdot 2 - 1) \cdot 3^2 = 3 \cdot 3^3 - 2 \cdot 3^2 - 4 \cdot 3^2$, $(2 \cdot 3 - 1) \cdot 3^3 = 4 \cdot 3^4 - 3 \cdot 3^3 - 4 \cdot 3^3$, ...

$$(2n-1) \cdot 3^n = (n+1) \cdot 3^{n+1} - n \cdot 3^n - 4 \cdot 3^n$$

Бу тенгликларни мос равишда қўшиб изланган йиғиндини топамиз: $1 \cdot 3 + 3 \cdot 3^2 + 5 \cdot 3^3 + \dots + (2n-1) \cdot 3^n = (n+1) \cdot 3^{n+1} - 3 - 4 \cdot (3 + 3^2 + 3^3 + \dots + 3^n) = (n+1) \cdot 3^{n+1} - 3 - 2 \cdot (3^{n+1} - 3) = (n+1) \cdot 3^{n+1} + 3$.

Б. РИХСИЕВ,
Т. ҚУРҒОНОВ.

Физика

1. Берилган: $N=5200$ м.

Топиш керак: Δt —?

Ечилиши: Маятникли соатлар бир баландликдан иккинчисига кўчирилганда маятникнинг тебраниш даври ўзгаради, чунки эркин тушиш тезланиши баландликка боғлиқ бўлади. Витта баландликда тўғрилган бундай соатлар уларни пастга туширилганлигига ёки юқорига кўтарилганлигига боғлиқ равишда ё илгари кетади ёки секинлашади. Масаламизнинг шартига кўра соат анча паст сатҳга туширилади. Бунда q — тезланиш орта бошлайди, тоғ устида тўғрилган соат ошиб кетади. Агар тўғри юрадиган соатлар бир суткада n марта тўла

тебранса, уларнинг кўрсатиши $t_1=2\pi n \sqrt{\frac{l}{g_1}}$

(1)га тенг бўлади, бунда q_1 —НХ баландликдаги эркин тушиш тезланиши. У бутун олам тортишиш қонунига асосан куйидагига тенг бўлади:

$$q=\gamma \frac{M_{ep}}{(P_{ep}+H)^2} \quad (2)$$

Денгиз сатҳига туширилган бу соатлар ўша n та тебраниши учун $t_2=2\pi n \sqrt{\frac{l}{g_2}}$ (3) вақт

$$q = \gamma \frac{M_{ep}}{(R_{ep} + H)^2} \quad (2)$$

кетеди, бунда $q_2 = 0 \frac{M_{ep}}{R^2}$ (4) (3) тенгламани

(1) тенгламага бўлиб ва t_2 нинг ўрнига у орқали олинган ифодани изланаётган айрмага қўйиб қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$\Delta t = t_1 - t_2 = t_1 (1 - \sqrt{\frac{q_1}{q_2}})$$

(2) ва (4) га асосан $q_1/q_2 = \frac{R_{ep}^2}{(R_{ep} + H)^2}$ бўлади,

шунинг учун H баландликка кўчирилган маятникли соатларнинг кўрсатишлари ўр-

тасидаги айрма $\Delta t = t_1 (1 - \frac{R_{ep}}{R_{ep} + H}) =$

$$= t_1 \frac{H}{R_{ep} + H} = t_1 \frac{H}{R_{ep}} \text{ формула орқали топи-$$

лади. Сон қийматларини ўрнига қўйиб, соатлар бир суткада $\Delta t = 70$ с. илгари кетишини топамиз.

2. Берилган: $T = 7^\circ\text{C}$; $P_{ж} = 1000\text{Н}$; $d = 10\text{м}$.
Топиш керак: m_2 —?

Ечилиши: Ҳаво шарининг кўтарилиши учун у сиқиб чиқарган ҳавонинг оғирлиги $m_1 g$, шар жилдини тўлдирадиган газ оғирлиги $m_2 g$ ва унинг жиҳозларининг оғирлиги $P_{ж}$ ларнинг йиғиндисидан катта ёки камида уларнинг оғирликларига тенг бўлиши керак, яъни

$$m_1 g = m_2 g + P_{ж} \quad (1)$$

бунда m_1 — шар сиқиб чиқарган ҳаво массаси, m_2 — жилдини тўлдирувчи газ (гелий) массаси. Ҳаво массасини билган ҳолда бу тенгламадан гелий массасини аниқлаш мумкин. Уни топиш учун Менделеев—Клайперон тенгламасидан фойдаланиш керак. Шарни ўраб турган ҳаво атмосфера босими P_a остида бўлади ҳамда T температурага эга, шунинг учун газ ҳолатининг тенгламаси жилд ҳажми $V_{ж}$ ни эгаллаган ҳаво массаси учун қуйидагини беради:

$$P_{V_{ж}} = \frac{m_1}{\mu_1} RT \quad (2)$$

Масалани ечиш учун фойдаланиладиган энг охириги муносабат қуйидаги формуладан иборатдир:

$$V_{ж} = \frac{\rho d^3}{6} \quad (3)$$

чунки бизга ҳаво шарининг ҳажми эмас, балки унинг диаметри маълумдир. (1—3) тенгламалардан m_2 массасини топамиз:

$$m_2 = \frac{P_a \mu_1 \rho d^3}{6RT} - \frac{P_{ж}}{g} = 530 \text{ кг.}$$

3. Берилган: $H = 8 \cdot 10^3 \text{ Ам}$; $l = 0,2 \text{ м}$;
 $\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7} \text{ Тл} \cdot \text{М/А}$

Топиш керак: ϵ —?

Ечилиши: Ҳаракат давомида магнит куч чизиқларини кесиб ўтишда стержень учларида ҳосил бўлган потенциаллар айирмаси ўтказгичдаги зарядларга Лоренц кучларининг таъсири туфайли пайдо бўлади. Агар стержень бир жинсли магнит майдонда доимий w бурчак тезлик билан айланса ва майдон индукцияси куч чизиқларини тўғри бурчак остида кесиб ўтса, у ҳолда электронлар Лоренц кучлари таъсиридан стержень бўйлаб унинг бир учидан иккинчи учига томон силжий бошлайди.

Расмда кўрсатилгандек, майдон ва айланиш йўналиши ҳамда F_L куч айланиш ўқи га қараб йўналган ва шу ўққа томон электронлар ҳам силжийди. Бу силжиш электронларнинг ўтказгич ичида ҳосил қилган майдони вужудга келтирган итаришиш электр кучлари Лоренц кучлари билан мувозанатлашмаганича давом қила беради. Электронлар силжиши натижасида стерженьнинг бир учига электронлар ортиқча бўлиб, иккинчи учига етишмай қолади, стерженьнинг учлари орасида бирор ўзгармас $\epsilon = \Delta\phi / \Delta t$ (1) га тенг ЭЮК вужудга келади, бунда $\Delta\phi$ —стерженьнинг Δt вақт айланиши давомида кесиб ўтган магнит майдон кучи чизиқлари оқими.

Вакуумда стерженьнинг куч чизиқлари билан тўғри бурчак ҳосил қилиб силжийдиган магнит индукция оқими $\Delta\phi = BAS = \mu_0 H \Delta S$, бунда ΔS —стерженьнинг вақт давомида чизган секторнинг юзи. Берилган масалада Δt вақт давомида стержень Δl бурчакка бурилади ва у чизган секторнинг юзи $\Delta S = \Delta l^2 / 2$ га тенг, бунда l —стержень узунлиги. Буни ҳисобга олиб, магнит

майдон индукция оқимининг ўзгаришини топамиз:

$$\Delta\phi = \frac{\mu_0 H^2 \Delta l}{2} \quad (2), (2)\text{ни (1) га қўйиб ва}$$

$\Delta l / \Delta t = w$ эканлигини ҳисобга олиб, қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$\epsilon = \mu_0 H^2 \Delta l / 2 \Delta t = \frac{1}{2} \mu_0 H^2 w$$

Берилган миқдорларнинг сон қийматини ўрнига қўйиб эса $\epsilon = 2 \cdot 10^{-3}$ топамиз.

4. Берилган: $d_1 = 1 \text{ м}$; $l = 30 \text{ см}$; $S_1 = 400 \text{ см}^2$; $K_2 = 9/16$.

дан S_0 ни топамиз: $S_0 = S_1 (d_1 - 1)^2 = 256 \text{ см}^2$.

Топиш керак: D —? S_0 —?

Ечилиши: Агар биринчи вазиятда линза буюмдан d_1 масофада, экрандан f_1 масофада бўлса ва тасвирнинг юзи S_1 га тенг бўлса, у

$$\text{ҳолда } \frac{1}{F} = \frac{1}{d_1} + \frac{1}{f_1} \quad (1) \text{ ва } K_1 = \frac{S_1}{S_0} = \frac{f_1^2}{d_1^2} \quad (2)$$

бундан F —линзанинг фокус масофаси, S_1 —буюмнинг юзи. Линза иккинчи вазиятда уни буюмдан l масофага силжитганда ва экранни унда тасвир яхши ҳосил бўладиган қилиб силжитилганда буюм ва экран линзадан d_2 ва S_2 масофага узоқлаштирилган бўлсин. Тасвирнинг юзи кичрайган ва S_2 га тенг бўлиб қолган. Бу вазият учун

$$\frac{1}{F} = \frac{1}{d_2} + \frac{1}{f_2} \quad (3) \text{ ва } K_2 = \frac{S_2}{S_0} = \frac{f_2^2}{d_2^2} \quad (4)$$

Лекин $d_2 = d_1 + l$ (5) га тенг. (5) тенгламани (3—4) га қўйиб ва f_2 ни йўқотиб, қуйидагини топамиз:

$$D = \frac{1}{F} = \frac{\sqrt{K_2 + 1}}{\sqrt{K_2} (d_1 + l)} = 1,8 \text{ диоптрия.}$$

D ни маълум деб ҳисоблаб (1—2) тенгламадан S_0 ни топамиз: $S_0 = S_1 (D d_1 - 1)^2 = 256 \text{ см}^2$

5. Берилган: $A = 4\text{эВ} = 6,4 \cdot 10^{-19} \text{ Ж}$; $L = 300 \text{ мм} = 3 \cdot 10^{-7} \text{ м}$; $l = 1,6 \cdot 10^{-19} \text{ Кл}$

Топиш керак: U —?

Ечилиши: Фотоэлектронлар анодга етиб бормаслиги учун катод билан анод орасидаги потенциаллар айирмаси шундай бўлиши керакки, бу потенциаллар айирмасида фотоэлектронларнинг катоддан анодга кўчиришда электр кучларига қарши бажарилган иш катоддан электронларнинг учиб чиқишида олган кинетик энергиясига тенг бўлади, яъни $eU = mv^2/2$, бу ерда l —электрон заряди, m —массаси, v —тезлиги. Бунда электрон манфий зарядга эга бўлгани учун аноднинг потенциали манфий бўлиши керак. Юқоридаги ифодадан анод билан катод орасидаги потенциаллар айирмаси U ни топамиз: $U = mv^2/2e$. Электроннинг кинетик энергияси Эйнштейн тенгламасидан фойдаланиб аниқланади,

$$\text{яъни } \frac{mv^2}{2} = h\nu - A = h\frac{c}{\lambda} - A$$


$$\text{Биобарин, } U = \left(\frac{hc}{\lambda} - A\right)/l$$

Сон қийматларини ўрнига қўйиб, қуйидагини топамиз: $U = 0,12 \text{ В}$

М. ҚУРБОНОВ.

Кимё

1. Масала шартига биноан эритмада кўрғошиннинг оксидланиш даражаси +2 га тенг бирикмаси ҳосил бўлар экан, унда содир бўлган реакция тенгламаси эса қуйидагича бўлади:



Агар PbO_2 миқдори $0,025$ моль бўлса, унда эритмада унга нисбатан 2 марта кўпроқ $Pb(NO_3)_2$ нинг миқдори $0,05$ молга тенг бўлар экан. Эритмадаги кўрғошин (11) ионларнинг массаси $m(Pb^{2+}) = 0,05 \cdot 207 = 10,35$ г бўлади.

2. Реакция натижасида $0,04$ моль аммиак ҳосил бўлганлиги сабабли реакцияга киришган аммиак миқдори $0,02$ моль (реакцияга киришмай қолган аммиак миқдори эса $0,03$ моль) ва ҳосил бўлган водород миқдори $0,06$ моль (реакцияга киришмай қолган миқдори $0,46$ моль) бўлиши масала шартига келтирилган тенгламанинг стехиометрик коэффициентларидан кўриниб турибди.

Маъкур реакция учун мувозанат константасининг иродаси: $K_m = \frac{[NH_3]}{[N_2][H_2]^3}$ га мувозанат концентрациялар қийматини қўйиб $K_m = (0,04)^2 / (0,03 \cdot 0,46)^3 < 0,55$ топилади.

3. а) NH_2 анионида азот атомининг иккита водород атоми билан боғланишда, яна 2S ва 2p—орбиталларидаги иккита эркин

электрон жуфтлари гибридланишда қатнашган. Демак, бу ионни ҳосил қилишда sp^3 гибрид орбиталлар қатнашган. Эркин электрон жуфтлар икки гибрид орбиталда геометрик ўрин эгаллаши расида кўрсатилган. (1-расм).

б) Сув молекуласидаги кислород атоми ҳам шундай турда — sp^3 гибридланган ҳолда бўлади, чунки ундаги $2s^2 2p^4$ электрон конфигурация учун фақат шундай гибридланиш имконияти бор. Бу молекулада ҳам иккита электрон жуфт иккита гибрид орбитални ишғол этади.

в) ва б) ҳолдаги ион ва молекулалар таркибидаги эркин электрон жуфтлар сони ҳам, боғланишда қатнашган электронлар сони ҳам, улардаги валент қобирғидаги электронлар сони ҳам бир хил. Шунинг учун бундай заррачалар изоэлектронли заррачалар деб аталади.

в) PH_3 молекуласида фосфор атомининг $3s^2$ электронлари sp^3 гибрид орбиталларининг бирини ишғол этади, қолган учта боғни ҳосил қилишда қолган учта sp^3 гибрид орбиталлар қатнашган. Бу молекуланинг геометрик шакли учбурчакли пирамида кўринишида бўлади. Бу пирамиданинг асосига перпендикуляр йўналишда эркин электрон жуфти жойлашган.

г) XeF_4 молекуласидаги марказий атом — Хе атофидаги 6-га электрон марказий атомнинг тўртта боғланиш ҳосил қилишда қатнашган, қолган тўртта электрони эса эркин электрон жуфтини ҳосил қилади. Молекуладаги тўртта фтор атомлари бир текисликда — квадрат ҳолатида жойлашган ва қолган иккита электрон жуфтлари шу квадрат текислигига перпендикуляр томонга йўналган.

д) PCl_3 молекуласидаги фосфор атоми ҳам в) ҳолдаги PH_3 га ўхшаш гибридланган ҳолатда бўлади. Молекуланинг геометрияси ҳам учбурчакли пирамида кўринишига эга бўлади.

е) B_2F_4 катиони B_2F_5 молекуласидан бир фтор атоми узилган ҳолда пайдо бўлади. Нейтрал молекула квадрат пирамида шаклида бўлади, ундан фтор атоми ажралганда квадрат текислигига перпендикуляр ҳолатдаги координатда жойлашган фтор атоми узилади деб тасаввур этиш кўлай: Бундай катион таркибидаги фтор атомлари орасидаги бурчак 90° бўлиши улар орасидаги итаришини кучайтиради. Бу ҳолат катоннинг бошқа мустақкамрок бўлган ва фтор атомлари итаришиши камроқ бўлган биофеноид шакли геометрияга олиб келади. Бундай геометрияни эркин электрон жуфтини ҳисобга олган ҳолда учбурчакли бирипирамида асосида кўз олдин келтириш осон. Бундай катион кўпинча $[B_2F_4]^+ [SBF_6]^-$ ҳолатида турғун бўлади.

4. Масала шартига эга олинган жараённинг кимёвий тенгламаси: $Fe + SiSO_4 = FeSO_4 + Si$

Бундан кўринишича 56 г (1 моль) темир реакцияга киришганда 64 г (1 моль) мис ажралиб чиқади ва шунда темир пластинка массаси 8 г га ортади.

Масала шартига биноан, масса 2,14 г га ортган экан, унда қуйидаги пропорциядан пластинка юзасига ажралиб чиққан мис массасини топамиз:

64 г мис ажралганда масса 8 г га ортса, X г мис ажралганда масса 2,14 г га ортади. Бундан $X = 64 \cdot 2,14 / 8 = 17,12$ г экан. Ажралиб чиққан миснинг эквивалент миқдори $m_e(Cu) = 17,12 / [M(Cu) : 2] = 17,12 / 32 = 0,535$ моль-эквивалент экан.

5. Модда ёнганда унинг таркибидаги углерод тўлиқ углерод (IV) оксидга, водород сувга ва натрий эса натрий оксидгача ўтганини ҳисобга олиб, массаси 6,16 г булган углерод (IV) оксид таркибида 1,68 г углерод, 0,9 г сувда 0,1 г водород ва 0,62 г натрий оксидда 0,46 г натрий борлигини осон топилади. Эркин элементлар массаларининг йиғиндиси 2,24 г (1,68—0,1—0,46) массани 2,88 г дан айириб бошлангич модда таркибидаги кислороднинг массаси 0,64 г бўлганлигини аниқлаймиз. Модда таркибидаги элементларнинг моль миқдорлари $n(C) = 1,68 : 12 = 0,14$ моль, $n(H) = 0,1 : 1 = 0,1$ моль, $n(Na) = 0,46 : 23 = 0,02$ моль ва $n(O) = 0,64 : 16 = 0,04$ моль бўлса, уларнинг нисбатлари эса $n(C) : n(H) : n(Na) : n(O) = 0,14 : 0,1 : 0,02 : 0,04 = 7 : 5 : 1 : 2$ бўлади. Модданинг формуласи $C_7H_5O_2Na$ ёки C_7H_5COONa — бензой кислотасининг натрийли тузи бўлган экан.

А. МУФТАХОВ



Зоти шариф таваллудига бағишлаб

Навойнинг «Мажолисун-нафоис» асарини варақлашда давом этамиз.

«Мир Муртоз — кичик ёшдан бериким, илм касбига машғулдир. Анга теғруким кўпроқ улушда донишманд бўлди — ўз мутолааси била бўлди. Кеча тонг отгунча ва кундуз оқшом бўлгунча иши мутолаа эрди. Бовужуди бу зухди дағи аъло мартабада эрди ва сойимуддаҳр эрди. Бу риёзатлар жиҳатидан маволи анга Мир Муртоз от қўйдилар ва ҳоло бу лақаб билан машҳурдир. Чун баҳсда лажожи кўп эрди, анинг била ҳар ким масала баҳс қилса эрди, мулзам бўмагунча қутулмас эрди, балки мулзам бўлса ҳам, шаҳр зариф ва шўхлари «Валишалоин» ҳам дерлар. Ҳоло вузу ва намозида муболаға жиҳатдан анга ваввос пайдо бўлбтур ва шатранжга андоқ мағлубдирким, бир хариф илгига тушса, халос бўла олмас. Бу жиҳатдан харифлар андин қочарлар, машҳурдирким, агар икки хариф илгига тушса, бири била ўйнаб, яна бирининг этагини берк тутиб ўлтирурким, бири қочса, бори бири илгида бўлғай. Ба ҳар тақдир андоқ беназир киши оз бўлғай».

Забардаст олим, шатранж шайдоси Мир Муртознинг заҳматкашлиги илми муסיқийда ҳам машҳур эди. Мир Муртознинг номини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам тилга олиб ўтган: «...Шатранжга кўп шағафи бор экандур, бу мартабадаким, агар икки хариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутиб ўлтурар экандурким кетмағай деб».

«Мавлоно Муҳаммад Толиб — мажнунваш йигитдур, толиби илмлиги ҳам бор ва шатранжга ажаб машғуфдир ва муаммоға ҳам кўпроқ машғул бўлур».






«Мавлоно Васлий — Мавлоно Хожа Калон қозининг ўғлидур, отасини Ҳирий аҳли иттифоқ била ақл ва раъйға мусаллам тутарлар эрди. Узи хейли салоҳиятлик йигитдур. Кабир ва сағир шатранжни хўб ўйнар. Яхши суҳбатлик, хуштаъб, салим нафас одамийдурур».

«Мавлоно Фазулло — шерозликдур. Тижорат тарийки била Астрободға келди Лавандашлиги ғолиб учун бепарвалиғ қилиб, дастмаясиға нуқсонлар воқеъ бўлди. Салоҳиятлик йигитдур. Толиби илмлиги ҳам бор. Шеър ва муаммо ва нард ва шатранжи ҳозирона ва ғойибона, балки сағир ва кабирни билур...»

Навой ўзининг «Мажолисун-нафоис»ида 400дан ортиқ шоир ижодига тўхталар экан, ҳар қандай намуналарни ҳам унга киритавермаган, албатта. Бинобарин, номи зикр этилган устод шатранжчилар шеърятда ҳам анчагина бақувват бўлганликлари аниқ. Яна шуниси диққатга сазоворки, шатранжчиларнинг кўпчилиги муаммо илмининг ҳам дарғалари бўлган. Одатда таҳлил қуввати зўр бўлмай туриб, муаммо илмини ҳам, шахмат маҳоратини ҳам юксак даражага кўтариб бўлмайди. Бу иккала соҳада ҳам ҳар қандай майда нарсалар назардан четда қолмаслиги, бунинг учун эса бенуқсон хотирага эга бўлмоқ даркор.

Конкурснинг навбатдаги топшириқлари

(1, 2, 3, 4-диаграммалар) 4 тала диаграммадаги ҳолатларда ҳам оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 4 тадан очко берилади.



Юриш сиздан, отахон! А. ҚУРБОНБОЕВ сурати.



Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий,
безакли ойнама

МУАССИС — ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

№ 6 (59) июнь, 1991.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси

Бош муҳаррир —
Худойберди ТУХТАБОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шоҳруҳ АКБАРОВ —
масъул котиб
Хуршид ДУСТМУҲАММАД —
бош муҳаррир ўринбосари
Бахтиёр КАРИМОВ
Ҳасан НОРМУРОДОВ
Эркин МАЛИКОВ
Тоҳир МАЛИК
Латиф МАҲМУДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Акмал САИДОВ
Исроил ТУХТАЕВ
Урол ХОЛМОҲОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Музроб ҚУРБОНОВ
Турсунали ҚУРБОНОВ
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

Бадий муҳаррир —
Султон СУЛАЙМОНОВ
Саҳифаловчи —
Улугбек ЯКВАЛХУҲАЕВ
Мусаҳҳиҳ —
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Ёш куч» — ежемесячный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Учредитель ЦК ЛКСМ Узбекистана

Маконимиз: 700113, Тошкент-ЧГСП,
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари 78-93-24
Масъул котиб 78-94-73

Бўлимлар:
Мақтаб, фан-техника ва спорт 78-57-84
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат 78-85-64
Хатлар 78-48-85
Шеърят 78-85-64


Таҳририят ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди. Ойнамадан кўчириб босилганда «Ёш куч»дан олинди деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» июнь, 1991.

«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси

Босмаҳонага туширилди 9.04.91 й. Босишга рухсат этилди 14.05.91 й. Офсет усулида чоп этилди. Китоб ойнама учун офсет қоғози. Формати 70×108¹/₈. Шартли босма тобоқ 5,6. Шартли буюқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма тобоқ 10,6. Тиражи 590000 нусха. Буюртма 5148. Баҳоси: Обуначига — 55 тийин. Сотувга — 80 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41.



Танишинг—Қахрамон ДАВРОНОВ. Фан-техника соҳасида жумҳурият комсомоли мукофоти совриндори, кимё фанлари номзоди, биология фанлари доктори. Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти лаборатория мудир.

Суратчи—А. КУДРЯШОВ.



پاڭا سەھىپە
ياش كوچ

Рақсларга кўчар туйғулар.